ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

ШНҚ 2.04.08-22 «ГАЗ ТАЪМИНОТИ. ЛОЙИҲАЛАШ ТАЛАБЛАРИ» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 29 майда ҳисобга олинди, ҳисоб рақами 254]

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 мартдаги ПФ-5963-сон «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислоҳотларни чукурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.04.08-22 «Газ таъминоти. Лойиҳалаш талаблари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган.

4. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Б. ЗАКИРОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 15 апрель,
01/2-9-сон
Келишилди:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг биринчи ўринбосари О. ҚУДРАТОВ

2024 йил 1 апрель

Тоғ-кон саноати ва геология вазири Б. ИСЛАМОВ

2024 йил 29 март

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси Б. ЮСУПАЛИЕВ

2024 йил 6 март

Энергетика вазири Ж. МИРЗАМАҲМУДОВ

2024 йил 7 март

Фавқулодда вазиятлар вазири А. КУЛДАШЕВ

2024 йил 16 март

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва
уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг
2024 йил 15 апрелдаги 01/2-9-сон
буйруғига
1-ИЛОВА

ШНҚ 2.04.08-22 «Газ таъминоти. Лойиҳалаш талаблари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) газ истеъмолчиларини босими 1,2 МРа гача (12 kgf/cm^2) бўлган табиий газ ва босими 1,6 МРа гача (16 kgf/cm^2) бўлган суюлтирилган углеводород газлари билан таъминлашга мўлжалланган янги қуриладиган, кенгайтириладиган ва қайта таъмирланадиган газ таъминоти тизимларини лойиҳалашга оид бўлган талабларни белгилайди.

Ушбу ШНҚнинг талаблари қора металлургия, нефтни қайта ишлаш саноати ва саноатнинг газ таъминоти тармоқ норматив ҳужжатларига мувофиқ лойиҳаланадиган газ тизими тармоқларини ҳамда автомобилларга табиий газ ёқилғи қуйиш шохобчаларини, газдан хом ашё сифатида фойдаланадиган корхоналарнинг ички майдонида газ қувурларини ётқизишни ва кўчма воситаларнинг газ ускуналарини лойиҳалашга нисбатан татбиқ этилмайди.

1-боб. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар

1. Мазкур ШНҚда қуйидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар келтирилган:

ШНҚ 2.01.01-22 «Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар»;

ШНҚ 2.01.02-04 «Бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги»;

ШНҚ 2.09.02-19 «Саноат бинолари»;

ШНҚ 2.07.01-03 «Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш»;

ШНҚ 2.04.12-22 «Пўлат қувурўтказгичларни мустаҳкамликка ҳисоблаш»;

ШНҚ 2.05.03-22 «Кўприклар ва қувурлар»;

ШНҚ 2.02.03-12 «Қозиқли пойдеворлар»;

ҚМҚ 2.05.06-97 «Магистрал қувурўтказгичлар»;

ҚМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, вентиляция ва кондициялаш»;

Ўз ДСт 735:2023 «Қурилиш учун лойиҳа ҳужжатлари тизими. Газ таъминоти. Ташқи газ қувурлари. Ишчи чизмалар»;

Ўз ДСт 734:2023 «Қурилиш учун лойиҳа ҳужжатлари тизими. Газ таъминоти. Ички қурилмалар. Ишчи чизмалар»;

ISO/TS10839:2022 «Газсимон ёқилғини узатиш учун полиэтилен қувурўтказгичлар ва фитинглар. Лойиҳалаш, ташиш ва ўрнатиш бўйича амалдаги кодекс» *(расмий манба: Трубопроводы и фитинги полиэтиленовые для подачи газообразного топлива. Кодекс установившейся практики по проектированию, транспортированию и установке);*

ISO 3183-2015 «Нефт ва газ саноати қувурўтказгичлари учун пўлат қувурлар. Умумий техник шартлар» (*расмий манба: Трубы стальные для трубопроводов нефтяной и газовой промышленности. Общие технические условия*);

ГОСТ 31438.1-2011 «Портловчи муҳитлар. Портлашдан ҳимоя қилиш ва портлашнинг олдини олиш» *(расмий манба: Взрывоопасные среды. Взрывозащита и предотвращение взрыва);*

ГОСТ 34.201-2020 «Ахборот технологиялари. Автоматлаштирилган тизимлар учун стандартлар тўплами.» Автоматлаштирилган тизимларни яратишда ҳужжатлар тўплами ва белгиланиши» (*расмий манба: Информационные технологии. Комплекс стандартов на*

автоматизированные системы. Виды, комплектованность и обозначение документов при создании автоматизированных систем);

ГОСТ 34.601-90 «Ахборот технологияси. Автоматлаштирилган тизимлар учун стандартлар тўплами. Автоматлаштирилган тизимлар. Яратилиш босқичи» (*расмий манба: Информационная технология. Комплекс стандартов на автоматизированные системы. Автоматизированные системы. Стадия создания*);

ГОСТ 34.602-2020 «Ахборот технологияси. Автоматлаштирилган тизимлар учун стандартлар тўплами. Автоматлаштирилган тизимни яратиш учун техник топшириқ» (*расмий манба: Информационная технология. Комплекс стандартов на автоматизированные системы. Техническое задание на создание автоматизированной системы*);

ГОСТ 380-2005 «Оддий сифатли углеродли пўлат. Маркалар» (*расмий манба: Сталь углеродистая обыкновенного качества. Марки*);

ГОСТ 481-80 «Паронит ва ундан ясалган қистирмалар. Техник шартлар» (*расмий манба: Паронит и прокладки из него. Технические условия*);

ГОСТ 617-2006 «Умумий мақсадлар учун мўлжалланган мис ва латун қувурлар. Техник шартлар» (*расмий манба: Трубы медные и латунные круглого сечения общего назначения. Технические условия*);

ГОСТ 859-2014 «Мис. Маркалар» (*расмий манба: Меди. Марки*);

ГОСТ 1050-2013 «Сифатли, легирланмаган ва махсус пўлатдан ясалган металл буюмлар. Умумий техник шартлар» (*расмий манба: Металлопродукция из нелегированных конструкционных качественных и специальных сталей. Общие технические условия*);

ГОСТ 3262-75 — «Пўлат сув ва газ қувурлари. Техник шартлар» (*расмий манба: Трубы стальные водогазопроводные. Технические условия*);

ГОСТ 9238-2013 — «Темир йўл ҳаракатланувчи таркибининг ўлчамлари ва биноларнинг яқинлиги» (*расмий манба: Габариты железнодорожного подвижного состава и приближения строений*);

ГОСТ 4543-2016 «Легирланган пўлатдан ясалган металл буюмлар. Техник шартлар» (*расмий манба: Металлопродукция из конструкционных легированной стали. Технические условия*);

ГОСТ 5542-2014 «Саноат ва коммунал-маиший мақсадлар учун ёнувчи табиий газлар. Техник шартлар» (*расмий манба: Газы горючие природные для промышленного и коммунально-бытового назначения. Технические условия*);

ГОСТ 6533-78 «Сиғимлар, аппаратлар ва қозонлар учун пўлатдан ясалган идишларнинг эллиптик туби. Асосий ўлчамлар» (*расмий манба: Днища эллиптические отбортованные стальные для сосудов, аппаратов и котлов. Основные размеры*);

ГОСТ 7338-90 «Резина ва резина мато пластиналар. Техник шартлар» (*расмий манба: Пластины резиновые и резинотканевые. Технические условия*);

ГОСТ 8696-74 «Умумий мақсадли спирал чокли электр пайвандланган пўлат қувурлар. Техник шартлар» (*расмий манба: Трубы стальные электросварные со спиральным швом общего назначения. Технические условия*);

ГОСТ 8731-87 «Қайноқ деформацияланган чоксиз пўлат қувурлар. Техник талаблар» (*расмий манба: Трубы стальные бесшовные горячедеформированные. Технические требования*);

ГОСТ 8733-74 «Совуқ деформацияланган ва иссиқ деформацияланган чоксиз пўлат қувурлар. Техник талаблар» (*расмий манба: Трубы стальные бесшовные холоднодеформированные и теплодеформированные. Технические требования*);

ГОСТ 8734-75 «Совуқ деформацияланган чоксиз пўлат қувурлар. Сортамент» (*расмий манба: Трубы стальные бесшовные холоднодеформированные Сортамент*);

ГОСТ 8946-75 «Қувурўтказгичлар учун чўяндан зарб бериб ясалган цилиндрсимон резьбали бириктирувчи қисмлар. Ўтказувчи угольниклар. Асосий ўлчамлари» (*расмий*

манба: Соединительные части из ковкого чугуна с цилиндрической резьбой для трубопроводов. Угольники проходные. Основные размеры);

ГОСТ 8947-75 «Қувурўтказгичлар учун чўяндан зарб бериб ясалган цилиндрсимон резьбали бириктирувчи қисмлар. Ўтказиш угольниклари. Асосий ўлчамлари» (*расмий манба: Соединительные части из ковкого чугуна с цилиндрической резьбой для трубопроводов. Угольники переходные. Основные размеры*);

ГОСТ 8948-75 «Қувурўтказгичлар учун чўяндан зарб бериб ясалган цилиндрсимон резьбали бириктирувчи қисмлар. Тўғри тройниклар. Асосий ўлчамлари» (*расмий манба: Соединительные части из ковкого чугуна с цилиндрической резьбой для трубопроводов. Тройники прямые. Основные размеры*);

ГОСТ 8949-75 «Қувурўтказгичлар учун чўяндан зарб бериб ясалган цилиндрсимон резьбали бириктирувчи қисмлар. Ўтказгич тройниклар. Асосий ўлчамлари» (*расмий манба: Соединительные части из ковкого чугуна с цилиндрической резьбой для трубопроводов. Тройники переходные. Основные размеры*);

ГОСТ 8950-75 «Қувурўтказгичлар учун чўяндан зарб бериб ясалган цилиндрсимон резьбали бириктирувчи қисмлар. Икки ўтказгичли тройниклар. Асосий ўлчамлари» (*расмий манба: Соединительные части из ковкого чугуна с цилиндрической резьбой для трубопроводов. Тройники с двумя переходами. Основные размеры*);

ГОСТ 8951-75 «Қувурўтказгичлар учун чўяндан зарб бериб ясалган цилиндрсимон резьбали бириктирувчи қисмлар. Тўғри кесишмалар. Асосий ўлчамлари» (*расмий манба: Соединительные части из ковкого чугуна с цилиндрической резьбой для трубопроводов. Кресты прямые. Основные размеры*);

ГОСТ 8952-75 «Қувурўтказгичлар учун чўяндан зарб бериб ясалган цилиндрсимон резьбали бириктирувчи қисмлар. Ўтказгичли кесишмалар. Асосий ўлчамлари» (*расмий манба: Соединительные части из ковкого чугуна с цилиндрической резьбой для трубопроводов. Кресты переходные. Основные размеры)*;

ГОСТ 8953-75 «Қувурўтказгичлар учун чўяндан зарб бериб ясалган цилиндрсимон резьбали бириктирувчи қисмлар. Икки ўтказгичли кесишмалар. Асосий ўлчамлари» *(расмий манба: Соединительные части из ковкого чугуна с цилиндрической резьбой для трубопроводов. Кресты с двумя переходами. Основные размеры*);

ГОСТ 8954-75 «Қувурўтказгичлар учун чўяндан зарб бериб ясалган цилиндрсимон резьбали бириктирувчи қисмлар. Қисқа тўғри муфталар. Асосий ўлчамлари» (*расмий манба: Соединительные части из ковкого чугуна с цилиндрической резьбой для трубопроводов. Муфты прямые короткие. Основные размеры*);

ГОСТ 8955-75 «Қувурўтказгичлар учун чўяндан зарб бериб ясалган цилиндрсимон резьбали бириктирувчи қисмлар. Узун тўғри муфталар. Асосий ўлчамлари» (*расмий манба: Соединительные части из ковкого чугуна с цилиндрической резьбой для трубопроводов. Муфты прямые длинные. Основные размеры*);

ГОСТ 8956-75 «Қувурўтказгичлар учун чўяндан зарб бериб ясалган цилиндрсимон резьбали бириктирувчи қисмлар. Компенсацион муфталар. Асосий ўлчамлари» (*расмий манба: Соединительные части из ковкого чугуна с цилиндрической резьбой для трубопроводов. Муфты компенсирующие. Основные размеры*);

ГОСТ 8957-75 «Қувурўтказгичлар учун чўяндан зарб бериб ясалган цилиндрсимон резьбали бириктирувчи қисмлар. Ўтиш муфталар. Асосий ўлчамлари» (*расмий манба: Соединительные части из ковкого чугуна с цилиндрической резьбой для трубопроводов. Муфты переходные. Основные размеры*);

ГОСТ 8959-75 «Қувурўтказгичлар учун чўяндан зарб бериб ясалган цилиндрсимон резьбали бириктирувчи қисмлар. Бирлаштирувчи гайкалар. Асосий ўлчамлари» (*расмий манба: Соединительные части из ковкого чугуна с цилиндрической резьбой для трубопроводов. Гайки соединительные. Основные размеры*);

ГОСТ 8963-75 «Қувурўтказгичлар учун чўяндан зарб бериб ясалган цилиндрсимон резьбали бириктирувчи қисмлар. Пробкалар. Асосий ўлчамлари» (*расмий манба:*

Соединительные части из ковкого чугуна с цилиндрической резьбой для трубопроводов. Пробки. Основные размеры);

ГОСТ 8966-75 «Р=1,6 МРа қувурлар учун цилиндрсимон бирлаштирувчи пўлат қисмлар. Тўғри муфталар. Асосий ўлчамлари» (*расмий манба: Части соединительные стальные с цилиндрической резьбой для трубопроводов Р=1,6 МПа. Муфты прямые. Основные размеры*);

ГОСТ 8968-75 «Р=1,6 МРа қувурлар учун цилиндрсимон бирлаштирувчи пўлат қисмлар. Контргайкалар. Асосий ўлчамлари» (*расмий манба: Части соединительные стальные с цилиндрической резьбой для трубопроводов Р=1,6 МПа. Контргайки. Основные разм*еры);

ГОСТ 8969-75 «Р=1,6 МРа қувурлар учун цилиндрсимон бирлаштирувчи пўлат қисмлар. Сгонлар. Асосий ўлчамлари» (*расмий манба: Части соединительные стальные с цилиндрической резьбой для трубопроводов Р=1,6 МПа. Сгоны. Основные размеры*);

ГОСТ 9544-2015 «Қувурўтказгичли арматуралар. Затворларнинг зичлик нормалари» (*расмий манба: Арматура трубопроводная. Нормы герметичности затворов*);

ГОСТ 9931-85 «Пўлат пайвандланган цилиндрсимон идишлар ва аппаратлар корпуслари. Турлари, асосий параметрлари ва ўлчамлари» (*расмий манба: Корпуса цилиндрические стальных сварных сосудов и аппаратов. Типы, основные параметры и размеры*);

ГОСТ 10704-91 — «Электр пайвандланган тўғри чокли пўлат қувурлар. Сортамент.» (*расмий манба: Трубы стальные электросварные прямошовные. Сортамент*);

ГОСТ 10705-80 «Электр пайвандланган пўлат қувурлар. Техник шартлар». (*расмий манба: Трубы стальные электросварные. Технические условия*);

GOST 10706-76 «Электр пайвандланган тўғри чокли пўлат қувурлар. Техник талаблар.» (*расмий манба: Трубы стальные электросварные прямошовные. Технические требования*);

ГОСТ 11032-97 «Маиший сув иситадиган сиғимли газ аппаратлари. Умумий техник шартлар.» (*расмий манба: Аппараты водонагревательные ёмкостные газовые бытовые. Общие технические условия*);

ГОСТ 11881-76 GSP. «Ташқи энергия манбасидан фойдаланмасдан ишлайдиган регуляторлар. Умумий техник шартлар» (*расмий манба: Регуляторы, работающие без использования постороннего источника энергии. Общие технические условия*);

ГОСТ 12820-80 «Р(у) 0,1 дан 2,5 МРа гача (1 дан 25 kgs/kv.cm гача) ясси пайвандланган пўлат фланец. Конструкция ва ўлчамлари» (*расмий манба: Фланцы стальные плоские приварные на Р(у) от 0,1 до 2,5 МПа (от 1 до 25 кгс/кв. см). Конструкция и размеры*);

ГОСТ 12821-80 «Р(у) 0,1 дан 20,0 МРа гача (1 дан 200 kgs/kv.cm гача) тақаб пайвандланган пўлат фланец. Конструкция ва ўлчамлари» (*расмий манба: Фланцы стальные приварные встык на Ру от 0,1 до 20,0 МПа (от 1 до 200 кгс/кв. см). Конструкция и размеры*);

ГОСТ 13726-97 «Алюминий ва алюминий қотишмаларидан тайёрланган ленталар. Техник шартлар» (*расмий манба: Ленты из алюминия и алюминиевых сплавов. Технические условия*);

ГОСТ 14249-89 «Идишлар ва аппаратлар. Мустаҳкамликка ҳисоблаш нормалари ва усуллари» (*расмий манба: Сосуды и аппараты. Нормы и методы расчета на прочность*);

ГОСТ 14254-2015 «Қобиқлар томонидан таъминланадиган ҳимоя даражалари (IP коди)» (*расмий манба: Степени защиты, обеспечиваемые оболочками (код IP*);

ГОСТ 15180-86 «Текис эластик прокладкалар. Асосий параметрлари ва ўлчамлари». (*расмий манба: Прокладки плоские эластичные. Основные параметры и размеры*);

ГОСТ 16338-85 «Паст босимли полиэтилен. Техник шартлар» (*расмий манба: Полиэтилен низкого давления. Технические условия*);

ГОСТ 16569-86 «Маиший иситиш печлари учун газ ёқиш мосламалари. Техник шартлар» (*расмий манба: Устройства газогорелочные для отопительных бытовых печей. Технические условия*);

ГОСТ 17375-2001 «Қувурларнинг углеродли ва паст легирланган пўлатдан ясалган чоксиз пайвандланган қисмлари. 3D (R≈1,5 DN) туридаги қайирилган отводлар. Конструкция.» *(расмий манба: Детали трубопроводов бесшовные приварные из углеродистой и низколегированной стали. Отводы крутоизогнутые типа 3D (R≈1,5 DN). Конструкция*);

ГОСТ 17378-2001 «Қувурларнинг углеродли ва паст легирланган пўлатдан ясалган чоксиз пайвандланган қисмлари. Ўтишлар. Конструкция.» (*расмий манба: Детали трубопроводов бесшовные приварные из углеродистой и низколегированной стали. Переходы. Конструкция*);

ГОСТ 17379-2001 «Қувурларнинг углеродли ва паст легирланган пўлатдан ясалган чоксиз пайвандланган қисмлари. Эллиптик заглушкалар. Конструкция.» (*расмий манба: Детали трубопроводов бесшовные приварные из углеродистой и низколегированной стали. Заглушки эллиптические. Конструкция*);

ГОСТ 18599-2001 «Полиэтилендан ясалган босимли қувурлар. Техник шартлар» (*расмий манба: Трубы напорные из полиэтилена. Технические условия*);

ГОСТ 19281-2014 «Юқори мустаҳкамликка эга прокат. Умумий техник шартлар» (*расмий манба: Прокат повышенной прочности. Общие технические условия*);

ГОСТ 20219-93 «Сувли маиший газ иситиш аппаратлари. Умумий техник шартлар» (*расмий манба: Аппараты отопительные газовые бытовые с водяным контуром. Общие технические условия*);

ГОСТ 20295-85 «Магистрал нефт ва газ ўтказгичлар учун пайвандланган пўлат қувурлар. Техник шартлар» (*расмий манба: Трубы стальные сварные для магистральных газонефтепроводов. Технические условия*);

ГОСТ 20448-2018 «Маиший истеъмол учун углеводородли суюлтирилган ёқилғи газлари. Техник шартлар» (*расмий манба: Газы углеводородные сжиженные топливные для коммунально-бытового потребления. Технические условия*);

ГОСТ 21204-97 «Саноат газ ёндиргичлари. Умумий техник талаблар» (*расмий манба: Горелки газовые промышленные. Общие технические требования*);

ГОСТ 21552-84 «Ҳисоблаш техникаси воситалари. Умумий техник талаблар, қабул қилиш, синов усуллари, маркалаш, қадоқлаш, ташиш ва сақлаш» (*расмий манба: Средства вычислительной техники. Общие технические требования, приемка, методы испытаний, маркировка, упаковка, транспортирование и хранение*);

ГОСТ 21631-76 «Алюмин ва алюмин қотишмаларидан листлар» (*расмий манба: Листы из алюминия и алюминиевых сплавов. Технические условия*);

ГОСТ 25696-83 «Инфрақизил нурланишли газ ёндиргичлар. Умумий техник талаблар ва қабул қилиш» (*расмий манба: Горелки газовые инфракрасного излучения. Общие технические требование и приемка*);

ГОСТ 27441-87 «Умумий овқатланиш корхоналари учун озиқ-овқат маҳсулотларини иссиқлик билан ишлов бериш учун газ қурилмалари. Таснифлаш, умумий техник талаблар ва синов усуллар» (*расмий манба: Аппараты газовые для тепловой обработки пищи для предприятий общественного питания. Классификация, общие технические требования и методы испытаний*);

ГОСТ 28338-89 «Қувурўтказгичларни улаш қисмлари ва арматура. Шартли ўтиш жойлари» (номинал ўлчамлари) Қаторлар» (*расмий манба: Соединения трубопроводов и арматура. Проходы условные (размеры номинальные) Ряды*);

ГОСТ 9.602-2016 «Коррозия ва қаришдан ҳимоя қилишнинг ягона тизими. Ер ости иншоотлари. Коррозиядан ҳимоя қилишнинг умумий талаблари» (*расмий манба: Единая система защиты от коррозии и старения. Сооружения подземные. Общие требования к защите от коррозии*);

ГОСТ 30852.2-2002 «Портлашдан ҳимояланган электр жиҳозлари. 1-қисм. «Портлашга чидамли қобиқ» туридаги портлашдан ҳимоя қилиш. Қўшимча 1. Илова D. Хавфсиз экспериментал максимал бўшлиқни аниқлаш усули» (*расмий манба: Электрооборудование взрывозащищенное. Часть 1. Взрывозащита вида «взрывонепроницаемая оболочка». Дополнение 1. Приложение D. Метод определения безопасного экспериментального максимального зазора*);

ГОСТ 30852.5-2002 «Портлашдан ҳимояланган электр жиҳозлари. Қисм 4. Ўз ўзидан ёниш ҳароратини аниқлаш усули» (*расмий манба: Электрооборудование взрывозащищенное. Часть 4. Метод определения температуры самовоспламенения*);

ГОСТ 30852.11-2002 «Портлашдан ҳимояланган электр жиҳозлари. Қисм 12. Газлар ва буғларнинг ҳаво билан аралашмаларини хавфсиз экспериментал максимал бўшлиқлар ва минимал ёниш оқими бўйича таснифи» (*расмий манба: Электрооборудование взрывозащищенное. Часть 12. Классификация смесей газов и паров с воздухом по безопасным экспериментальным максимальным зазором и минимальных воспламеняющим током*);

ГОСТ 30852.19-2002 «Портлашдан ҳимояланган электр жиҳозлари. 20-қисм. Электр жиҳозларининг ишлаши билан боғлиқ ёнувчи газлар ва буғлар ҳақидаги маълумотлар» (*расмий манба: Электрооборудование взрывозащищенное. Часть 20. Данные по горючим газам и парам, относящиеся к эксплуатации электрооборудования*);

ГОСТ 31284-2004 «Саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ҳаво иситгичлари. Умумий техник шартлар» (*расмий манба: Воздухонагреватели для промышленных и сельскохозяйственных предприятий. Общие технические условия*);

ГОСТ EN 30-1-2-2007 «Маиший газ плиталари. 1-2 бўлим. Хавфсизлик талаблари. Мажбурий газ айланишига эга бўлган духовка ва/ёки грилли жиҳозлар» (*расмий манба: Плиты газовые бытовые. Часть 1-2: Требования безопасности. Приборы, имеющие духовки и/или грили с принудительной циркуляцией воздуха*);

ГОСТ EN 30-1-3-2009 «Маиший газ плиталари. 1-3 бўлим. Хавфсизлик талаблари. Шиша керамак столга эга жиҳозлар» (*расмий манба: Плиты газовые бытовые. Часть 1-3. Требования безопасности. Приборы, имеющие стеклянный керамический стол*);

ГОСТ EN 30-1-4-2009 «Маиший газ плиталари. 1-4 бўлим. Хавфсизлик талаблари. Автоматик бошқариш тизимига эга бир ёки ундан кўп горелкали жиҳозлар» (*расмий манба: Плиты газовые бытовые. Часть 1-4: Требования безопасности. Приборы с одной или более горелками с системой автоматического управления*);

ГОСТ EN 30-2-2-2006 «Овқат тайёрлаш учун маиший газ плиталари. 2-2 бўлим. Қувватни рационал ишлатиш. Духовка ва/ёки грилда мажбурий газ айланишига эга бўлган жиҳозлар» (*расмий манба: Приборы газовые бытовые для приготовления пищи. Часть 2-2. Рациональное использование энергии. Приборы с принудительной циркуляцией воздуха в духовках и/или грилях*);

ГОСТ 17494-87 — «Айланувчи электр машиналар. Айланувчи электр машиналарининг қобиқлари томонидан таъминланувчи ҳимоя даражалари таснифи» (*расмий манба: Машины электрические вращающиеся. Классификация степеней защиты, обеспечиваемых оболочками вращающихся электрических машин*);

RD 153-34.21.122-2003 «Бинолар, иншоотлар ва саноат коммуникацияларини чақмоқдан ҳимоя қилиш қурилмаларини ўрнатиш бўйича йўриқнома».

2-боб. Атамалар ва таърифлар

2. Ушбу ШНҚда қуйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилган:

газни тартибга солиш пункти (ГТП) ва газни тартибга солиш қурилмаси (ГТҚ) — газ тақсимлаш тармоқларидаги газ босимини пасайтириш ва уни белгиланган даражада сақлаб туриш учун мўлжалланган технологик қурилма;

газ таъминоти тизими — газ тақсимлаш станциясидан истеъмолчиларга етиб борадиган газ қувурлари, суюлтирилган углеводород гази қурилмалари, газ қувурларидаги

иншоотлар ва электр кимёвий емирилишдан ҳимоялаш воситалари, саноат корхоналарининг газ жиҳозлари, ГТП ва ГТҚлар;

газ қувурлари — муҳити газ бўлган қувур ўтказгичлар;

газ тўлдириш шохобчаси (ГТШ) — суюлтирилган углеводород газни қабул қилиш, сақлаш ва истеъмолчиларга автоцистерна ҳамда маиший газ баллонларида бериш, маиший газ баллонларини таъмирлаш ва қайта текширишдан ўтказиш учун мўлжалланган корхона;

суюлтирилган газ тўлдириш пункти (СГТП) — асосан автомобиль транспорти билан келадиган СУГни қабул қилиш, сақлаш ва истеъмолчиларга баллонларда бериш учун мўлжалланган корхона;

газ тақсимлаш станцияси (ГТС) — магистрал газ қувурларини шаҳар, аҳоли пункти, саноат ва коммунал корхоналари газ таъминоти тизимларига улаш жойларида ўрнатиладиган газ босимини созлаш станцияси;

футляр (ғилоф) — газ қувурини ташқи таъсирдан ҳимоялаш учун фойдаланиладиган мазкур газ қувуридан катта диаметрли қувур бўлаги;

беркитиш арматураси — газ оқимини очиб-беркитиш учун қўлланадиган мосламалар (зулфин, кран, вентил, гидравлик занжир);

суюлтирилган углеводород гази (СУГ) — табиий газ, нефт ва газ конденсатини қазиб олишда ва қайта ишлашда олинадиган, асосий компонентлари пропан ва бутан бўлган газ;

сиқилган газ — босим остида бўлган газ;

енгил аэрация чироқлари — ишлаб чиқариш корхоналарида деразалардан узоқда жойлашган иш жойларини ёритиш учун ўрнатиладиган бирлаштирилган тузилмалар;

сиғим — суюлтирилган углеводород газини сақлаш учун мўлжалланган босим остида ишловчи идиш (резервуар).

3. Ушбу ШНҚда қуйидаги қисқартмалар қўлланилган:

СУГ — суюлтирилган углеводород газ;

ГТС — газни тақсимлаш станциялари;

ФИК — фойдали иш коэффициенти;

ГТП — газ босимини тартибга солиш пункти;

ГТҚ — газ босимини тартибга солиш қурилмаси;

НП — назорат қилувчи пунктлар;

МДП — марказий диспетчерлик пункти;

ЛВС — локал ҳисоблаш тармоғи;

АИЎ — автоматлаштирилган иш ўринлари;

ОБП — оралиқ бошқарув пунктлари;

ГИ — газни тартибга солувчи иншоотлар;

АТК — автоматлаштириш тизимлари комплекси;

ЮСГ — юқори сувли горизонт;

ИФБ — изоляцияловчи фланецли бирикмалар;

СБК — фильтр, сақловчи беркитиш клапани;

СЧК — сақловчи чиқариш клапани;

НЎА — назорат-ўлчов асбоблари;

СЧТ — сақловчи газ чиқариш тўсқичлари;

БОО — баллонларнинг оралиқ омборлари;

ГТТЖАБТ — газни тақсимлаш бўйича технологик жараёнларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари.

3-боб. Умумий қоидалар

4. Газ таъминоти тизимини Республика, вилоятлар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшайдиган жойларнинг тасдиқланган газ таъминоти схемалари асосида, газ таъминоти схемалари бўлмаганида эса, туман ҳудудини лойиҳалаштириш схемалари (лойиҳалари) ва аҳолини жойлаштиришнинг бош тарҳи асосида лойиҳалаш лозим.

5. Ёқилғи сифатида фойдаланишга мўлжалланган табиий газ ва СУГ кўрсаткичлари тегишли равишда ГОСТ 5542-2014 ҳамда ГОСТ 20448-2018 талабларига мувофиқ бўлиши зарур.

6. Газ тақсимлаш станцияларидан чиқадиган газнинг ҳарорати ер ости қувурларига берилганда минус 10°С дан паст бўлмаслиги, ер устида ва ерда ўтказилган қувурлар орқали газ берилганда эса, ташқаридаги ҳавонинг ҳисобий ҳароратидан паст бўлмаслиги керак.

7. Ташқи ҳавонинг ҳисобий ҳарорати ШНҚ 2.01.01-22га мувофиқ 0,92 бўладиган энг совуқ беш кунликнинг ҳароратини қабул қилиш лозим.

4-боб. Газ таъминоти тизимлари ва газ босимининг меъёрлари

8. Лойиҳада танланган газни тақсимлаш тизими техник-иқтисодий асосланган бўлиши керак.

9. Газ таъминоти тизими қуйидагиларга бўлинади:

газнинг турига кўра (табиий газ, СУГ);

газ босимини созлаш даражаси сонига кўра (бир ва кўп босқичли);

тузилиш асосига кўра (ҳалқа, боши берк, аралаш).

10. Йирик ва ўрта шаҳарлар учун кўп босқичли газни тақсимлаб берувчи тизимлар лойиҳаланиши лозим.

11. Газни тақсимлаш тизимини танлашда аҳоли яшайдиган жойдаги қурилмаларнинг зичлиги, тақсимловчи газ қувурларидан газ оладиган барча нуқталарда газ босимини бир хил меъёрда бўлишини таъминлайдиган, шунингдек газ таъминоти тизимини ишончлилигини оширадиган ҳалқали ёки аралаш газ тақсимлашни қўллаш керак.

12. Газ таъминоти тизимидаги газ қувурлари юборилаётган газнинг босимига кўра қуйидагиларга бўлинади:

I тоифадаги юқори босимли газ қувурлари — газнинг ишчи босими табиий газ учун 0,6 MPa (6 kgf/cm^2) ÷1,2 MPa (12,0 kgf/cm^2), ҳамда СУГ учун 1,6 MPa (16 kgf/cm^2) гача;

II тоифадаги юқори босимли газ қувурлари — газнинг ишчи босими 0,3 MPa (3,0 kgf/cm^2) — 0,6 MPa (6 kgf/cm^2) гача;

ўрта босимли газ қувурлари — газнинг ишчи босими 0,005 MPa (0,05 kgf/cm^2) ÷ 0,3 MPa (3,0 kgf/cm^2) гача;

паст босимли газ қувурлари — газнинг ишчи босими 0,005 MPa (0,05 kgf/cm^2) гача.

13. Газни тақсимлаш тизимига кирувчи турли хил босимдаги газ қувурларининг оралиғида газ босимини тартибга солувчи пунктлар ўрнатилиши лозим.

14. Газ таъминоти тизимига кирувчи газ қувурлари ушбу ШНҚнинг 1-иловасига мувофиқ бўлиши керак.

15. Газ таъминоти тизимидаги газнинг босими ушбу ШНҚнинг 2-иловасида келтирилган қийматлардан ошиб кетмаслиги зарур.

16. СУГ таъминоти сиғим қурилмалари тизими асосида амалга оширилишига йўл қўйилади.

17. Газни тақсимловчи тизимларда сиғим қурилмаларини қўллашнинг имконияти бўлмаганда (иқтисодий ёки техник асослар) гуруҳли ёки алоҳида баллонли СУГ қурилмаларини қўллашга йўл қўйилади.

5-боб. Газнинг ҳисобий сарфи

18. Истеъмолчиларнинг ҳар қайси тоифаси учун газнинг йиллик сарфини газ истеъмолчиларининг ривожланиш истиқболлари режалари асосида аниқлаш керак.

19. Турар-жой бинолари, маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш, нон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар, шунингдек соғлиқни сақлаш муассасалари учун газнинг йиллик сарфини ушбу ШНҚнинг 3-иловасига мувофиқ аниқлаш лозим.

20. Шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшайдиган жойларнинг бош тарҳ лойиҳаларини тузишда газ истеъмолининг қуйидаги йириклаштирилган кўрсаткичлари қўлланилиши лозим. Бунда, 1 одамга m^3/ йилига:

марказлаштирилган қайноқ сув таъминоти бўлганида — 132;

газли сув иситгичлардан фойдаланиб иссиқ сув билан таъминланганда — 192;

иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлмаганида — 180 (қишлоқ жойларида — 200).

21. Савдо, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлмаган маиший хизмат кўрсатиш корхоналари учун газнинг йиллик сарфини турар жойлар учун ушбу ШНҚнинг 3-иловасига мувофиқ умумий иссиқлик сарфининг 5 фоизигача миқдорда қабул қилиш керак.

22. Саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарида технологик эҳтиёжлар учун газнинг йиллик сарфини корхоналарнинг ёқилғи истеъмол қилиш маълумотлари асосида (газ ёқилғига ўтилганда ФИК ўзгаришини ҳисобга олиб), уларнинг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда ёки ёқилғи ва иссиқлик сарфининг технологик нормалари асосида аниқлаш лозим.

23. Ем-хашак тайёрлашга ва ҳайвонлар учун сув иситиб беришга иссиқликнинг йиллик сарфи қуйидаги 1-жадвалга мувофиқ бўлиши керак.

1-жадвал

Газнинг сарфланиши	**Битта ҳайвонга газ сарфи**	**Ҳайвонлар эҳтиёжи учун иссиқлик сарфи нормалари MJ** (минг kcal)
Дағал хашак, илдиз ва туганак мевалиларни буғлашни эътиборга олган ҳолда ҳайвонлар учун ем-хашак тайёрлаш ва ичимлик сувини ҳамда санитария мақсадлари учун сувни иситиш	1 та от 1 та сигир 1 та чўчқа 1 та қўй (эчки)	2490 (585) 10400 (2480) 5290 (1260) 960 (225)

24. Шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшайдиган жойларнинг газ таъминоти тизими газнинг бир соатлик максимал сарфига нисбатан ҳисобланиши керак.

25. Хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун 0° С да ва газнинг босими 0,1 MPa (760 mm Hg) бўлганда газнинг m^3/h ҳисобидаги бир соатлик максимал ҳисобий сарфини Q^d_h йиллик сарфнинг улуши қуйидаги 1-формулага мувофиқ аниқланиши керак:

$$Q_d^h = K_{max}^h \cdot Q_y \qquad (1)$$

бу ерда:

K^h_{max}— газнинг бир соатлик максимал сарфи коэффициенти (йиллик сарфдан газнинг соатлик энг кўп сарфига ўтиш коэффициенти);

Q_y — газнинг йиллик сарфи, m^3/yil.

26. Газнинг бир соатлик максимал сарфи коэффициентини газ тармоғи тизими мустақил тизим ҳисобланадиган, бошқа туманларнинг тизимлари билан гидравлик боғланмаган ҳар қайси туманнинг газ таъминоти учун алоҳида қабул қилиш керак.

27. Хўжалик — маиший эҳтиёжлар учун газнинг бир соатлик максимал сарф коэффициентлари қийматларини қуйидаги 2-жадвалга мувофиқ, ҳаммомлар, кирхоналар, умумий овқатланиш ва нон ҳамда қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар учун ушбу ШНҚнинг 3-жадвалига мувофиқ аниқланиши лозим.

2-жадвал

Газ билан таъминланадиган аҳоли сони (минг киши)	**Газнинг бир соатлик максимал сарфи коэффициенти (иситиш тармоғи ҳисобга олинмаган) K^h_{max}**
1	1/1800
2	1/2000
3	1/2050
5	1/2100
10	1/2200
20	1/2300
30	1/2400

40	1/2500
50	1/2600
100	1/2800
300	1/3000
500	1/3300
750	1/3500
1000	1/3700
2000 ва ундан кўп	1/4700

3-жадвал

Корхоналар	**Газнинг бир соатлик максимал сарфи коэффициенти, K^h_{max}**
Ҳаммомлар	1/2700
Кирхоналар	1/2900
Умумий овқатланиш	1/2000
Нон ва қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	1/6000

Изоҳ. Ҳаммом ва кирхоналар учун газнинг бир соатлик максимал сарфи коэффициентлари иситиш ва вентиляция эҳтиёжлари учун газ сарфини ҳам ҳисобга олган ҳолда келтирилган.

28. Саноатнинг турли тармоқларидаги корхоналар ва ишлаб чиқариш хусусиятига эга маиший хизмат кўрсатиш корхоналари учун (ушбу ШНҚнинг 3-жадвалида келтирилган корхоналар бундан мустасно) газнинг бир соатлик ҳисобий сарфини ёқилғи истеъмолига доир маълумотлар асосида (газ ёқилғига ўтганда ФИКнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда) ёки мазкур ШНҚнинг 4-иловасида келтирилган саноат тармоқларидаги бир соатлик энг юқори коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда газнинг бир йиллик сарфига асосланиб ушбу ШНҚнинг 1-формуласи ёрдамида аниқлаш лозим.

29. Айрим турар-жой ва жамоат бинолари учун газнинг бир соатлик ҳисобий сарфини Q^h_d m³/h, газ асбобларининг номинал газ сарфи йиғиндиси бўйича, уларнинг бир вақтда ишлаш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги 2-формула билан аниқлаш лозим:

$$Q_d^h = \sum_{i=1}^{m} K_{sim} q_{nom} n_i \qquad (2)$$

Бу ерда:

$\sum_{i=1}^{m}$ — кўпайтирилган катталиклар K_{sim}, q_{nom} ва $i=1 n_i$ дан i гача m йиғиндиси K_{sim} — бир вақтда ишлаш коэффициенти, унинг қийматини турар-жой бинолари учун мазкур ШНҚнинг 5-иловасига мувофиқ ҳисобланиши лозим;

q_{nom} — асбобда ёки асбоблар гуруҳида номинал газ сарфи, m³/h, у асбобларнинг паспорт маълумотлари ёки техник таснифларига кўра белгиланади;

n_i — бир турдаги асбобларнинг ёки асбоблар гуруҳларининг сони;

m — асбобларнинг ёки асбоблар гуруҳлари турларининг сони.

6-боб. Газ қувурларининг гидравлик ҳисоби. Йўл қўйилган босимнинг йўқолиши ва газ қувурининг диаметри ҳисоби

30. Газ қувурларининг ўтказувчанлик қобилияти максимал йўл қўйилган газ босимининг йўқотилишини иқтисодий ҳамда тизимдан хавфсиз фойдаланиш, шунингдек ГТҚ ва ГТПнинг ҳамда истеъмолчилар ёндиргичларининг йўл қўйилган газ босимининг барқарор ишлаши таъминланиши керак.

31. Газ қувурларининг ички диаметрларининг ҳисоби газдан энг кўп фойдаланиш соатларида узлуксиз газ таъминоти шароитларидан келиб чиқиб белгиланиши лозим.

32. Компютер дастурлари ёрдамида газ қувурининг диаметрини ҳисоблаш, тармоқ участкалари ўртасида йўқотишларни оптимал тақсимлаган ҳолда бажарилиши керак.

Ҳисобларни компютер дастурлари ёрдамида бажаришнинг имкони бўлмаганда (тегишли дастурнинг йўқлиги, газ қувурининг алоҳида участкалари ва бошқалар) гидравлик ҳисобни ушбу ШНҚнинг 3 — 16-формулалари асосида амалга оширилиши лозим.

33. Юқори ва ўрта босимли газ қувурларида босимнинг ҳисобланадиган йўқотишлари газ қувури учун қабул қилинган босим тоифаси доирасида қабул қилиниши лозим.

34. Паст босимли газ қувурларида газ босимининг ҳисобланган умумий йўқотишлари (газ таъминоти манбаидан энг узоқда жойлашган ускунагача) 180 daPa ҳамда тақсимлаш газ қувурларида 120 daPa, кириш газ қувурларида ва ички газ қувурларида 60 daPa дан ошмаган миқдорда бўлиши зарур.

35. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари учун барча босимдаги газ қувурлари ўтказишни лойиҳалашда газ босимининг ҳисобий йўқотиш қийматлари улаш жойидаги газ босимига боғлиқ равишда қабул қилиниши, бунда қурилмадаги газ ёндиргичларнинг, хавфсизлик автоматикаси қурилмаларининг ва иссиқлик агрегатлари технологик режимини ростлаш автоматикасининг техникавий таснифлари ҳисобга олиниши керак.

36. Газ тармоғи участкасида босимнинг пасайишини қуйидагича аниқланиши лозим:

ўрта ва юқори босимли тармоқлар учун қуйидаги формула бўйича аниқланади;

$$P_H^2 - P_K^2 = \frac{P_0}{81\pi^2}\gamma\frac{Q_0^2}{d^5}\rho_0 l = 1{,}2687\cdot 10^{-4}\gamma\frac{Q_0^2}{d^5}\rho_0 l \qquad (3)$$

Бу ерда:

P_n — газ қувури бошидаги абсолют босим, MPa;

R_k — газ қувури охиридаги абсолют босим, MPa;

$$P_0 = 0{,}101325\ \text{MPa}$$

γ — гидравлик ишқаланиш коэффициенти;

l — ўзгармас диаметрли газ қувурининг ҳисобий узунлиги, m;

d — газ қувурининг ички диаметри, cm;

ρ_0 — нормал шароитдаги газнинг босими, kg/m³;

Q_0 — нормал шароитдаги газнинг сарфи, m³/h.

Паст босимли тармоқлар учун қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_H - P_K = \frac{10^6}{162\pi^2}\gamma\frac{Q_0^2}{d^5}\rho_0 l = 626{,}1\gamma\frac{Q_0^2}{d^5}\rho_0 l \qquad (4)$$

Бу ерда:

P_n — газ қувури бошидаги босим, MPa;

R_k — газ қувури охиридаги босим, MPa;

γ, l, d — бу ҳарфларнинг белгиланиши (3) формуладаги кабидир.

37. Гидравлик ишқаланиш коэффициенти λ Рейнолдс сонини таснифловчи газ қувурлари бўйича газнинг ҳаракатланиш тартибига боғлиқ равишда аниқланади.

$$R_e = \frac{Q_0}{9\pi dv} = 0.0354\frac{Q_0}{dv} \qquad (5)$$

Бу ерда, нормал шароитдаги газнинг кинематик ёпишқоқлик коэффициенти, m²/s;

Q_0, d — бу ҳарфларнинг белгиланиши (3) формуладаги кабидир ва газ қувури ички деворининг гидравлик силлиқлиги қуйидаги 6-шарт бўйича аниқланади.

$$R_e\left\{\frac{n}{d}\right\} < 23 \qquad (6)$$

Бу ерда, R_e Рейнолдс сони;

n — қувур девори ички юзасининг эквивалент абсолют ғадир-будирлиги, cm: янги пўлат қувурлар учун 0,01 cm, фойдаланилаётган эски пўлат қувурлар учун 0,1 cm, полиэтилен қувурлар учун фойдаланиш вақтидан қатъи назар, 0,0007 cm қабул қилинади

d — бу ҳарфнинг белгиланиши ушбу ШНҚнинг 3-формуласи кабидир.

R_e нинг қийматига қараб, гидравлик ишқаланиш коэффициенти аниқланади:

газнинг ламинар ҳаракатланиш тартиби учун $R_e<2000$

$$\lambda = \frac{64}{R_e} \qquad (7)$$

газнинг критик ҳаракатланиш тартиби учун $R_e=2000\text{-}4000$

$$\lambda = 0{,}0025R_e^{0{,}333} \qquad (8)$$

$R_e>4000$ бўлганда 6 — шартни бажарилишига кўра;

деворининг гидравлик силлиқлиги учун (тенгсизлик (6) тўғри);

$4000<R_e$

$$\lambda = \frac{0{,}3164}{R_e^{0{,}25}} \qquad (9)$$

$R_e>100000$ бўлганда

$$\lambda = \frac{1}{(1{,}82lqR_e - 1{,}64)^2} \qquad (10)$$

ғадир-будир деворлари учун (тенгсизлик (6) нотўғри) $R_e>4000$ бўлганда

$$\lambda = 0{,}11\left(\frac{n}{d} + \frac{68}{R_e}\right)^2 \qquad (11)$$

Бу ерда:

n — бу ҳарфнинг белгиланиши (6) формуладаги кабидир;

d — бу ҳарфнинг белгиланиши (3) формуладаги кабидир.

38. Паст босимли ташқи тақсимлаш газ қувурларининг йўлда газ сарфланадиган қисмларида газнинг ҳисобий сарфини транзит сарфи йиғиндиси ва ушбу қисмда йўлдаги сарфнинг 0,5 қисми сифатида аниқлаш лозим.

39. Маҳаллий қаршиликларда (тирсак, учлик, тиргак арматураси ва бошқалар) босимнинг пасайишини мазкур газ қувурининг ҳисобий узунлигини 5 — 10 фоизга ошириш билан ҳисобга олишга йўл қўйилади.

40. Ташқи ер усти ва ички газ қувурлари учун газ қувурларининг ҳисобий узунлиги қуйидаги 12-формула бўйича аниқланади:

$$l = l_1 + \frac{d}{100\lambda}\sum_{\xi} \qquad (12)$$

бу ерда:

l_1 — газ қувурининг ҳақиқий узунлиги, m;

$\sum_{\xi}$ — газ қувурининг узунлиги бўлган қисмидаги маҳаллий қаршиликлар коэффициентларининг йиғиндиси;

d — бу ҳарфнинг белгиланиши (3) формуладаги кабидир.

λ — газ қувурлари деворларининг гидравлик силлиқлиги ва оқишига қараб 7 — 11-формулалар бўйича аниқланадиган гидравлик ишқаланиш коэффициенти.

41. СУГ газ таъминоти вақтинчалик бўлган ҳолларда (келгусида табиий газ таъминотига ўтказилганда) газ қувурларини келажакда табиий газдан фойдаланиш мумкин бўлиш шартидан келиб чиқиб лойиҳаланиши, бунда газнинг миқдори СУГнинг ҳисобий сарфига (ёниш иссиқлигига) эквивалент қилиб аниқланиши зарур.

42. Қувурлардаги СУГлар суюқ фазасидаги босимнинг пасайиши қуйидаги 13-формула бўйича аниқланади.

$$H = 50\frac{\lambda l V^2 \rho}{d} \qquad (13)$$

бу ерда:

λ — гидравлик ишқаланиш коэффициенти;

V — сиқилган газлар ҳаракатининг ўртача тезлиги, m/s.

Гравитацияга қарши захирани ҳисобга олган ҳолда суюқ фазанинг ўртача ҳаракатланиш тезлиги қуйидагича қабул қилинади:

сўриб олувчи қувурларда — 1,2 m/s дан катта бўлмаганда;

босимли қувурларда — 3 m/s дан катта бўлмаганда.

Гидравлик ишқаланиш коэффициенти λ ушбу ШНҚнинг 11-формуласи бўйича аниқланади.

43. СУГ буғ фазасидаги газ қувурининг диаметрини ҳисоблаш табиий газли газ қувурларига ҳисоблаш кўрсатмаларига мувофиқ равишда бажарилади.

44. Турар-жой бинолари учун паст босимли ички газ қувурларини ҳисоблашда газ босимининг маҳаллий қаршиликлар туфайли вужудга келадиган сарфини қуйидагича ҳисобга йўл қўйилади (фоиз):

газ қувурларида бинога киришдан:

тиргакгача — 25 чизиқли йўқотиш

тиргакларда — 20 -"-

хонадон ичидаги ажралишдан:

ажралиш узунлиги 1-2 m бўлганда 450 -"-

- " - 3-4 m -"- 300 -"-

- " - 5 — 7 m -"- 120 -"-

- " - 8 — 12 m -"- 50 -"-

45. Паст босимли газ қувурларини ҳисоблашда қуйидаги 14-формула бўйича аниқланадиган гидростатик босим Ng, daPa, ҳисобга олиниши керак:

$$H_g = \pm lg \cdot h(\rho_a - \rho_0) \qquad (14)$$

Бу ерда:

g — эркин тушиш тезланиши, 9,81 m/s^2;

h — газ қувурининг бошланғич ва охирги участкаларидаги абсолют белгиларнинг фарқи;

ρ_a — ҳарорат 0° С ва босим 0,10132 MPa бўлгандаги ҳавонинг зичлиги, kg/m^3;

ρ_0 — бу ҳарфнинг белгиланиши ушбу ШНҚнинг 3-формуласи кабидир.

46. Ҳалқа қилиб бирлаштирилган газ қувури тармоқларини ҳисоблашни газ босимининг йўл қўйиладиган сарфларидан энг кўп фойдаланилганда ҳисобий ҳалқаларнинг шартли нуқталаридаги газ босими билан боғлаб бажарилиши, бунда ҳалқада босим сарфининг ноаниқлиги 10 фоизгача бўлишига йўл қўйилади.

47. Газнинг ҳаракати туфайли пайдо бўладиган шовқин даражасини ҳисобга олган ҳолда ер усти ва ички газ қувурларини гидравлик ҳисобини бажаришда паст босимли газ қувурлари учун газнинг ҳаракат тезлигини кўпи билан 7 m/s, ўрта босимли газ қувурлари учун 15 m/s ва юқори босимли газ қувурлари учун 25 m/s қабул қилиш лозим.

48. Газ қувурларининг гидравлик ҳисобини ушбу ШНҚнинг 5 — 14-формулалари бўйича бажаришда ҳамда ушбу формулалар асосида тузилган компютер дастурлари ёрдамида ҳисоблашда газ қувурининг ҳисобий ички диаметрини ушбу ШНҚнинг 15-формуласи бўйича аниқлаш лозим.

$$d_p = m^1 \sqrt{\frac{AB_{\rho 0} Q_0^n}{\Delta P_{уд}}} \qquad (15)$$

Бу ерда:

d_p — газ қувурининг ҳисобий диаметри, cm;

A, B — тармоқлар категориясига (босим бўйича) ва газ қувурининг материалига қараб, ушбу ШНҚнинг 4 ва 5-жадваллардан m, m^1 — бўйича аниқланадиган коэффициентлар;

Q^0_n — нормал шароитлардаги газнинг ҳисобий сарфи, m^3/h;

ΔP_{ud} — босимнинг солиштирма йўқотишлилиги (Pa/m — паст босимли тармоқлар учун); MPa/m — ўрта ва юқори босимли тармоқлар учун) қуйидаги 16-формула бўйича аниқланиши лозим:

$$\Delta P_{\text{уд}} = \frac{\Delta P_{\text{доп}}}{1{,}1L} \quad (16)$$

Бу ерда:

ΔP_{dop} — босимнинг йўл қўйиладиган йўқотишлилиги (Pa — паст босимли тармоқлар учун, MPa/m — ўрта ва юқори босимли тармоқлар учун);

L — энг узоқ нуқтагача бўлган масофа, m.

4-жадвал

Тармоқ категорияси	A
Паст босимли тармоқлар	$10^6/(162\cdot\pi^2) = 626$
Ўрта ва юқори босимли тармоқлар	$P_0/(P_n 162\pi^2)$, P_0= 0,101325 MPa, P_n — тармоқдаги газнинг ўртача (абсолют) босими MPa

5-жадвал

Материал	B	m	m^1
Пўлат	0,022	2	5
Полиэтилен	$0{,}3164\ (9\pi\nu)^{0.25} = 0{,}0446$ ν — нормал шароитда газнинг кинематик ёпишқоқлиги, m^2/s	1,75	4,75

7-боб. Газ тақсимлаш жараёнини бошқаришни автоматлаштирилган тизимлари

49. Газ таъминоти тизими таркибига кирувчи ГТТЖАБТни лойиҳалаштиришни ушбу бобнинг талабларидан келиб чиқиб амалга ошириш керак.

50. ГТТЖАБТ газни узлуксиз узатиш, ундан фойдаланиш, газ таъминоти тизимида техник-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш ҳамда реал вақт режимида газ тақсимоти тизимига унинг нормал иш юритиши режимларида оптимал (оқилона) бошқарувчи таъсирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини инобатга олган ҳолда лойиҳаланиши керак.

51. ГТТЖАБТ марказлаштирилган таркибга эга бўлиши, бунда унинг асосий элементларига газни тақсимлашнинг ташқи тармоқлари ва иншоотларидаги НП ва МДП кириши лозим.

52. ГТТЖАБТнинг юқори даражаси МДПда ўзаро ЛВС билан боғлиқ бўлган битта ёки бир неча АИЎ шаклида амалга оширилиши керак.

53. ГТТЖАБТ қуйидаги ГИ қамраб олиши керак:

магистрал газ қувурларини шаҳар (ҳудудий) газ тақсимлаш тизими билан боғловчи ГТТни:

юқори ва ўрта босимли тармоқларда газ босими редукцияланишини таъминловчи ГТПни;

газни соатига 1000 m^3/h (нормал шароитда) ҳажмда истеъмол қилувчи паст босимли боши берк тармоқлардаги ГТПни;

газни ҳисобий сарфи 1000 m^3/h дан ортиқ бўлган (нормал шароитда) ҳамда газ таъминотининг алоҳида режимларига ёки захира ёқилғи хўжалигига эга бўлган истеъмолчилар учун ГТПни;

паст босимли қўшимча таъминловчи ҳалқасимон тармоқлардаги ГТПни;

олис аҳоли пунктларида жойлашган ГТПни.

54. ГТТЖАБТдаги истеъмолчиларнинг сони, истеъмолнинг мавсумий ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда истеъмол қилинадиган газ ҳажмининг 80 фоиздан кам бўлмаган қисми назорат қилиниши керак.

55. ГТТЖАБТ ушбу ШНҚнинг 6-иловасига мувофиқ комплекс вазифаларни амалга оширувчи ахборот тусидаги қўшимча тизимларга эга бўлиши лозим.

56. ГТ ТЖ АБТ қурилмаларини НПда жойлаштириш учун НПга бўлган юқоридаги талаблардан ташқари қуйидаги талабларга жавоб берадиган алоҳида хона қурилмасига жойлаштириш зарур:

технологик хонага туташ;

алоҳида киришга эга;

4 m^2 дан кам бўлмаган майдонга эга.

57. Ушбу ШНҚнинг 6-иловасида келтирилган ГТТЖАБТнинг функционал қўшимча тизимларини ишга тушириш учун ҳамда мазкур ШНҚнинг 7-иловасига муфовиқ ГТТЖАБТ қуйи даражасидаги автоматлаштириш тизимлари комплекси вазифалари бажарилиши лозим.

58. ГТТЖАБТ томонидан қамраб олинган ГИда газ босими ва сарфини ўлчовчи регистрация ускуналарининг ўрнатилмаслигига йўл қўйилади.

59. Газ тақсимлаш технологик жараёнини ва ГТТЖАБТ кўрсаткичларини тартибга солиш МДП орқали буйруқ сигналлари асосида газ тақсимлаш тизимининг газ объектларида ўрнатилган бошқариш ва беркитиш қурилмаларига таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилиши керак.

60. Беркитувчи мосламаларни бошқариш учун масофадан туриб бошқариладиган задвижкалар ёки сақловчи клапанлардан, газ босими регуляторларини бошқаришда эса йўналишни ўзгартирувчи ёки равон мослаштириладиган бошқарув регуляторларидан фойдаланилиши, бунда паст босимли ГТПда созлаш чиқиш босимининг камида учта даражасини ўрнатган ҳолда амалга оширилиши лозим.

61. ГТТЖАБТни лойиҳалаш Электр қурилмаларини ўрнатиш қоидалари, ГОСТ 34.201-2020, ГОСТ 34.601-90, ГОСТ 34.602-2020 ва ушбу боб талаблари асосида амалга оширилиши зарур.

62. Датчикларнинг чиқиш электр сигналларининг кўрсаткичлари ГОСТ 21552-84 бўйича ҳисоблаш техникаси воситаларининг кириш электр сигналларига мос бўлиши зарур.

63. ГИларга ўрнатиладиган ГОСТ 14254-2015га мувофиқ АТК 1П54 атроф муҳитдан ҳимоя даражасига эга бўлиши лозим.

64. ГИга ўрнатиладиган ГОСТ 30852.2-2002, ГОСТ 30852.5-2002, ГОСТ 30852.11-2002, ГОСТ 30852.19-2002ларга мувофиқ АТ ТЗ гуруҳининг ИИА, IIV даражасидаги портловчи аралашмаларининг ҳосил бўлиши эҳтимоли мавжуд бўлган V-Ia, V-Ig (PUE) синфларга оид хоналарнинг портлаш эҳтимоли катта зоналарида ишлатилишига мўлжалланган бўлиши керак.

65. МДПга ўрнатиладиган АТК, иқлимий факторлар таъсирига турғунлик даражаси бўйича иккинчи даражага, ГИга ўрнатиладиган АТК ҳисоблаш техникаси воситалари учун ГОСТ 21552-84га мувофиқ учинчи гуруҳга мос келиши лозим.

66. ГТТ, ГТП ва газ тақсимлаш тизими ўлчаш шохобчаларида ўрнатилган НК қуйидагиларга эга бўлиши лозим:

ерга улаш контурига;

хона даражасини 5 °С дан кам бўлмаган даражада ушлаб турувчи иситиш тизимига;

телефон тармоғи ёки радиоканалнинг канал яратувчи қурилмасига.

8-боб. Ташқи газ қувурлари ва иншоотлари

67. Аҳоли яшайдиган ҳудудларда ётқизиладиган ташқи газ қувурларининг лойиҳаларини топографик тарҳларда ЎзДСт-735:2023га мувофиқ масштабларда бажариш лозим.

Қишлоқлараро газ қувурлари ётқизиш лойиҳасини 1:5000 миқёсли тарҳларда бажаришга йўл қўйилади.

68. Лойиҳалаш жараёнида мураккаб рельефли жойларга ўтказилган газ қувурларида, янги технологияларни техник мураккаб объектларга қўллашда, аҳоли пунктлари ва бошқа ҳудудлардаги ер ости газ қувурлари учун бўйлама профиллар тузилиши лозим.

69. Текис рельефли ерда ётқизиладиган газ қувурлари учун уларнинг табиий тўсиқлар ва турли иншоотлар билан кесишиб ўтадиган жойлари бўлмаганда, шунингдек ер ости ва ерда ётқизиладиган газ қувурлари учун участкаларнинг бўйлама профилларини тузмасликка йўл қўйилади.

70. Топографик материаллардан фойдаланиш муддати 1 йилдан ошганда лойиҳалаштириш ҳудуддаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

71. Аҳоли яшайдиган ҳудудларда ташқи газ қувурларини ШНҚ-2.07.01-03га мувофиқ ер остидан ўтказилиши керак.

72. Трассанинг айрим қисмларида, турар-жой мавзелари ва ҳовлиларнинг ичида, қишлоқ жойларида транспорт юрадиган йўлдан ташқарида, газлаштириладиган биноларга тармоқ чиқарилган жойларда, газ қувурларини ерда ва ер устида жойлаштиришга йўл қўйилади.

73. Газ қувурларини метрополитен иншоотларига нисбатан ётқизиш ШНҚ 2.07.01-03 талабларига мувофиқ бажарилиши керак.

74. Корхоналар, ташкилотлар ва бошқа ҳудудлар орқали тақсимловчи газ қувурларининг транзит ётқизилишини (бошқача ётқизиш усули мавжуд бўлмаган ҳолларда) босими 0,6 МРа гача бўлган газ қувурлари учун йўл қўйилиши, бунда ушбу газ қувуридан фойдаланувчи корхона вакилларининг ушбу ҳудудга кириш имконияти таъминланиши лозим.

75. Мавжуд турар-жой биноларига газ қувурини иситиш печи ўрнатилган хонага киритишга йўл қўйилади. Бунда, бинонинг ташқарисида газни беркитувчи қурилма бўлиши зарур.

76. Жамоат биноларига газ қувурлари газ асбоблари ўрнатилган хонага ёки йўлакларга киритилиши керак.

77. Газ қувурларидаги беркитувчи қурилмалар бинонинг ташқарисига ўрнатилиши лозим.

78. Саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш биноларидаги газ қувурлари газ истеъмол қиладиган агрегатлар турадиган хонанинг бевосита ўзига ёки у билан очиқ йўлак орқали туташган қўшни хонага киритилиши, бунда қўшни хонада, ҳаво соатига камида уч марта алмашинадиган бўлиши керак.

79. Газ қувурларининг кириш жойлари биноларнинг пойдеворидан ёки пойдевор тагидан ўтмаслиги керак.

80. Газ қувурлари ГТПга кириш ва чиқишда унинг пойдеворидан кесиб ўтишига йўл қўйилади.

81. Газ қувурларини ертўлалар, лифт хоналари, ҳавони тозалаш бўлинмалари, шахталар, чиқинди йиғиладиган хоналар, трансформатор подстанциялари, тақсимлаш қурилмалари хонасига, машина бўлими, омборхоналар, портлаб ёниш ва ёнғин хавфи бўйича А ва Б тоифага кирувчи хоналарга киритишга йўл қўйилмайди.

82. Саноат ва коммунал-маиший корхоналарнинг технологиясига кўра, ёқилғи сифатида табиий газ ишлатиладиган агрегатлар жойлаштирилган ертўла хоналарига газ қувурларини киритишга қуйидагиларни амалга оширган ҳолда йўл қўйилади:

хоналар ёнғинни автоматик равишда ўчириш қурилмалари ҳамда газни портлашга хавфли миқдорини автоматик тарзда аниқлаш (газоанализатор) қурилмалари билан жиҳозланганда;

асосий ишлаб чиқариш талабларига жавоб берганда;

портлашдан ҳимояланган доимий ишлаб турадиган оқимли ва вентиляция тизимлари билан жиҳозланганда.

83. Газ қувурларини конструктив жиҳатдан киритиш ушбу ШНҚнинг 98-99-бандлардаги талабларига мувофиқ амалга ошириш лозим.

84. Пўлат қувурлар бир-бири билан пайвандлаб туташтирилиши зарур.

85. Қисмларга ажраладиган (фланецли ва резьбали) бирикмаларни беркитиш арматураси ўрнатиладиган жойларга, конденсат йиғгичларга ва гидрозатворларга, назорат-

ўлчов асбоблари ўрнатиладиган ҳамда электр муҳофаза қурилмалари мавжуд бўлган жойларга ўрнатишга йўл қўйилади.

86. Ушбу ШНҚнинг 112-бандида келтирилган жойларга ковер остидаги бошқарув найчасининг чиқиши билан олинадиган уланишдан 200 mm каттароқ диаметрли пўлат қувурлардан ясалган корпус билан ҳимояланган бўлса, ер остидаги газ қувурларига қисмларга ажраладиган (фланецли ва резьбали) бирикмаларни уланишга йўл қўйилади.

9-боб. Ер ости газ қувурлари

87. Ер ости газ қувурларидан бино (ГТП бундан мусатасно) ва иншоотларгача бўлган минимал масофани ушбу ШНҚнинг 8-иловасига мувофиқ бўлиши керак.

88. Босими 0,6 МРа ва ундан паст бўлган газ қувурлари бинолар оралиғидан ёки бино аркалари тагидан ўтказилганда, шунингдек босими 0,6 МПадан юқори бўлган газ қувурларидан алоҳида турган нотураржой биноларигача бўлган масофалар ушбу ШНҚнинг 8-иловасида келтирилган масофаларни 50 фоизигача камайтиришга йўл қўйилади.

Бунда, бинога яқинлашган жойларида ва ҳар иккала томонга 5 m масофада қуйидагилар бажарилиши лозим:

чоксиз ёки 100 фоиз зарар етказмайдиган назорат усуллари билан текширилган электрпайвандланган қувурлар ётқизиш;

100 фоиз зарар етказмайдиган назорат усуллари билан текширилмаган электрпайвандланган қувурларни ғилофда ётқизиш;

барча пайвандланган чокларни зарар етказмайдиган назорат усуллари билан текшириш.

89. Ушбу ШНҚнинг 119-бандида келтирилган участкада газ қувурларини камида 2,0 m чуқурликда ётқизиш, қувурлар деворларининг қалинлигини ҳисоблаб топилганга қараганда 2-3 mm кўпроқ қилиб олиш ва барча пайванд бирикмаларни QR 5.02-23га мувофиқ зарар етказмайдиган назорат усуллари билан текшириб чиқишга йўл қўйилади.

90. Битта хандақда бир хил даражада ёки турли даражаларда (босқичларда) икки ва ундан ортиқ пўлат ва полиэтилен газ қувурларини ётқизилишига йўл қўйилади.

Бунда, лойиҳалаштирилаётган газ қувурини ишлаб турган мавжуд юқори босимли газ қувури бўйлаб ётқизилганда (0,6 МРа дан 1,2 МРа гача) газ қувурлари орасидаги масофа қуйидагилардан кам бўлмаслиги лозим:

диаметри 300 mm гача бўлган пўлат газ қувурлари учун — 0,4 m;

диаметри 300 mm дан ортиқ бўлган пўлат газ қувурлари учун — 0,5 m;

полиэтилен газ қувурлари учун — 0,3 m.

91. Ҳар хил босимли газ қувурлари ер ости муҳандислик тармоқлари билан кесишадиган бўлса, вертикал бўйича улар орасидаги масофани камида 0,1 m, кучли электр кабеллари орасидаги масофани 0,25 m, кабел алоқа линиялари ва радиоузатиш тармоқлари орасидаги масофа эса 0,1 m бўлиши керак.

92. Ер ости газ қувурлари иситиш тармоғи каналларини, коммуникация коллекторларини устидан ёки остидан кесиб ўтадиган жойларда газ қувурини ғилоф кийгизиб ётқизиш лозим.

Бунда, ғилоф кесишган иншоотнинг ташқи деворларидан иккала томонга 2,0 m чиқиб туриш керак.

93. Қувурнинг иншоот билан кесишган жойидан иккала томонга 5,0 m масофада пайванд чокларига зарар етказмайдиган назорат усуллари билан текширилиши лозим.

94. Ғилофнинг бир учида назорат найчаси ўрнатилиши ва муҳофаза қилинган қурилмадан чиқиб туриши керак.

95. Бино ва иншоотлар пойдеворининг олдидан чиқувчи ер ости пўлат газ қувурларининг ер ости қисми 90º да эгилган чоксиз бутун пўлат қувурдан ишланган бўлиши лозим.

96. Туташув чоклари орасидаги масофа қуйидагича бўлиши керак:

ўрта босимли ер ости пўлат газ қувури учун камида — 4 m;

паст босимли ер ости пўлат газ қувури учун камида — 2 m.

Ғилофларга ётқизилган газ қувурлари туташув чокларининг сони минимал равишда бўлиши зарур.

97. Газ қувурларини ётқизиш чуқурлиги ер ости қувурининг ёки ғилофнинг тепасигача камида 0,8 m бўлиши керак.

98. Газ қувурларини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ётқизишда чуқурлиги газ қувурининг устигача 1,0 m дан кам бўлмаган масофада жойлаштирилиши лозим.

99. Қуритилмаган газ ўтадиган газ қувурларини грунтнинг мавсумий музлаш зонасидан пастда ва конденсат йиғгичга 2 фоиз қиялик билан ётқизиш керак.

Қуритилмаган газ ўтадиган газ қувурларининг бино ва иншоотларга кириш жойи тақсимлаш газ қувури томонига оғган бўлиши лозим.

Агар жой рельефи шароитларига кўра тақсимлаш газ қувурига зарурий нишаб қилишнинг иложи бўлмаса, уни букиб ётқизишга ва пастки нуқтасига конденсат йиғгич ўрнатишга йўл қўйилади.

100. СУГ буғ фазаси ўтадиган газ қувурларини ушбу ШНҚнинг 21-бобида келтирилган талабларига мувофиқ ётқизилиши зарур.

101. Газ қувурларини қурилиш чиқиндилари ва чиринди аралашган грунтга ётқизишда газ қувури остига юмшоқ ёки қумли грунтдан камида 10 cm қалинликда (хандақ остини текислаш учун) тўшалиши, шунингдек газ қувурининг устидан худди шундай грунтдан камида 20 cm қалинликда ётқизиш лозим.

102. Кўтариш қобилияти 0,025 MPa (0,25 kgf/cm²) дан кам бўлган грунтдан, шунингдек қурилиш чиқиндилари ва чиринди аралашган грунтларда хандақ тубига ёғоч ғўлалар, бетон ғўлачалар ётқизиш, қозиқ қоқиш ёки майда тош ёки шағал ташлаб шиббалаш йўли билан мустаҳкамланиши, шунингдек газ қувурининг тагига ва устига грунт ётқизиш керак.

103. Қиялиги 200 фоиздан ортиқ бўлган жойларда газ қувурларини ётқизишда хандақ уюмининг ювилиб кетишини олдини олиш учун қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

эрозияга қарши экранларни ўрнатиш;

табиий грунтлардан (масалан, лойгрунт) фойдаланиш;

ер усти сувларини газ қувури трассасидан четлаштириш учун сунъий материаллар (бетонлаш, шпунтли тўсиқ ва бошқалар);

тоғ усти хандақлари;

уюмлар ясаш.

Ҳимоялаш чорасини танлаш жойнинг муҳандислик-геология, топографик ва гидрогеологик шароитларидан келиб чиқиб белгиланиши керак.

104. Газ қувури жойлашувини аниқлаш учун трасса бурилиши бурчакларида, диаметри ўзгараётган жойларда, арматура ва иншоотлар ўрнатилган жойларда, шунингдек трассанинг тўғри чизиқли участкаларида 200 — 500 m оралиғида идентификация белгилари ўрнатилиши лозим.

Идентификация белгисида газ қувури диаметри, босими, қандай чуқурликда жойлашгани, қувур материалига оид маълумотлар кўрсатилиши зарур.

Идентификация белгилари баландлиги 1,5 m дан паст бўлмаган темирбетон устунларга ёки металл реперларга ёхуд бошқа доимий устунларга ўрнатилиши керак.

105. Ер ости сувлари саёз жойлашган жойларда газ қувурларининг сизиб чиқиш холатини олдини олиш чоралари кўрилиши лозим.

Хандақни тўлдирадиган грунт сувнинг кўтариш кучи таъсирида газ қувурининг лойиҳавий ҳолатини таъминланса, мавсумий сув босган жойларга ётқизилган газ қувурларига юкларни ўрнатмасликка йўл қўйилади.

Босимли сув мавжуд бўлганда, газ қувури хандақ тубини босимли сув бўлишини олдини олишни ҳисобга олган ҳолда ётқизилиши зарур.

Суюқ-пластик ҳолатга ўтиши эҳтимоли мавжуд бўлган грунтлардан ташкил топган ҳудудларда газ қувурини лойиҳалашда суюлтирилган грунтнинг волуметрик оғирлигини муҳандислик ва геологик тадқиқотлар бўйича аниқлаш керак.

106. Сув ости ўтиш жойлари, сув тошқини таҳлил қилинган жойлар, вақти-вақти билан сув босадиган жойларда газ қувурларининг лойиҳавий ҳолатини таъминлаш учун қуйидаги балластлаш турлари қўлланилиши лозим:

юқори зичликдаги материаллардан тайёрланган юклар (темир-бетон, қуйма темир ва бошқалар);

нотўқима синтетик материал (НСМ) билан ҳимояланган минерал грунт;

анкер қурилмалари.

107. Газ қувурини юқори зичликдаги материаллар (темир-бетон, қуйма темир ва бошқалар) билан балластлашда улар орасидаги масофалар қуйидаги 20-формула билан аниқланганлардан ошмаслиги керак.

$$L_{np} \le \frac{Q_{np}\gamma_b(\rho_{b-}\gamma_a\rho_w)}{\rho_b\left[\gamma_a(q_w + q_{изг}) - q_q\right]}\ (m). \qquad (20)$$

Бу ерда $q_{изг}$ газ қувурининг вертикал ҳолатга бурилишида унга тушадиган юк қуйидаги 21 ва 22-формулалар билан аниқланиш керак:

қаварик эгри чизиқлар учун $$q_{изг} = \frac{8EI}{9\beta^2\rho^3}10^6(H/m)\ (21)$$

конкав эгри чизиқлар учун $$q_{изг} = \frac{32EI}{9\beta^2\rho^3}10^6(H/m)\ (22)$$

108. Газ қувурининг турли участкалари учун ишончлилик коэффициентининг қийматлари қуйидагича олиниши керак:

сув ости ва тошқин жойлари, сув ости муҳандислик ишлари чегараларидан ташқари жойлари, трасса участкалари учун — 1,05 фоиз;

трассанинг дарё бўйидаги участкалари, шунингдек сув ости муҳандислик ишлари чегараларидаги қирғоқ участкалари учун — 1,10 фоиз.

109. Юк материалининг ишончлилик коэффициенти қуйидагича қабул қилиниши керак:

темир-бетон юк ва цемент — қум аралашмаси бўлган юклар учун — 0,85;

қуйма темир юк учун — 0,95.

110. Газ қувурини нотўқув синтетик материал (НСМ) билан тўлдирилган грунт билан балластлашда НСМ хандағида ўрнатилган грунт баландлиги (қувур ўқидан НСМ томонидан белгиланган грунтнинг юқори қисмигача бўлган масофа) қуйидаги 23-формула билан аниқланган қийматдан кам бўлмаслиги керак.

$$H_0 = \frac{(a^2 + b^2)^{0,5} - a}{c}\ (m), \qquad (23)$$

$$a = q_p d_e + \frac{0,7kc_p}{Cos(0,7\varphi)}$$

Бу ерда:

$$b = 4kq_p tg(0,7\varphi)x\left|\frac{\pi}{8}q_p d_e^2 + \frac{\gamma_a(q_w + q_{nk}) - q_q}{0,7}\right|;$$

$$c=2kq_p tg(0,7\varphi).$$

$$q_p = g\frac{\rho_p - \gamma_a\rho_w}{1+e};$$

Бу ерда:

k — қувурнинг ташқи диаметрига тенг бўлган ўлчовсиз коэффициент;

m, e — қувур линияси бўйлаб муҳандислик тадқиқотлари натижалари асосида олинади.

111. Газ қувурини анкраж қурилмалари билан балластлашда улар орасидаги масофа қуйидаги 24-формулада белгиланганидан ошмаслиги керак.

$$L_b \le \frac{z\gamma_{ca}\Phi_a\gamma_b(\rho_b - \gamma_a\rho_w)}{\gamma_{ma}\rho_b\left[\gamma_a(q_w + q_{nk}) - q_q\right]}\ (m) \qquad (24)$$

Бу ерда анкраж қурилмасининг иш шароитлари коэффициенти қабул қилинади:

агар $z = 1$ ёки $z \ge 2$ і $d_c / d_a \ge 3$, $\gamma_{ca} = 1$;

агар $z \ge 2$ ва $1 \le d_c / d_a \ge 3$, $\gamma_{ca} = 0{,}25\left\{1 + \frac{d_c}{d_a}\right\}$;

Φ_a, Н лангарининг юк кўтариш қобилияти ШНҚ 2.02.03-12 мувофиқ ҳисоблаш ёки дала синовлари натижалари бўйича аниқланади;

анкернинг ишончлилик коэффициенти лангарнинг юк кўтариш қобилиятини ҳисоблашда 1,4 га ва статик юк майдон синовлари натижаларига кўра, лангарнинг юк кўтариш қобилиятини аниқлашда 1,25 га тенг деб қабул қилиниши керак.

10-боб. Ер устида ва ерда ўтказиладиган газ қувурлари

112. Ер устидаги газ қувурларини алоҳида турувчи таянчларга, ёнмайдиган материалдан тайёрланган токчалар ва устунларга ёки бинолар деворлари бўйлаб ётқизиш керак.

113. Ер устидаги газ қувурларини қуйидагича ётқизишга йўл қўйилади:

ҳар қандай босимли газ қувурларини алоҳида турган таянчлар, устунлар, эстакада ва токчаларда;

босими 0,6 MPa (6 kgf/cm²) гача бўлган газ қувурларини портлаб ёниш ва ёнғин хавфи бўйича «V1-V4», «G» va «D» тоифага кирувчи хоналари мавжуд ишлаб чиқариш биноларининг деворлари бўйича;

босими 0,3 MPa (3 kgf/cm²) гача бўлган газ қувурларини оловбардошлик даражаси камида III дан кам бўлган жамоат биноларининг ва турар-жой биноларининг деворлари бўйича;

оловбардошлик даражаси IV-V бўлган жамоат бинолари ва турар-жой биноларининг деворлари бўйлаб қувурларнинг шартли диаметри кўпи билан 50 mm бўлган паст босимли газ қувурларини, шу биноларининг ташқи деворларига ва бошқа қурилмаларига газнинг босим ростлагичлари жойлаштирилганда эса, ростлагичга киргунча бўлган жойларда 0,3 MPa гача босимли газ қувурларини;

қувурларининг диаметри 50 mm дан ортиқ бўлмаган ўрта босимли газ қувурларини бевосита турар-жой бинолари бўйича.

114. Деворлар бўйлаб ётқизилган пўлат газ қувурларининг маҳкамлагичлари орасидаги максимал масофалар қуйидаги 6-жадвалга мувофиқ бўлиши лозим.

6-жадвал

Қувур диаметри (mm)	**Максимал масофа** (m)	**Қувур диаметри** (mm)	**Максимал масофа** (m)
15	2,5	100	7
20	3	125	8
25	3,5	150	10
32	4	200	12
40	4,5	250	14,5
50	5	300	16,5
70	6	350	18,8
80	6,5	400	20,5

115. Қуйидаги ҳолларда газ қувурларини ётқизишга йўл қўйилмайди:

босимли газ қувурларини — мактабгача таълим ташкилотлари, касалхоналар, мактаблар ва томошагоҳлар биноларининг деворлари бўйлаб;

юқори босимли газ қувурларини — турар-жой биноларнинг деворлари бўйлаб;

босимли газ қувурларини деворлари металл қопламали ва полимер иситгичли панеллардан қурилган бинолар ҳамда портлаб ёниш ва ёнғин хавфи бўйича «А», «Б» тоифага кирувчи бинолар бўйлаб.

116. Саноат корхоналарининг ҳудудида ўтказиладиган газ қувурлари асосан ер устида ва ерда жойлаштирилиши керак.

Ер усти газ қувурларини таянчларда, эстакадаларда, галереяларда ёки бино ва иншоотлар деворларида ўтказиш лозим.

117. Юқори босимли газ қувурларини портлаб ёниш ва ёнғин хавфи бўйича «В», «Г» ва «Д» тоифаларга мансуб хоналари бор бир қаватли ишлаб чиқариш биноларининг яхлит деворларидан, дераза ва эшиклар тепасидан, кўп қаватли биноларда юқори қаватлардаги деразалар тепасидан, шу биноларга қўшилган ёрдамчи бинолардан, шунингдек алоҳида жойлашган қозонхоналардан ўтказишга йўл қўйилади.

118. Ишлаб чиқариш биноларида паст ва ўрта босимли газ қувурларини очилмайдиган деразалар кесакиси (рамка) бўйлаб ўтказишга ҳамда бу қувурларнинг шиша блоклар тўлдирилган ёруғлик тушадиган деворлар билан кесишишга йўл қўйилади.

119. Биноларнинг деворлари бўйлаб ўтказилган газ қувурлари билан бошқа муҳандислик тармоқлари орасидаги масофани ушбу ШНҚнинг 18-бобида келтирилган бинолар ичида газ қувурлари ётқизишга қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

120. Турар-жой биноларининг ва ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлмаган жамоат биноларининг дераза ўрни ва балконлар остидан ўтган газ қувурларида ажраладиган бирикмалардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

121. Қувурларнинг ерга кириш ва ердан чиқиш жойларига яқин бўлган ер устидаги, ердаги ва ер ости газ қувурларини лойиҳалашда ҳарорат таъсирида бўлиши мумкин бўлган бўйлама шакл ва ҳажмининг ўзгаришини ҳисобга олиш керак.

122. Йўналиш бўйлаб ҳарорат ва бошқа таъсирлардан газ қувуридаги силжишларни камайтириш таянчлар ва улар орасида компенсаторлар ўрнатиш, шунингдек ҳаракат йўналишини ўзгартириш орқали ўз-ўзини компенсация қилиш орқали эришилиши лозим.

123. Ер усти газ қувурларини ётқизиш баландлиги камида қуйидагича бўлиши керак:

ҳудуднинг ўтиб бўлмайдиган қисмида, одамлар ўтадиган жойларда — 2,2 m;

автомобиль йўллари билан кесишган жойларда (қатнов қисмининг юқори қисмидан) — 5 m;

ички темир йўл йўллари ва умумий тармоқ йўллари билан кесишган жойларда — ГОСТ 9238-2013 талабларига мувофиқ;

трамвай йўллари билан кесишган жойларда — темир йўл бошидан 7,1 m;

троллейбус алоқа тармоғи билан кесишган жойда (қатнов қисми қопқоғининг юқори қисмидан) — 7,3 m.

124. Автотранспорт воситаларининг тартибга солинмаган қатнов қисмини кесиб ўтган ер усти газ қувурларини ётқизиш баландлигини камайтиришга йўл қўйилади, бироқ 3,5 м дан паст бўлмаслиги керак.

Шунингдек, газ қувурига транспорт ўлчамларини чеклайдиган идентификация белгилари ўрнатилиши керак.

125. Транспорт ва одамларнинг ўтиши бўлмаган жойларда эркин ҳудудда газ қувурини ер юзасидан қувурнинг пастки қисмигача камида 0,35 m баландликда ётқизишга йўл қўйилади.

126. Газ қувурларининг ерга кирадиган ва ердан чиқиб турадиган жойларига ғилоф кийдириш лозим.

Газ қувурлари механик шикастланиш етказилмайдиган жойларда (юрилмайдиган жойлар ва бошқалар) ғилоф кийдирмасликка йўл қўйилади.

127. Газ қувурларининг бинолар ташқи деворларини кесиб ўтадиган жойларига ғилоф кийдириш лозим.

Девор билан ғилоф орасидаги бўшлиқни бошидан охиригача беркитилиши ҳамда текислаб чиқилиши керак.

Ғилоф учларига эластик материал тиққан ҳолда зичлаштириш лозим.

128. Таянчлар орқали ўтказилган ер усти газ қувурлари ва ердан ўтказилган газ қувуридан уфқий йўналиш бўйича бино ва иншоотларгача бўлган масофа ушбу ШНҚнинг 9-иловасида келтирилган қийматлардан кам бўлмаслиги лозим.

129. Ер усти газ қувурлари ва муҳандислик коммуникациялари қувурлари орасидаги масофалар ўрнатиш, текшириш ва таъмирлаш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда минимал масофалар қуйидаги 7-жадвалга мувофиқ бўлиши керак.

7-жадвал

Газ қувури шартли диаметри (mm)	**Муҳандислик коммуникациялари қувурлари орасидаги минимал масофалар (mm)**		
	300 гача	**300 дан 600 гача**	**600 дан юқори**
300 гача	100	150	150
300 дан 600 гача	150	150	200
600 дан юқори	150	200	200

130. Ҳаво электр узатиш линиялари бўйлаб ер усти газ қувурларини ётқизишда, шунингдек улар билан кесиб ўтишда ва электр кабеллари ҳамда симлари билан бирга газ қувурларини Электр қурилмаларини ўрнатиш қоидалари талабларига мувофиқ ётқизиш керак.

131. Ер устидаги газ қувурларининг таянчлари орасидаги масофа ШНҚ 2.04.12-22 талабларига мувофиқ белгиланиши лозим.

132. Алоҳида турган таянчлар, устунлар, эстакадалар ва токчаларда газ қувурларини ШНҚ 2.07.01-03га мувофиқ бошқа вазифали қувурлар билан бирга ётқизишга йўл қўйилади.

133. Газ қувурларига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган кабелларни улашга (кучли электр ўтказгичлар, хабар бериш ускуналари, диспетчерлик пунктлари, валфни бошқариш) йўл қўйилади.

Бунда, кабеллар ғилофга ўралган ва газ қувуридан камида 0,1 m масофада ётқизилган бўлиши керак.

134. Газ қувурларини темир йўл ва автомобиль йўлларидаги кўприклардан ўтказишда ШНҚ 2.05.03-22 талабларига мувофиқ кўприк қурилмасида газ тўпланиб қолмайдиган (газ сизиб чиққанда) жойлардан ўтказиш керак.

135. Иншоотлар билан кесишган жойда автомобиль ва пиёдалар кўприкларининг ёнғинга чидамли 0,6 МРа гача босимли газ қувурларини ётқизишга йўл қўйилади.

136. Кўприклар устига ётқизилган газ қувурлари чоксиз қувурлардан ясалган бўлиши ва кўприк иншоотларида газ тўпланишига йўл қўйилмаслигини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилиши лозим.

11-боб. Газ қувурларининг сувли тўсиқлар ва жарликлардан ўтиши

137. Газ қувурларини сувли тўсиқлар остидан ўтказишда гидрологик, муҳандислик-геологик ва топографик тадқиқотлар маълумотлари асосида бажарилиши лозим.

138. Дарёлар ва каналлар орқали ўтиш жойларини оқим бўйича кўприклар, пристанлар (кемалар тўхтайдиган жойлар), дарё вокзаллари, гидротехник иншоотлар ва сув омборларидан кейин танлаш лозим.

139. Дарёлар орқали сув ости ўтиш йўлларини сув босадиган жойи энг тор бўлган нишабли ювилиб кетмайдиган қирғоқдан, сув тўғри ва тинч оқадиган жойлардан ўтказилиши, ер ости ўтиш жойининг дарвозасини қоя грунтларидан ҳосил бўлган жойлардан бошқа жойда оқимнинг динамик ўқига тик бўладиган қилиб лойиҳалаштириш керак.

140. Сувли тўсиқларнинг ўртача эни 75 m ва ундан катта бўлганда сув остидан ўтказиладиган газ қувурларини ҳар бири газнинг ҳисобий сарфининг 0,75 қисмини ўтказа оладиган иккита қувурдан иборат қилиб ётқизиш керак.

Қуйидаги ҳолларда иккинчи (захира) газ қувурини ётқизмасликка йўл қўйилади:

газ қувурлари ҳалқа қилиб бирлаштирилган ва сув ости қувури беркилиб қўйилганда ҳам истеъмолчилар газ билан узлуксиз таъминланадиган ҳолларда;

газ қувурлари охирида жойлашган саноат истеъмолчиларига борадиган сув ости газ қувурларини таъмирлаш даврида бу истеъмолчилар бошқа тур ёқилғига ўтиши имконияти мавжуд бўлган ҳолларда.

141. Сувли тўсиқлардан ўтказишда газ билан узлуксиз таъминланиши зарур бўлган истеъмолчиларни таъминлаш учун қуйидаги ҳолларда иккинчи (захира) қувурни ҳам ўтказишга йўл қўйилади:

эни 75 m дан кам бўлмаганда;

сув босишнинг 10 фоизли таъминланишида қайирларнинг юқори сув горизонти сатҳидан қараганда эни 500 m дан ортиқ бўлганда;

тошқин натижасида сув босишнинг 20 кундан ортиқ давом этганда;

туби ва қирғоқлари турғун бўлмаган тоғ дарёлари ва сувли тўсиқларни кесиб ўтишда.

142. Сув ости ва сув усти газ қувурларини сувли тўсиқлардан ўтиш жойларида кўприклардан қувургача бўлган минимал масофа қуйидаги 8-жадвалга мувофиқ бўлиши керак.

8-жадвал

Сувли тўсиқлар	**Кўприк тури**	**Газ қувурлари ўтказишда горизонтал бўйича кўприк билан газ қувури орасидаги масофа (m)**					
		Кўприк тепасидан ўтказилганда		**Кўприк остидан ўтказилганда**			
		Сув устидаги газ қувуридан	**Сув остидаги газ қувуридан**	**Сув устидаги газ қувуридан**	**Сув остидаги газ қувуридан**	**Сув устидаги газ қувуридан**	**Сув остидаги газ қувуридан**
		300 ва ундан кам	**300 дан кўп**	**300 ва ундан кам**	**300 дан кўп**	**Ҳамма диаметрларда**	
Кемалар қатнайдиган музлайдиган	Барча турлари	75	125	75	125	50	50
Кемалар қатнайдиган музламайдиган	Барча турлари	50	50	50	50	50	50
Кемалар қатнамайдиган музлайдиган	Кўп оралиқли	75	125	75	125	50	50
Кемалар қатнамайдиган музламайдиган	Кўп оралиқли	20	20	20	20	20	20
Кемалар қатнамайдиган, газ қувуридаги босим қуйидагича:	Бир ва икки оралиқли						
паст;		2	2	20	20	2	10
ўртача ва юқори		5	5	20	20	5	20

Изоҳ. Масофа кўприк конструкциясининг чиқиб турган жойидан кўрсатилган.

143. Сув остидан ўтказиладиган қувурлар деворининг қалинлиги ҳисобий кўрсаткичдан 2 mm кўпроқ, бироқ камида 5 mm бўлиши лозим.

Диаметри 250 mm дан кам бўлган газ қувурларини қалқимаслиги учун деворларининг қалинлигини оширишга йўл қўйилади.

144. Газ қувурининг сув остидан ўтиш узунлигини белгиловчи чегара сифатида юқори сув горизонти билан чегараланган 10 фоизли таъминланганлик белгисидан паст бўлмаган участкани олиш керак.

Беркитувчи арматурани ана шу участка чегарасидан ташқарида жойлаштириш лозим.

145. Сув остидан ўтказишда параллел газ қувурларининг ўқлари орасидаги масофа 30 m дан кам бўлмаслиги лозим.

146. Ювилиб кетмайдиган ўзанли, кемалар қатнайдиган дарёларда ҳамда аҳоли яшайдиган жойларда сувли тўсиқларни кесиб ўтишда битта хандаққа иккита газ қувурини улар орасидаги текис масофа камида 0,5 м ётқизиб лойиҳалашга йўл қўйилади.

Қайир жойларда газ қувурларини ётқизишда қувурлар орасидаги масофани текис жойдаги газ қувурлари орасидаги масофа каби қабул қилишга йўл қўйилади.

147. Сув остидан ўтувчи газ қувурларини ётқизишда кесиб ўтиладиган сувли тўсиқлар тубини чуқурлаштирилиши лозим.

Устидан балласт (юк) ётқизилган газ қувурининг тепасидаги лойиҳа белгисини дарё тубининг тахминий кесимидан 0,5 m, кемалар қатнайдиган ва ёғоч оқизиладиган дарёлар орқали ўтишда эса 1,0 m паст қабул қилиш керак.

Дарё тубининг чуқурлигини газ қувури ўтказиш ишлари тугагандан сўнг 25 йил давомида ўзаннинг қанчалик ювилиб кетиши эҳтимоли мавжудлигини ҳисобга олиб аниқланиши лозим.

Кемалар қатнамайдиган ва ёғоч оқизилмайдиган сув тўсиқлари тагидан газ қувурларини қояли ерлардан ўтказишда ҳамда уларнинг ётқизиш чуқурлигини камайтиришга йўл қўйилади, бироқ устидан балласт ётқизилган газ қувурининг тепаси унинг фойдаланиш даврида сув ҳавзаси тубининг ювилиб кетиши эҳтимоли мавжуд бўлган белгидан пастда бўлиши лозим.

148. Сув ости газ қувурларининг қалқимаслигини (барқарорлигини) ва улар устига балласт ётқизишни ҳисоблашда ҚМҚ 2.05.06-97 талабларига асосланиш лозим.

149. Кемалар қатнайдиган ва ёғоч оқизиладиган сувли тўсиқларнинг иккала қирғоғида идентификация белгилари қўйилиши лозим.

Сув остидан ўтиш чегарасининг ўртача сув сатҳида тўсиқнинг эни 75 m гача бўлганда битта қирғоқда, эни ундан катта бўлганда эса иккала қирғоқда реперлар (белги) ўрнатилиши керак.

150. Газ қувури сув устидан ўтказилганда унинг ётқизилиш баландлиги (қувурнинг тубидан ёки қурилманинг оралиғидан) қуйидагича бўлиши зарур:

кемалар қатнамайдиган, ёғоч оқизилмайдиган дарёларни, муз кўчиши мумкин бўлган жарликлар ва сойларни кесиб ўтишда таъминланиш 2 фоиз бўлганда юқори сув горизонти сатҳидан ва музнинг энг юқори горизонтидан камида — 0,2 m;

дарёларда корчеход (тозаловчи) бўлганида эса таъминланганлик 1 фоиз бўлганида юқори сув горизонти сатҳидан камида — 1,0 m баландликда.

12-боб. Газ қувурларини темир йўллар ва трамвай йўллари ҳамда автомобиль йўллари орқали ўтиши

151. Газ қувурлари темир йўллар, трамвай йўллари ҳамда автомобиль йўллари билан кесишадиган жойда йўлга нисбатан 90° бурчак остида ўтказилиши лозим.

Трамвай йўллари ва темир йўллар билан кесишадиган жойларда ер ости газ қувурларидан иншоотларгача бўлган энг кам масофа қуйидагича бўлиши керак:

темир йўллардаги кўприклар, қувурлар, тоннеллар ва пиёдалар ўтадиган кўприклар ва тоннелларгача бўлган масофа — 30 m;

стрелкаларгача (сурма изнинг, крестовинанинг учигача, темир йўл изларига тортувчи кабеллар бириктирилган жойгача) — трамвай йўллари учун 3,0 m ва темир йўллар учун 20 m;

контакт тармоқ таянчларигача — 3,0 m.

152. Темир йўллар ва трамвай йўллари билан I, II ва III тоифадаги автомобиль йўллари билан ҳамда шаҳар чегарасидаги тезюрар йўллар, шаҳар ичидаги шоҳ-кўчалар билан кесишиш жойларида ҳар қандай босимли ер ости газ қувурларини пўлат ғилофларида ётқизиш лозим.

153. Туман аҳамиятига эга бўлган шоҳкўчалар ва йўлларни, юк ташиладиган, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган кўча ва йўлларни кесиб ўтишда газ қувурларига ғилоф кийдириш зарурлиги транспорт қатновининг даражасига кўра белгиланиши, бунда ғилоф нометалл материалдан тайёрланиши ҳамда уларнинг учлари зич беркитилган бўлиши зарур.

Ғилофнинг қувурлараро бўшлиғига газ таъминоти тизимига хизмат кўрсатишга мўлжалланган алоқа, телефон, электрдан муҳофаза қилиш дренаж кабелларини ётқизишга йўл қўйилади.

154. Ғилофнинг учларини иншоотлардан қуйидагича масофада чиқариш лозим:

темир йўл кўтармасининг сув қочириш иншоотидан (ариқ, хандақ ва бошқалар) — камида 3,0 m;

темир йўлнинг чекка изидан — 10 m;

саноат корхонасига кирадиган темир йўл изидан — 3,0 m;

трамвай йўлининг чекка изидан — 2,0 m;

кўчанинг қатнов қисмининг четидан — 2,0 m;

автомобиль йўлининг қатнов қисмининг четидан — 3,5 m.

Шунингдек, ғилофнинг чиқариладиган учлари кўтарма этагидан камида 2,0 m узоқликдан чиқарилиши керак.

155. Газ қувурини ётқизишда ғилоф тепасидан темир йўл изи тагигача ёки бошланғич (нолинчи) белгилар ва қоплам тепасигача бўлган энг кам минимал чуқурлик қуйидагича бўлиши лозим:

умумий тармоқдаги темир йўллар остидан — 2,0 m;

сув қочириш иншоотлари тубидан — 1,5 m;

ишлар тешиш усули билан бажарилганда — 2,5 m.

Шунингдек, трамвай йўллари, саноат корхоналарининг темир йўллари ва автомобиль йўллари остидан газ қувурини ётқизишда энг кам минимал чуқурлик қуйидагича бўлиши керак:

ишлар очиқ усулда бажарилганда — 1 m;

ишлар сиқиш, ётиқ бурғилаш усулида ёки тоннел қазгич билан бажарилганда — 1,5 m;

Бунда, умумий тармоқдаги темир йўллар кесишадиган жойларда ғилофдан 50 m масофада кўтарманинг иккала томонидан газ қувурининг ётқизиш чуқурлиги ер устидан қувурнинг тепасигача камида 2,1 m бўлиши зарур.

Умумий тармоқдаги темир йўлларни кесиб ўтадиган жойларда газ қувури деворининг қалинлигини ҳисобий қалинлигидан 2-3 mm ортиқ қилиб олиш ва бу участкаларда барча ҳолларда муҳофаза (изоляция) қопламасининг мустаҳкамини қўллаш лозим.

13-боб. Газ қувурларида беркитувчи қурилмаларнинг жойлаштирилиши

156. Қуйидаги ҳолларда газ қувурларида беркитувчи қурилмаларни ўрнатиш керак:

турар-жой, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига ёки ёнма-ён бинолар гуруҳига кириш жойларида, газ истеъмол қилувчи қурилмалардан олдин;

ГТПга киришда ҳамда чиқишда;

кўчадаги газ қувурларидан алоҳида даҳа ва мавзеларга, турар-жой бинолари гуруҳига ёки 400 дан кўпроқ хонадон бўлган алоҳида уйларга кирадиган шохобчаларда;

сувли тўсиқларни иккита ва ундан кўп газ қувури кесиб ўтадиган ҳолларда ёки сувли тўсиқнинг текисликдаги эни 75 m ва ундан кўп бўлганда бир тармоқли газ қувурининг ўзида;

умумий тармоқдаги темир йўлларни ва I ҳамда II тоифали автомобил йўлларини кесиб ўтишда.

157. Қуйидаги ҳолларда беркитувчи қурилмаларни ўрнатмасликка йўл қўйилади:

корхоналарнинг ГТПсидан олдин агар тақсимлаш газ қувури тармоғидаги беркитувчи қурилма ГТПдан кўпи билан 100 m масофада бўлганда;

умумий тармоқдаги темир йўлларни ва I ҳамда II тоифадаги автомобиль йўлларини кесиб ўтиш жойида йўлдан кўпи билан 1000 m масофада беркитувчи қурилма ёки кесиб ўтиш жойига газ берилишини тўхтатувчи бошқа қурилмалар (линия сурма қопқоқлар, ГТП, ГТШдан кейин бекитувчи қурилмалар) мавжуд бўлганда.

158. Ташқи газ қувурларидаги беркитувчи қурилмаларни ерга ўрнатилган шкафларга ёки тўсиқлар ичига, шунингдек биноларнинг деворларига жойлаштириш лозим.

159. Ер ости газ қувурларида беркитувчи қурилмаларни қудуқларда жойлаштирилиши лозим.

160. Беркитувчи қурилмаларни кўчанинг одамлар юрмайдиган қисмида ерда тўсиқ ичи ёки шкафларда жойлаштиришга йўл қўйилади.

161. Қудуқларда беркитувчи арматурани ўрнатиш ва алмаштиришга имкон берадиган компенсаторлар бўлиши керак.

Қудуқда I тоифали юқори босимли газ қувурларига фланецли (лаппаксимон бирлаштирувчи) арматура ўрнатишда компенсаторлар ўрнига қия лаппаксимон бирлаштирувчи мослама қўйиш лозим.

162. Қудуқлар қурилиш бораётган жойдан ва корхона ҳудудини чегараловчи тўсиқлардан камида 2 m масофада бўлиши лозим.

Транспорт юрмайдиган ва одамлар қатнамайдиган жойларда қудуқлар қопқоғини ер сатҳидан баландроқ қилиб лойиҳалаш керак.

163. Биноларнинг деворига ўрнатиш мўлжалланган беркитувчи қурилмаларни эшик ўрнидан ва очиладиган дераза ўрнидан камида қуйидагича масофада жойлаштириш керак:

паст босимли газ қувурлари учун горизонтал бўйича — 0,5 m;

ўрта босимли газ қувурлари учун горизонтал бўйича — 3 m (ўрта босимли газ қувурлари турар-жой биноларида затворининг герметиклиги I тоифага кирадиган шарли жўмраклар пайвандлаб ўрнатилган бўлса, масофани 1 m га қадар камайтиришга йўл қўйилади);

ГТП ва ГТҚ бинолари ва II тоифали юқори босимли газ қувурлари учун горизонтал бўйича — 5 m.

164. Беркитувчи арматура 2,2 m дан баландда жойлашганда, унинг тагида ёнмайдиган материаллардан ишланган зинапояли майдонча бўлиши лозим.

165. Саноат корхоналари ва бошқа корхоналар ҳудудидан ўтадиган ҳалқа қилиб бирлаширилган тақсимлаш газ қувурларини лойиҳалаштирилган беркитувчи қурилмаларни шу корхоналар ҳудудидан ташқарида жойлаштириш лозим.

166. ГТПга кирадиган ва ундан чиқадиган газ қувурларида беркитувчи қурилмаларни ГТПдан камида 5 m ва кўпи билан 100 m масофада ўрнатилиши лозим.

167. Биноларга бирлаштирган ҳолда қурилган иншоотларда жойлаштирилган ГТП ва шкафли ГТПларда беркитувчи қурилмаларни ер устидан ўтказилган газ қувурларида ГТПдан камида 5 m масофада ўрнатишга йўл қўйилади.

168. Сувли тўсиқлардан ўтадиган газ қувурларида ушбу ШНҚнинг 158-бандига мувофиқ беркитувчи қурилмаларни таъминланганлиги 10 фоиз бўлганда, қирғоқларда юқори сув горизонти белгиларидан паст бўлмаган ва муз кўчиш белгисидан юқорида, тоғ дарёларида эса таъминланганлик 2 фоиз бўлганда, юқори сув горизонти белгисидан баландда жойлаштириш керак.

Бунда, ҳалқа қилиб бирлаштирилган газ қувурларида беркитувчи қурилмани иккала қирғоқда, боши берк якка газ қувурларида битта қирғоқда газ келаётган томондаги қирғоқда жойлаштириш лозим.

169. Темир йўллар кесиб ўтиладиган жойларда беркитувчи қурилмаларни қуйидаги масофада жойлаштириш лозим:

боши берк газ қувурларида кесиб ўтиладиган жойдан газнинг йўли бўйлаб камида — 1000 m;

ҳалқа қилиб бирлаштирилган газ қувурларида кесиб ўтиш жойининг иккала томонидан ўтиш жойидан кўпи билан — 1000 m.

14-боб. Газ қувурларидаги иншоотлар

170. Газ қувурларидаги беркитувчи қурилмалар жойлаштириладиган қудуқларни ёнмайдиган, намлик ҳамда биологик моддалар таъсирига чидамли материаллардан тайёрланиши лозим.

Қудуқларнинг тузилиши ва материали уларга ер ости сувларининг сизиб кирмаслигини таъминлаши, шунингдек қудуқлар деворининг ташқи юзаси силлиқ, сувалган ва тоғ қатрони гидроқоплама материаллари билан ўралган бўлиши керак.

171. Газ қувурининг қудуқ девори орқали ўтадиган жойларига ғилоф кийдирилиши лозим.

172. Газ қувурларининг таянчлари, эстакадалар, осма ўтиш жойлари ёнмайдиган материаллардан тайёрланиши керак.

173. Ер остида жойлашган газ қувурларида ҳарорат ва бошқа таъсирлар туфайли юзага келадиган тиғизликни камайтириш, шунингдек арматурани ўрнатиш ёки қисмларга ажратиш қулай бўлиши учун компенсаторлар ўрнатилиши лозим.

Ер устида жойлашган газ қувурларининг тиғизлигини камайтириш учун газ қувурларини трасса йўналишини ўзгартириш ҳамда кўчмас таянчлар ўрнатилишига йўл қўйилади.

Газ қувурларида салникли компенсатор ўрнатилишига йўл қўйилмайди.

174. Назорат найлари, назорат-ўлчов нуқталарининг боғланиш учлари, конденсат йиғгичларнинг сув чиқарувчи найлари, гидро-зулфинлар ва арматурани механик шикастланишдан муҳофаза қилиш учун бетон, темир-бетон ва бошқа заминларга жойлаштирилган қудуқчаларга ўрнатиш лозим.

175. Газ қувуридаги иншоотнинг жойлашган ўрнини кўрсатиш учун газ қувурининг тепасига ёки унинг яқинига (бино ва иншоотлар деворига ёки махсус белгилаш устунчаларга) кўрсаткич тахтачалар ўрнатилиши керак.

15-боб. Қувурларни емирилишдан муҳофаза қилиш

176. Пўлат газ қувурларини атроф-муҳит ва дайди электр токлар таъсирида емирилишдан муҳофаза қилиниши лозим.

Ер ости газ қувурларини емирилишдан муҳофаза қилишни ГОСТ 9.602-2016 ва ушбу боб талаблари асосида лойиҳалаш лозим.

Ҳимоя қопламлари сифатида қўлланиладиган материал ушбу ШНҚнинг 23-бобда белгиланган талабларига мос бўлиши керак.

177. Шаҳарлар, аҳоли яшайдиган жойлар доирасида кўчадан ўтказиладиган ер ости газ қувурларида назорат-ўлчов пунктлари ўрнатилиши лозим.

Улар орасидаги масофа 200 m, аҳоли яшайдиган ҳудудлардан ташқарида эса 500 m бўлиши керак.

178. Газ қувурларининг электрлаштирилган транспортнинг темир изли йўллари билан кесишиш жойида (иккитадан кўп изли йўллар кесиб ўтиладиган бўлса, йўлнинг иккала томонида) чекка издан кўпи билан 20 m масофа, газ қувурлари эни 75 m дан катта сувли тўсиқларни кесиб ўтадиган ҳолларда назорат-ўлчов пунктлари ўрнатилиши лозим.

179. Қувур муҳофазасининг электр имкониятларини ўлчаш учун газ қувурларида беркитувчи қурилмалар, конденсат йиғгичлардан фойдаланишга йўл қўйилади.

180. Газ қувурларини электр-кимёвий муҳофаза қилишда қуйидаги ҳолларда ИФБ ўрнатилиши керак:

газ қувурининг ерга ва ГТПга кириш ҳамда чиқиш жойларида, газ қувурининг бинодаги металл конструкциялар ва муҳандислик тармоқлари орқали ер билан электр туташиши имконияти мавжуд бўлган биноларга кириш жойида;

газ қувурининг дайди токлар манбаи ҳисобланган иншоотга кириш жойида;

газ қувурларини қисмларга бўлишда;

газ қувурининг айрим қисмларини бошқаларидан электр изоляция қилишда.

181. Газ қувурлари темир таянчларда ўтказилганда газ қувурлари ва таянч оралиғига диэлектрик материал ўрнатилиши лозим.

182. ИФБни ташқи газ қувурларида кўпи билан 2,2 m баландликда ўрнатиш лозим.

ИФБдан эшик ва дераза ўринларигача бўлган масофа ушбу ШНҚнинг 158-бандида беркитиш арматураси учун ёки қудуқлар учун қабул қилингани каби, қудуқларда ИФБ инвентар кўтармалар билан ИФБни шунтлаш учун қудуқдан ташқарида ўрнатиладиган боғланиш қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

183. Газ қувурларининг қудуқларида жойлашган лаппаксимон бирлаштирувчи бирикмалар учун доимий боғловчи электр уланмалар бўлиши лозим.

184. Электр-кимёвий муҳофаза қурилмаларидан ва уларнинг боғланиш қурилмаларидан СУГ сиғимларигача бўлган масофа камида 5 m бўлиши керак.

185. СУГ пўлатли сиғимларни емирилишдан муҳофаза қилиш учун ишлатиладиган протекторлар бевосита яшин тушишидан муҳофаза қиладиган асосий ерга улаш (заземление) сифатида ҳам қўлланилиши мумкин.

186. Қувурлар орасидаги пўлат тасмадан ишланган электр туташтиргичлар ва пўлат ғилофлар (тешиш усулида кийдириладиган ғилофдан ташқари) муҳофаза қопламасига эга бўлиши керак.

187. Ер устидан ўтказиладиган газ қувурларини ҳаво таъсирида емирилишдан муҳофаза қилиш учун уларга дастлабки икки қават бўёқ суртилиши, сўнг қурилиш бораётган жойнинг ташқи ҳаво ҳароратини ҳисобга олган ҳолда икки қават бўёқ лок ёки эмал суртиш лозим.

16-боб. Полиэтилендан тайёрланган газ қувурлари

188. Металлдан ишланган эскирган ер ости газ қувурларини уларга полиэтилен қувурлар кийдириш (ўраш) йўли билан таъмирлашда ушбу бобнинг талабларини инобатга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим.

189. Газ қувурларини ётқизишда газнинг босими ва таркибига қараб полиэтилен қувурлар ишлатиш мумкинлигини ушбу ШНҚнинг 61-62-бандларида келтирилган талаблар ҳамда қуйидаги 9-жадвалга мувофиқ аниқлаш лозим.

9-жадвал

Газнинг босими MPa (kgf/cm^2), кўпи билан	**Полиэтилен қувурларнинг ишлатилиш соҳаси**	**Ўтказиш йўл қўйиладиган газлар**
0,3 (3)	Шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшайдиган жойлар ҳудудида ўтказиладиган газ қувурлари, шунингдек ер ости пўлат газ қувурларини таъмирлаш учун	ГОСТ 5542-2014 бўйича табиий газлар, шунингдек таркибида ароматик ва хлорланган углеводородлар бўлмаган газ-ҳаво аралашмалари
0,6 (6)	Қишлоқлараро газ қувурлари	ГОСТ 5542-2014 бўйича табиий газлар, шунингдек таркибида ароматик ва хлорланган углеводородлар бўлмаган газ-ҳаво аралашмалари

190. Газ қувурларини қуйидаги ҳолларда полиэтилен қувурлардан ётқизишга йўл қўйилмайди:

шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган жойларда чўкувчанлиги II турга кирадиган грунтли ерларда;

сейсмиклиги 6 баллдан юқори бўлган ҳудудлардаги шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган жойларда;

ер устида, ерда, биноларнинг ичида, шунингдек тоннеллар, коллекторлар ва каналларда;

ушбу ШНҚнинг 170-бандида келтирилган сунъий ва табиий тўсиқлар орқали ўтиладиган жойларда.

191. Сейсмиклиги 6 баллдан юқори бўлган ҳудудларда жойлашган шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшайдиган майдонларда ўртача зичликдаги полиэтилендан тайёрланган узунлиги бўйича ўлчанадиган қувурлар қуйма қиздиргичли муфталар билан бириктириладиган полиэтилен газ қувурлари ётқизишга йўл қўйилади.

192. Газ қувурлари қурилиши учун ишлатиладиган полиэтилен қувурларининг мустаҳкамлик захираси коэффициенти ГОСТ 18599-2001га мувофиқ 2,5 дан кам бўлмаслиги керак.

193. Полиэтилен қувурларидан қуйидаги ҳолларда газ қувурларини ётқизмаслик лозим:

аҳоли пунктлардан (босим 0,3 МРа дан катта бўлганда);

аҳоли пунктларидан ташқарида (босим 0,6 МРа дан катта бўлганда);

аромат ва хлорланган углеводород таркибли газларни ташиш учун, шунингдек СУГ суюқ фазаларида;

газ қувури деворининг ҳарорати фойдаланиш шароитида минус 15° С дан паст бўлганда.

194. Мустаҳкамлик захираси коэффициенти 2,8 ва босими 0,3 МРа дан 0,6 МРа гача бўлган полиэтилен газ қувурларини бир-икки қаватли турар-жой биноларидан иборат аҳоли пунктлари ҳудудларида ётқизишга йўл қўйилади.

195. Музлаб кўтарилиб қоладиган ерларда полиэтилен газ қувурлари мавсумий музлаш сатҳидан пастда ётқизилиши керак.

196. Газ қувурларининг гидравлик ҳисобини ушбу ШНҚнинг 6-бобига мувофиқ ишлаб чиқиш лозим.

197. Паст босимли металл газ қувурларини таъмирлашда паст босимли газ қувурига ҳам гидравлик ҳисоблаш асосида полиэтилен ўрта босимли газ қувурлар кийдирилишига йўл қўйилади.

198. Полиэтилен газ қувурларидан бино ва иншоотларгача бўлган текисликдаги минимал масофани пўлат газ қувурлари учун қабул қилингани каби ушбу ШНҚнинг 87-банди талабларини ҳисобга олган ҳолда ШНҚ 2.07.01-03га мувофиқ лойиҳалаш керак.

199. Тор шароитларда айрим участкаларда ШНҚ 2.07.01-03 да келтирилган масофаларни 50 фоизга қадар камайтиришга йўл қўйилади.

Бунда, қувурлар яқинлашган жойларда бино ва иншоотларнинг ҳар иккала томонга 5 m дан масофада бўлиши ва қуйидаги талаблардан бири бажарилиши керак:

узунасига ўлчанадиган туташмаларсиз қувурлар ишлатиш;

қуйма қиздиргичли муфталар воситасида бирлаштирилган муайян узунликдаги қувурлардан фойдаланиш;

муайян узунликдаги қувурларни пўлат ғилофда ётқизиш;

ушбу ШНҚнинг 87-бандига мувофиқ келадиган пўлат қувурларга алмаштириш.

Яқинлашиш жойларида полиэтилен қувурларнинг очиқ ётқизилган жойлари механик шикастланишдан муҳофазаланган, бунда металл ғилофлар, тўр қопламалардан фойдаланиш ёки устидан темирбетон плита билан беркитилган бўлиши лозим.

200. Таъмирланаётган паст босимли пўлат газ қувури ичидан ўрта босимли (0,3 МРа гача) полиэтилен газ қувури ўтказилганда қувурлардан бино ва иншоотларгача бўлган минимал масофани паст босимли пўлат газ қувурлари учун ушбу ШНҚнинг 87-бандига мувофиқ қабул қилишга йўл қўйилади.

Полиэтилен газ қувурининг пайванд ва бошқа бирикмалари ҳамда унинг очиқ қисмлари бино ва иншоотлардан камида 5 м масофада жойлашган бўлиши керак.

201. Полиэтилен газ қувурлари билан иссиқлик тармоқларидан бошқа ер ости муҳандислик коммуникациялари орасидаги вертикал бўйича текис минимал масофани ушбу

ШНҚнинг 9-бобига мувофиқ бўлиши, иссиқлик тармоқлари учун бу масофа полиэтилен қувурлар полиэтиленнинг шу маркаси учун белгилангандан юқори ҳароратгача қизиб кетмаслик шартидан аниқланиши керак.

202. Газ қувурини ётқизишда чуқурлик қувурнинг устигача камида 1,0 m бўлиши лозим.

Полиэтилен қувурлар кийдириб чўзиладиган металл газ қувурларининг ётқизилиш чуқурлиги ушбу ШНҚнинг 97-бандидаги талабларга мос келиши лозим.

203. Қиялиги 200 фоиздан ортиқ бўлган жойда газ қувурлари ётқизишда хандақлар ювилиб кетишининг олдини олиш учун уни тўлдиришда зичлиги 1,6 m^3/t дан юқори бўлган қум ва шағаллардан фойдаланиши зарур.

204. Қиялиги 500 фоиздан ортиқ бўлган жойларда газ қувурлари ётқизишга йўл қўйилмайди.

205. Газ қувурларини умумий тармоқдаги темир йўллар, I ва II тоифадаги автомобиль йўллари, умумий шаҳар аҳамиятига эга бўлган шоҳкўчалар ва йўллар, шунингдек текис горизонтдаги эни 25 m дан ортиқ бўлган сувли тўсиқлар ҳамда III турдаги ботқоқликлар орқали ўтказишда уларга пўлат қувурлар ётқизиш керак.

Умумий тармоқдаги темир йўллар ва ўтиш жойларининг нормаларда ғилоф қоплаш кўрсатилмаган жойларидан ташқари юқорида айтилган барча жойларда пўлат газ қувурларини таъмирлашда мавжуд ғилофлар тургани ҳолда уларга полиэтилен қувурлар тортишга йўл қўйилади.

206. Саноат корхоналарига келадиган темир йўлларни, барча тоифадаги автомобиль йўлларини (ушбу ШНҚнинг 205-бандида келтирилганлари бундан мустасно), трамвай йўлларини, аҳоли яшайдиган жой атрофидаги маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ва юк ташиладиган шоҳ кўчаларни кесиб ўтадиган газ қувурларига, шунингдек коллекторлар, тоннеллар, каналлар ҳамда қудуқларнинг девори орқали ўтказишда қувурларга металл ғилоф кийдирилиши лозим.

I ва II тоифадаги автомобил йўллари ҳамда ушбу ШНҚнинг 205-бандида келтирилган бошқа йўллар орқали ўтказиладиган полиэтилен қувурларда пўлат ғилоф бўлиши, бунда ўтиш жойларида ўртача зичликдаги пайвандсиз ва бошқа бирикмаларсиз полиэтилен қувурлар ишлатилиши лозим.

207. Кесиб ўтиладиган жойларга газ қувурлари ётқизиш, ғилоф учларининг узунлиги, ётқизилиш чуқурлиги ва бошқалар ушбу ШНҚнинг 96, 151 ҳамда 154-бандларида пўлат газ қувурлари учун белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши, бунда полиэтилен газ қувурининг ётқизилиш чуқурлиги барча ҳолларда ҳам 1,0 m дан кам бўлмаслиги керак.

Газ қудуқларининг деворларини кесиб ўтишда ғилоф учлари камида 5,0 cm масофага чиқарилиши лозим.

208. Полиэтилен қувурлар ғилофларда ётқизиладиган жойларда ва ғилоф кийдирилган жойдан иккала томонга 5,0 m масофада ҳамда улар эскирган пўлат газ қувурларига кийдирилиб ўтказиладиган жойларда полиэтилен газ қувурларида пайвандланган ва бошқа усулда бириктирилган жойлар бўлмаслиги лозим.

Уланмаган яхлит қувурлар ётқизишнинг иложи бўлмаганида, қувурлар қўйма қиздиргичлари бор муфталар билан бирлаштирилиши керак.

Учма-уч пайвандлашга йўл қўйилиб, бунда пайванд бирикмаларнинг ҳар бирини физикавий назорат усуллари билан текшириш лозим.

209. Полиэтилен ва пўлат қувурларнинг қувурлар орасидаги жойига ишлатилаётган алоқа, телемеханика, телефон, электрдан муҳофаза қилишнинг дренаж кабелини ётқизишга йўл қўйилмайди.

Ушбу коммуникациялар таъмирланаётган пўлат газ қувури билан унинг ғилофи орасида ётқизилишига йўл қўйилади.

210. Полиэтилен қувурлардан ғилоф қилишга йўл қўйилади. Қувурларнинг йўл остидан ўтказилиш чуқурлиги камида 1,5 m бўлиши лозим.

211. Полиэтилен газ қувурлари арматура ва ускуналар пўлат газ қувурлари каби бўлиши керак. Грунтда (қудуқсиз) полиэтилен жўмракларни ғилофда ёки бошқа муҳофаза қурилмасида, тагига юмшоқ материал солиб жойлаштиришга йўл қўйилади.

212. Газ қувурларининг биноларга кирадиган жойлари пўлат қувурлардан ишланган бўлиши лозим.

213. Бино пойдеворидан полиэтилен газ қувуригача бўлган масофа бўлиши керак:

паст босимли газ учун камида — 1,0 m;

ўрта босимли газ учун — 4,0 m.

214. Полиэтилен қувурларни ГТПга ва комбинациялашган (мураккаб) босим ростлагичларига уланадиган жойгача соколдан киритишга, шунингдек полиэтилен қувурларни ер устидан ўтадиган металл газ қувурларига улаш йўл қўйилади.

Бунда, полиэтилен қувурнинг чиқиш жойи ер сиртидан 0,8 m баландликда ўрнатилган ҳамда у бирикиш тугуни билан биргаликда металл ғилофга ўралган бўлиши керак.

215. Битта хандақга иккита ва ундан ортиқ полиэтилен газ қувурларини, шунингдек полиэтилен қувур билан пўлат газ қувурини биргаликда ётқизишга йўл қўйилади.

Газ қувурлари орасидаги масофа уларни монтаж қилиш ва таъмирлашга имкон берадиган бўлиши керак.

216. Босими 0,6 МРа гача бўлган полиэтилен газ қувурларини пўлат газ қувурлари билан бирлаштирадиган жойларни ажраладиган (фланецли) ва ажралмайдиган (оғзи кенгайтирилиб бириктирилган) қилишга йўл қўйилади.

217. Қисмларга ажраладиган бирикмаларни қудуқларда, ажралмайдиган бирикмаларни ерда ёки қудуқларда жойлаштириш керак.

218. Задвижка ва компенсаторларсиз якка фланецли бирикмаларни бевосита грунтга металл ғилофда жойлаштиришга йўл қўйилади.

219. Қисмларга ажралмайдиган бирикмаларни босими 0,3 МРа дан ошмайдиган газ қувурларига ўрнатилиши лозим.

220. Полиэтилен газ қувурларига шохобчаларни полиэтилендан ясалган бириктириш деталлари ёрдамида ёки пўлат қувурлар воситасида бириктириш лозим.

Ўзаро туташтирувчи пўлат қувурнинг узунлиги камида 0,8 m бўлиши керак.

221. Бир хил диаметрли полиэтилен қувурлардан бошқа диаметрли қувурларга ўтишда, шунингдек газ қувурларининг бурилиш жойларида полиэтилендан ясалган бириктириш деталларини қўйиш лозим.

222. Полиэтилендан ясалган туташтирувчи деталлар бўлмаганида газ қувурларининг бурилиш жойларида агар қувурнинг диаметри 63 mm ва ундан кам бўлса радиуси ташқи қувур диаметридан камида 25 баробар катта бўлган эластик бурилиш қилишга йўл қўйилади.

Шунингдек, диаметри 63 mm гача бўлган паст босимли газ қувурлари учун полиэтилен қувурларида камида 3 баробар катта бўлган эластик бурилиш қилишга йўл қўйилиши, бунда қувурларни қайноқ ҳолда букиш лозим.

223. Газ қувурлари темир йўллар, трамвай йўллари, автомобиль йўллари, каналлар, коллекторлар ва тоннелларни кесиб ўтишда полиэтилен газ қувурларининг металл ғилофларининг бир учида назорат найчалари чиқариб қўйилиши лозим.

224. Полиэтилен қувурларнинг ердан чиқарилган жойларида, тикка ер усти қисмларида, қисмларга ажраладиган бирикмаларнинг қудуқсиз жойлашган жойларида ва устига полиэтилен кийдирилиб тортилган газ қувури бўлимининг бир учида ҳам назорат найлари ўрнатиш керак.

225. Пайванд бирикмаларсиз қувур тортилганда ва бўлимнинг узунлиги 150 m дан катта бўлмаганда назорат найи ўрнатмасликка йўл қўйилади.

226. Полиэтилен газ қувурларини қояли ерларда, чўкувчанлиги I ва II турдаги грунтларда, ўртача ғовакли ва шағал аралашган IV тоифадаги грунтларда, шунингдек пўлат газ қувурларини таъмирлашга полиэтилен қувурларни очиқ жойларга ётқизишда газ қувурлари остига қумли ердан ёки йирик заррачалари (кўпи билан 2,0 mm) бор ғовакмас

грунтдан камида 10 cm қалинликда тўшаш ва устидан худди шу грунтдан камида 20 cm қалинликда солиш керак бўлади.

227. Аҳоли яшайдиган жойлардан ташқарида полиэтилен газ қувурларининг йўлини белгилаш учун бир-биридан кўпи билан 500 m масофада, шунингдек, бурилишларда, шохобчалар ажралган жойларда ва назорат найлари жойлашган жойларда билдирувчи белгилар ўрнатишни ёки газ қувури бўйлаб кесими 2,5 — 4,0 mm² бўлган изоляцияланган (қопламали) алюминий ёки мис сим ётқизилиши лозим.

228. Газ қувури ўтган йўлни белгилаш учун изоляцияланган (қопланган) симдан фойдаланилганда идентификацион белгиларни симнинг ердан чиқарилган жойларига ва назорат найлари ўрнатилган жойларигагина ўрнатишга йўл қўйилади.

Идентификацион белгиларни газ қувури ўқидан 1 m масофада газнинг йўли бўйлаб ўнг томонга жойлаштириш лозим.

229. Газ қувурларини полиэтилен қувурлардан ётқизишни лойиҳалашда уларнинг илонизи шаклида ётқизилиши лозим.

230. Қувур материалини ва пайванд бирикмаларни сифатини назорат қилиш мақсадида озроқ кесиб олинишини ҳисобга олган ҳолда қувурларни 10 фоизгача қўшимча узунликда олиниши лозим.

231. Полиэтилен қувур кийдириб тортиш йўли билан таъмирланадиган газ қувурлари алоҳида қисмлар (секциялар) билан чегараланган бўлиши, уларнинг полиэтилен қувур билан пўлат қувур бирлашган учлари текислаб беркитилиши лозим.

Шундай уланадиган қисмларнинг узунлиги ўрамдаги (барабандаги) яхлит қувурларнинг узунлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланади ва 150 m дан кам бўлмаслиги керак.

232. Газ қувури ўтадиган жойнинг маҳаллий шароитларига, газ қувурини таъмирлашнинг қабул қилинган технологиясига, қуришларнинг зичлиги ва қаватлилигига ҳам бошқаларга боғлиқ равишда қуйидаги талаблар бажарилганда, секцияларнинг узунлигини 500 m гача оширишга йўл қўйилади:

пайванд бирикмалари кам бўлган (3 донагача) қувурлар ишлатиш;

қуйма қиздиргичли муфталар билан бириктириладиган муайян ўлчамдаги қувурлар ишлатиш;

учма-уч пайвандлаб бириктирилган муайян узунликдаги қувурлар ишлатиш, бунда пайванд бирикмаларни назоратнинг физик усуллари билан текшириб кўриш.

233. Катта узунликдаги секциялар учун газ чиқаётганлигини билдирувчи сигнализаторлар ўрнатишга йўл қўйилади.

234. Металл газ қувурларини қайта тикланаётган секцияларни бириктириш жойларида, бир хил диаметрдаги қувурлардан бошқа диаметрли қувурларга ўтишда, қисмларга ажралмайдиган бирикмалар ўрнатишда, бурилишларда, шунингдек пўлат газ қувурларининг полиэтилен қувурлар тортишга имкон бермайдиган четки қисмларида полиэтилен қувурларни очиқ (пўлат газ қувуридан ташқарида) ётқизишга йўл қўйилади.

235. Шаҳарлар ҳудудидан ўтказиладиган, таъмирланадиган газ қувурларининг янгидан лойиҳаланадиган ва очиқ қисмларида шу жойдан газ қувури ўтганлиги сабабли эҳтиёт бўлиш лозимлигини огоҳлантирадиган белгилар (газ қувурининг тепасидан 0,25 m масофада ювилиб кетмайдиган «Газ» сўзи ёзилган полиэтилен сигнал лентаси ва бошқалар) қўйилиши керак.

Муҳандислик коммуникацияларини кесиб ўтиладиган жойларда огоҳлантириш белгиларини қўйиш лозим.

Полиэтилен газ қувурларининг 1,0 m дан камроқ чуқурликда жойлаштирилган ва йўллар остидан ўтказилган очиқ қисмлари ер ишларини бажаришда шикастланишдан муҳофаза қилинган бўлиши керак.

236. Полиэтилен қувурларнинг таъмирланаётган пўлат газ қувурининг ички диаметрига нисбатан максимал ташқи диаметрини камида қуйидагича бўлиши лозим:

пайванд бирикмаларсиз ўрамлардан фойдаланилганда — 20 mm дан кичик;

алоҳида қувурлардан пайвандлаб тайёрланган ўрамлардан фойдаланилганда — 40 mm дан кичик.

237. Пўлат газ қувурларини таъмирлашда полиэтилен газ қувурларининг орасига қўйиладиган пўлат қистирмалар, кириш жойларидаги ва бошқа металл қисмларининг электрокимёвий коррозияланишдан муҳофаза қилиниши лозим.

17-боб. Газ босимини тартибга солиш пунктлари (ГТП) ва газ босимини тартибга солиш қурилмаларини (ГТҚ) лойиҳалаш

1-§. ГТПнинг жойлашуви

238. ГТП қуйидаги жойларга ўрнатилиши лозим:

бинолар ёнига қурилган ёрдамчи биноларга;

бир қаватли ишлаб чиқариш бинолари ёки қозонхоналар ёнига;

бирлаштириб (тақаб) қурилган биноларга;

алоҳида турган биноларга;

газлаштирилган биноларнинг ташқи деворларига ёки ёнмайдиган материалдан ишланган алоҳида турган таянчларга ўрнатилган шкафларга;

оловбардошлик даражаси I ва II даражали бўлган газлаштириладиган ишлаб чиқариш биноларининг ёнмайдиган иссиқлик сақловчи қопламаларида.

239. ГТПни турар-жой ва жамоат биноларининг (ишлаб чиқариш таснифидаги бинолар бундан мустасно) ёнига қурилган иншоотларга, шунингдек биноларнинг ертўласига жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

240. Аҳоли яшайдиган жойларда алоҳида турадиган ГТПни (шкафга ва таянчларга ўрнатиладиган) яшил ўсимликлар зонасига, турар жой кварталларининг ичида 10-жадвалда келтирилгандан ўлчамлардан кам бўлмаган масофада жойлаштириш лозим.

10-жадвал

Босим	Алоҳида турган ГТПдан қуйидаги бино ва иншоотларгача горизонтал бўйича масофа (m)			
Газнинг ГТПга кириш босими, MPa (kgf/cm^2)	Бино ва иншоотлар	Темир йўллар ва трамвай йўллари (энг яқин изгача)	Автомобиль йўллари (чеккасигача)	Ҳаводан электр узатиш симлари
0,6 (6,0) гача	10	10	5	Таянч баландлигига нисбатан камида 1,5
0,6 (6,0) дан 1,2 (12,0) гача	15	15	8	Бу ҳам

Изоҳ:

1. Масофани бино ёки ГТП шкафининг ташқи деворидан, ускуналар очиқ майдончага жойлаштирилганда, тўсиқ четидан ҳисоблаш керак.

2. Жадвал талаблари алоҳида турган бинолар ёки алоҳида турган таянчлар шкафларида жойлашган газ сарфини ҳисобга олиш узелларига ҳам тааллуқли.

Газнинг босими 0,3 MPa гача бўлганда алоҳида турувчи ГТП дан бино ва иншоотгача бўлган масофа меъёрланмайди.

241. Тор шароитларда айрим участкаларда келтирилган бино ва иншоотлардан масофани 30 фоизга қадар камайтиришга йўл қўйилиши, бунда ГТПнинг газ бериш қуввати 10000 m³/h ошмаслиги керак.

242. Газнинг кириш босими 0,6 MPa (6,0 kgf/cm²) бўлган ГТПни оловбардошлик даражаси I ва II бўлган ишлаб чиқариш биноларнинг G ва D тоифадаги хоналари ёнига, шунингдек газлаштириладиган қозонхоналар, ҳаммомлар, кирхоналар, кимёвий тозалаш корхоналари ҳамда шунга ўхшаш бошқа объектларнинг алоҳида турган бинолари ёнига жойлаштиришга йўл қўйилади.

243. Газнинг кириш босими 0,6 МРа (6,0 kgf/cm²) дан юқори бўлган ГТПни оловбардошлик даражаси камида I ва II бўлган ишлаб чиқариш бинолари ва қозонхоналарнинг технология шароитларига кўра, шу босимдаги газдан фойдаланиш зарур бўлган G ва D тоифадаги хоналари ёнига жойлаштиришга йўл қўйилади.

244. ГТП жойлаштириладиган ёрдамчи бинолар асосий бинонинг газ ўтказмайдиган орқа томонидаги яхлит деворига туташтирилган бўлиши керак.

245. Ёнига ёрдамчи бино қуриб ГТП жойлаштириш мўлжалланган ишлаб чиқариш биноларининг оловбардошлик даражаси ва хоналарининг портлаш-ёнишга чидамлилик тоифаси ушбу ШНҚнинг 243-бандида келтирилгандек бўлиши зарур.

Ушбу биноларга бирлаштириб (тақаб) қурилган ГТПда газнинг кириш босими 0,6 МРа (6,0 kgf/cm²) дан кўп бўлмаслиги лозим.

246. Шкафли ГТПни оловбардошлик даражаси камида III даражали бўлган газлаштириладиган ишлаб чиқариш биноларининг (қозонхоналарнинг), қишлоқ хўжаликлари, ишлаб чиқариш таснифидаги маиший хизмат корхоналари биносининг ташқи деворига (ёнувчан иситгичли ва металл қопламли панеллардан қурилган деворлардан ташқари) ўрнатиш лозим, бунда газнинг ГТПга киришдаги босими 0,6 МРа (6,0 kgf/cm²) гача бўлиши керак.

247. Шкафли ГТПни бино деворига бўлган масофа қуйидагича бўлиши лозим:

шкафдан дераза, эшикларгача горизонтал бўйича масофа газнинг киришдаги босими 0,3 МРа (3,0 kgf/cm²) бўлганда камида — 3,0 m;

газнинг киришдаги босими 0,3 МРа дан 0,6 МРа гача (6,0 kgf/cm²) бўлганда камида — 5,0 m;

вертикал бўйича шкафдан дераза ўрнигача бўлган масофа камида — 5,0 m.

248. Газнинг ГТПга киришдаги босими 0,3 МРа (3,0 kgf/cm²) бўлганда ГТП шкафларини турар-жой биноларининг деворига ўрнатишга йўл қўйилади.

Бунда, ГТП шкафидан дераза, эшиккача бўлган масофа камида 3,0 m бўлиши керак.

249. Уйдаги ростлагичлардан дераза, эшик ўрнигача бўлган масофани 1,0 m гача қисқартиришга йўл қўйилади.

Шкафли ГТП ва уй ростлагичларини балконлар тагига ўрнатишга йўл қўйилмайди.

Аҳоли яшаш пунктларидан ташқарида ГТП шкафларини шамоллатиладиган тўсиқларда ёнмайдиган материаллардан 1,6 m баландликда ўрнатишга йўл қўйилади.

250. ГТПнинг алоҳида турувчи бинолари бир қаватли ва оловбардошлик даражаси I, II ҳамда томи бирлаштирилган бўлиши керак.

ГТП барча хоналарининг ғишт девор ва пойдеворларининг бир-бирига туташган четлари тишлатилиб ишланган бўлиши лозим.

ГТП хоналарини бир-биридан ажратувчи деворларини I турдаги ёнғиндан муҳофазаланган ва газ ўтказмайдиган шаклда лойиҳалаш керак.

Ғиштдан терилган ажратувчи деворларни иккала томонидан суваш лозим.

Ёрдамчи хоналардан бинодан ташқарига чиқиш учун технологик хоналар билан боғланмаган алоҳида эшик бўлиши керак.

Ажратувчи деворларда, шунингдек ГТП билан туташ биноларнинг деворларида мўрилар ҳамда вентиляция каналлари лойиҳалашга йўл қўйилмайди.

251. Алоҳида турган, асосий биноларга бирлаштириб (тақаб) қурилган ГТП ростлагичларнинг хонаси А тоифадаги бинолар учун ШНҚ 2.09.02-19 ва ШНҚ 2.01.02-04 талабларига жавоб бериши керак.

ГТП хонасини иситиш зарурлигини иқлим шароитларига, ўтказилаётган газнинг намлигига ва ишлатилаётган ускуналарнинг конструкциясига ҳамда назорат-ўлчов асбобларининг тузилишига боғлиқ ҳолда аниқлаш лозим.

252. Иссиқлик ташувчининг максимал ҳарорати 1300 дан юқори бўлмаслиги, газ ускуналари ҳамда НЎА жойлашган хоналарда ҳаво ҳарорати камида +50° С бўлиши керак.

253. ГТПга маҳаллий иситгич ўрнатишда иситиш қурилмасини изоляцияланган ҳамда ташқарига эшиги бўлган хонага жойлаштириш керак.

Ушбу хона технологик хоналардан, шунингдек ГТПнинг бошқа хоналаридан газ ўтказмайдиган, оловбардошлик чегараси камида 2,5 h бўлган яхлит деворлар билан ажратилган бўлиши лозим.

254. Иситиш қурилмасига газ келадиган қувурда ва иситиш тизимининг қувурларида ростлагичлар турган бино деворларидан ўтиш жойларида газ киришига имконият бермайдиган салникли зичлагичлар ҳамда бошқа турдаги зичлагичлар бўлиши керак.

255. Шкафли ГТПни иситиш учун портлаш-ёнғин чиқиш хавфсизлиги таъминланган тақдирда газ горелкаларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

256. ГТПнинг барча хоналарида табиий ва сунъий ёритилишни, доимо ишлаб турадиган, ҳавонинг 1 h да камида уч марта алмашинишини таъминлайдиган табиий вентиляция таъминланган бўлиши лозим.

2-§. ГТҚнинг жойлашуви

257. ГТҚни газнинг кириш босими 0,6 MPa (6,0 kgf/cm²) ва ростлаш линияси кўпи билан иккита бўладиган қилиб лойиҳалаш лозим.

258. Газлаштириладиган биноларда ГТҚ қозонхона ва цехларнинг газдан фойдаланадиган агрегатлари турадиган хоналарда газ қувури кирган жойга яқин жойларга ёки шу хоналар ёнидаги ҳамда улар билан очиқ туташган ва ҳаво 1 h да камида уч марта алмашинадиган хоналарга жойлаштириш керак.

259. ГТҚни А ва В тоифадаги хоналарга жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

ГТҚни автоматик ёнғин ўчириш тизими ва ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган, узлуксиз ишлайдиган сунъий вентиляция билан жиҳозланган тақдирда «V» тоифадаги хоналарга ҳам жойлаштиришга йўл қўйилади.

Шкафли ГТҚни бевосита қозонхоналарга ёки цехларнинг газдан фойдаланадиган агрегатлари мавжуд хоналарга жойлаштиришга йўл қўйилади.

260. ГТҚ қурилмалари механик шикастланишдан муҳофазаланган, ГТҚ жойлаштирилган жой эса ёритилган бўлиши керак.

261. ГТҚни зинапоялар остига жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

262. Газни битта ГТҚдан битта бинонинг бошқа хоналарида жойлашган ва битта корхона ҳудудидаги алоҳида турган бинолардаги газдан фойдаланадиган агрегатларга беришга йўл қўйилади.

Бунда, бу агрегатлар газнинг бир хил босим режимида ишлайдиган бўлиши лозим.

3-§. ГТП ва ГТҚ ускуналари

263. ГТП ва ГТҚда қуйидагилар бўлиши керак:

фильтр, сақловчи беркитиш клапани (СБК);

газ босими ростлагичи;

сақловчи чиқариш клапани (СЧК);

беркитувчи арматура;

назорат-ўлчов асбоблари (НЎА);

газ сарфини ҳисобга олиш асбоблари;

айланма газ қувурлари (байпаслар) қурилмаси.

264. Шкафли ГТПларда СЧКни шкаф ташқарисига ўрнатишга йўл қўйилади.

265. Ишлаб чиқариш шароитларига кўра газ узлуксиз берилиши лозим бўлса, саноат корхоналарининг ГТП ва ГТҚда СБК ўрнатмасликка йўл қўйилади.

Бунда, газ босимининг йўл қўйилган чегарадан ортиб ёки камайиб кетганлиги ҳақида хабар берувчи сигнализация ўрнатилиши лозим.

Агар корхонага газ ГТП орқали юбориладиган бўлса ва газ қувурининг ГТПдан ГТҚгача бўлган узунлиги 1000 м дан ортиқ бўлмаганда ГТҚда фильтрлар ўрнатиш зарур.

266. Айланма газ қувурида (байпасда) кетма-кет жойлашган иккита беркитиш қурилмаси жойлаштирилиши лозим.

267. Айланма газ қувурининг диаметри газ босими ростлагичи клапанининг эгари диаметридан кичик бўлмаслиги керак.

Газнинг кириш босими 0,6 МРа дан (6,0 kgf/cm²) катта ва газ ўтказиш қобилияти 5000 m³/h дан юқори бўлган ГТП учун байпас ўрнига қўшимча захира ростлаш линияси ўтказилиши лозим.

268. ГТП ва ГТҚда босим ростлагичини истеъмолчилар сарфлайдиган газнинг ҳисобий максимал миқдори ва талаб қилинадиган босим фарқи асосида танлаш керак.

Босим ростлагичининг энг катта босим чегарасини газнинг ҳисобий максимал сарфидан 15 — 20 фоиз ортиқ қабул қилиш лозим.

269. Саноат корхоналарининг ГТПда газнинг максимал ҳисобий сарфи 50000 m³/h бўлганда ростловчи қурилма сифатида ростловчи клапанлар ишлатишга йўл қўйилади.

270. СКБни босим ростлагичидан олдинда ўрнатиш керак.

271. СЧКдан олдин беркитувчи қурилма бўлишини мўлжаллаш керак.

272. СЧК чиқариб юбориши лозим бўлган газ миқдорини қуйидагича аниқланади:

босим ростлагичидан олдин СБК бўлганида қуйидаги формуладан:

$$Q > 0{,}0005Q_d;$$

Бу ерда:

Q — СЧК бир ҳ давомида чиқариб юбориш лозим бўлган газ миқдори, m³/h (0° С ва 0,10132 МРа босимда);

Q_d — босим ростлагичининг ҳисобий ўтказиш қобилияти (0° С ва 0,10132 МРа босимда).

Босим ростлагич олдида СБК бўлмаганида, қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:

золотникли клапанлари бор босим ростлагичлари учун

$$Q > 0{,}01 \cdot Q_d;$$

электрон ростлагичли ростловчи клапанлар учун

$$Q > 0{,}002 \cdot Q_d;$$

273. ГТПда (ГТҚ) бир-бирига параллел равишда бир неча босим ростлагичлари ўрнатиш зарур бўлганда СЧК чиқариб юбориши керак бўлган газнинг миқдорини қуйидаги формуладан аниқлаш лозим:

$$Q^1 > Q \cdot n$$

Бу ерда:

Q^1 — СЧК бир ҳ давомида чиқариб юбориши лозим бўлган газнинг умумий миқдори, m³/ h (0° С ва 0,10132 МРа да);

Q — газ босими ростлагичларининг сони, дона;

n — СЧК бир соат давомида ҳар қайси ростлагичдан чиқариб юбориши лозим бўлган газ миқдори, m³/h (0° S ва 0,10132 МРа да).

274. ГТҚ ва ГТПда газнинг кириш ва чиқиш босими ҳамда ҳароратини кўрсатувчи ва қайд қилувчи асбоблар ўрнатилиши, шкафли ГТПда қайд қилувчи асбоблар ўрнатилмасликка йўл қўйилади.

275. Газ сарфи ҳисобга олинмайдиган ГТП ва ГТҚда ҳароратни ўлчаш учун қайд қилувчи асбоб бўлмаслигига йўл қўйилади.

276. ГТТЖАБТ ва ТМ таркибига кирувчи ГТПда ҳамда бошқа ГТҚ ва ГТПда уларнинг функционал вазифаси ҳамда газ таъминоти тизимида жойлашган ўрнига қараб газ босимини қайд қилувчи асбоблар (датчик) ўрнатмасликка йўл қўйилади.

277. ГТП ва ГТҚда хаво билан тозалаш ва чиқариб юбориш қувурлари бўлиши лозим.

278. Ҳаво билан тозалаш қувурларини қуйидагича жойлаштириш керак:

кирувчи газ қувурида биринчи беркитувчи қурилмадан кейин;

айланма газ қувурида (байпасда) иккита беркитувчи қурилмалар орасида;

газ қувурининг профилактик кўздан кечириш ва таъмирлаш ишлари учун беркитиб қўйиладиган ускунали қисмларида.

279. Тозалаш қувурининг шартли диаметри камида 20 mm бўлиши керак.

280. Бир хил босимли тозалаш қувурларини умумий тозалаш қувурига бирлаштиришга йўл қўйилади.

281. СЧКдан газни олувчи чиқариб юбориш қувурининг шартли диаметри клапаннинг чиқиш найининг шартли диаметрига тенг ёки катта бўлиши керак.

282. Ҳаво билан тозалаш ва чиқариб юбориш қувурларини ташқарига газнинг тарқалиши учун хавфсиз бўлган жойга чиқариш ҳамда бино пештоқидан камида 1,0 m баландда бўлиши лозим.

283. Қувурларнинг учларида сувларнинг қувурларга тушишининг олдини оладиган қурилма бўлиши лозим.

284. Шкафли ГТП СЧКдан ва таянчларга ўрнатиладиган уйғунлашган (комбинация) босим ростлагичларидан газ олувчи қувурларни ер сатҳидан камида 4,0 m баландликда, шкафли ГТП ва мураккаблашган босим тартиблагичлари бино деворига жойлаштирилганда эса бино пештоқидан 1,0 m баландда бўлиши керак.

285. Электр сигналли НЎАларни бинонинг портлаш хавфи бор зонасидан ташқарида ёнмайдиган материаллардан тайёрланган шкафда ёки ГТП хонасининг ёнғиндан муҳофаза қилинган деворида жойлаштирилиши лозим.

Мазкур хонага импульсли газ қувурларини ажратгич қурилмалар орқали киритиш керак.

286. Ажратгич қурилмалари конструкцияси НЎА хонасига газ кирмаслигини таъминлаши лозим.

287. Ажратгич қурилмаларнинг ўрнига ҳар қайси импульсли газ қувурида тешигининг диаметри кўпи билан 0,3 mm бўлган дроселлаш шайбалари ўрнатишга йўл қўйилади.

288. Импульсли газ қувурларида дроселлаш шайбаларини газ сарфини ўлчагичга ўрнатишга йўл қўйилмайди.

289. Импульсли газ қувурлари НЎА хонасини ажратиб турадиган девор орқали ўтган жойларда газ киришга йўл қўймайдиган салник (мустаҳкамловчи ҳалқали) зичлагичлар қўйилиши лозим.

290. ГТП хонасига кириладиган асосий йўлакнинг ва ГТҚга хизмат кўрсатиладиган йўлакнинг кенглиги энг камида 0,8 m бўлиши керак.

291. Баландлиги 1,5 m дан юқорида жойлашган ускуналарга хизмат кўрсатиш учун тутқичли зинапоялари бор майдончалар лойиҳалаштирилиши лозим.

292. Йўлларда (каналларда) арматура, ускуналар, шунингдек фланецли ва резьбали бирикмалар ўрнатишга йўл қўйилмайди.

293. ГТПнинг кириш ва чиқиш газ қувурларини ер устидан биноларнинг ташқи девори орқали ғилоф кийдирилган ҳолда ўтказилиши лозим.

294. Ер ости кириш ва чиқиш газ қувурларини ушбу ШНҚнинг 8-боби талабларига мувофиқ ётқизиш керак.

295. ГТПнинг электр ускуналари ва электр билан ёритилишини Электр қурилмаларини ўрнатиш қоидалари талабларига ва ушбу бобда белгиланган талабларга мувофиқ лойиҳалаш лозим.

296. Аҳоли яшайдиган жойлардаги ГТПнинг электр таъминотини ишончлилиги жиҳатдан 3-тоифага киритиш лозим.

297. ГТП учун ИИ тоифадаги яшиндан муҳофаза қурилмаси бўлиши лозим.

298. ГТП биносига электр билан таъминлаш ва алоқа тармоқларини II тоифадаги яшиндан муҳофаза қилиш объектларидаги каби кабел билан киритиш керак.

299. Телефон алоқа мавжуд бўлса, телефон аппаратини ростлагичлар турган хонадан ташқарида ёки бинонинг ташқарисида бекиладиган қутида ўрнаш лозим.

300. Телефон аппаратини ростлагичлар турган хонанинг бевосита ўзида портлашдан муҳофаза қилинган ҳолда ўрнатишга йўл қўйилади.

4-§. Мураккаб тартиблагичларни жойлашиши

301. Мураккаб газ босими тартиблагичларини ёнмайдиган материаллардан ясалган таянчларга ёки оловбардошлик даражаси III дан кам бўлган газлаштирилган биноларнинг ташқи деворларига ўрнатиш керак.

Ушбу тартиблагичларни металл қопланган ва орасига ёнувчан иситгич солинган панелли деворларга ёки биноларнинг ичига (турар-жой бинолари ва ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлмаган бинолар бундан мустасно) ўрнатишга йўл қўйилмайди.

302. Мураккаб босим тартиблагичига газнинг кириш босими қуйидагилардан катта бўлмаслиги керак:

турар-жой бинолари ва ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлмаган жамоат бинолари учун газлаштирилган биноларнинг деворига ўрнатилганда 0,3 MPa (3,0 kgf/cm²) алоҳида турган таянчга ўрнатилганда 0,6 MPa (6 kgf/cm²);

саноат корхоналари (қозонхоналар) учун биноларнинг деворига ўрнатилганда 0,6 MPa (6,0 kgf/cm²) ва алоҳида турган таянчга ўрнатилганда 1,2 MPa (12,0 kgf/cm²).

303. Мураккаб босим тартиблагичларини газ қувурининг ётиқ қисмида кўпи билан 2,2 m баландликда ўрнатиш лозим.

304. Бино деворига ўрнатилган мураккаб босим тартиблагичидан дераза, эшик ва бошқаларгача бўлган масофа қуйидагилардан кам бўлмаслиги лозим:

газнинг тартиблагичга киришдаги босими кўпи билан 0,3 MPa (3,0 kgf/cm²) бўлганда тик ҳолда 1,0 m ва ётиқ ҳолда 3,0 m;

тартиблагичга киришдаги газ босими 0,3 Mpa;

3,0 kgf/cm² дан катта бўлганда тик ҳолда 3,0 m ва ётиқ ҳолда 5,0 m.

305. Мураккаб босим тартиблагичларини балконлар остига ўрнатишга йўл қўйилмайди.

306. Таянчга ўрнатилган мураккаб босим тартиблагичидан бино ва иншоотларгача бўлган масофани босимдаги газ қувуридан шу биноларгача бўлган масофа каби қабул қилиш лозим.

307. Мураккаб босим тартиблагичларини газлаштирилган ишлаб чиқариш бинолари ичига жойлаштиришда мазкур ШНҚнинг 257 — 261-бандларидаги талабларга амал қилиш лозим.

18-боб. Газ таъминотининг ички қурилмалари.

1-§. Умумий талаблар

308. Ушбу бобдаги талаблар турли мақсадларга мўлжалланган бино ва иншоотларнинг ичида жойлаштириладиган газ қувурлари ҳамда газ ускуналарини лойиҳалашга татбиқ этилади.

309. Бино ва иншоотларнинг ички газ таъминоти лойиҳалари ЎзДСт-734:2023 талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

310. Газда ишловчи ускуналар (плита, сув иситиш қозонлари, иситгич ва бошқалар) ўрнатилиши лозим бўлган хоналардаги газ қувурларига SO, SO_2, SN_4 ва ис гази концентрациясини ўлчовчи ҳамда газни манбадан ёпиш клапани билан жиҳозланган автоматик газосигнализаторлар ўрнатилиши лозим.

2-§. Газ қувурларини ётқизиш

311. Бино ва иншоотлар ичига ётқизиладиган газ қувурлари мазкур ШНҚнинг 23-боби талабларига жавоб берадиган пўлат қувурлардан ётқизилиши керак.

312. Кўчма агрегатлар, газ горелкалари (ёнғич), газ асбоблари, НЎА ва СУГ автоматика асбобларини ва балонларини газ қувурларига резинадан ва резина аралашган газламадан тайёрланган енглар ёрдамида улашга йўл қўйилади.

313. Енг танлашда уларнинг берилган босим ва ҳароратда ўтаётган газга чидамли бўлиши лозим.

Бунда, шлангларнинг ички диаметри 10 mm дан кам бўлмаган, узунлиги 1,5 m дан ошмаган ва «газ» сўзи билан маркаланган бўлиши лозим.

314. Газ ҳисоблагичлар, иссиқлик таъминоти ва иссиқ сув таъминоти қозонлари ҳамда газ плиталарни кўп қаватли уйларда, шунингдек тор шароитларда ўрнатишда ҳисоблагичларни қувурларга улаш жойларида эгилувчан металл қувурлардан фойдаланишга рухсат этилади.

Металл қувурлар икки томонлама муфталар билан мустаҳкамланганда, у қўшимча резьбали ва пайвандланган бўғинларга эга бўлмаслиги керак.

315. Қувурларни бир-бирига улашда пайвандлаб бириктириш керак.

Фақат беркитувчи арматура, газ асбоблари, НЎА, босим ростлагичлари ўрнатиладиган жойлардагина қисмларга ажраладиган (резьбали ва фланецли) бирикмаларни қўллашга йўл қўйилади.

316. Газ қувурларининг қисмларга ажраладиган бирикмалари ўрнатилган жойлар уларни кўздан кечириш ва таъмирлашга имкон берадиган бўлиши керак.

317. Бино ва иншоотларнинг ичида газ қувурларини очиқ ҳолда ўтказилиши лозим.

СУГ газ қувурлари ва турар-жой бинолари ҳамда ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлмаган жамоат бинолари ичидан ўтказилган газ қувурларидан ташқари барча газ қувурларини деворларнинг ариқчаларидан ўтказиб, устини осон олинадиган, ҳаво алмаштириш учун тешиклари мавжуд шитлар (тўсиқ) билан беркитиб қўйилиши лозим.

318. Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш биноларида, шунингдек қозонхоналарда, ишлаб чиқаришга мўлжалланган маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда тажрибахоналарнинг биноларида алоҳида агрегатларда ва газ асбобларига келадиган газ қувурларини яхлит қурилмали полдан ўтказилиши ҳамда устини цемент қоришмаси билан текислаб беркитиш керак.

Бунда, қувурларни сув таъсирига чидамли мойли ёки нитроэмал бўёқлар билан бўяб қўйиш лозим.

319. Газ қувурининг полга кириш ва чиқиш жойларига ғилофлар кийдирилиши, бунда ғилофларнинг учи полдан камида 5,0 cm чиқиб туриши зарур.

320. Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш биноларида газ қувурларини полдаги ариқчаларга ётқизиб, устидан қум тўкиш ва плиталар билан беркитиб қўйилиши лозим.

Ариқчаларнинг тузилиши газнинг пол тагига тарқалишига йўл қўймайдиган бўлиши керак.

321. Ишлаб чиқариш шароитига кўра ариқчаларга қувурларнинг коррозияланишига сабаб бўладиган моддалар тушиши эҳтимоли бўлган жойларда газ қувурларини ариқчаларга ётқизишга йўл қўйилмайди.

322. Газ қувурлари ётқизишга мўлжалланган ариқчалар бошқа ариқчалар билан кесишмайдиган бўлиши лозим.

323. Ариқчалар бир-бири билан кесишиши зарур бўлганда зичловчи туташтиргичлар ўрнатишни ва газ қувурларини пўлат қувурлардан ҳамда ғилофда ётқизилиши зарур.

324. Ғилофларнинг учлари туташтиргичлар чегарасидан иккала томонга 30 cm дан чиқиб туриши керак.

325. Газ қувурларини умумий таянчларда бошқа қувурлар билан биргаликда ётқизишда уларни бошқа қувурлардан тепада, кўздан кечириш ва таъмирлашга имкон берадиган масофада жойлаштириш лозим.

326. Газ қувурларини газдан фойдаланилмайдиган ишлаб чиқариш бинолари орқали тўғридан-тўғри ўтказишга паст ва ўрта босимли газ қувурлари учунгина йўл қўйилади.

327. Қуйидаги ҳолларда газ қувурини ўтказишга йўл қўйилмайди:

ёнғин чиқиш ҳамда портлаш хавфи бўйича А ва В тоифага кирувчи хоналарда;

хоналарнинг портлаш хавфи бор зоналарда;

портловчи ва ёнувчи материаллар сақланадиган омборхоналарда;

подстанциялар ва тақсимлаш қурилмалари жойлашган хоналарда;

вентиляция камералари, шахталар ва каналларда;

лифтларнинг шахталарида;

чиқинди йиғиладиган хоналарда;

мўриларда;

коррозияланиши эҳтимоли бўлган хоналарда;

агрессив моддалар таъсир этиши эҳтимоли бўлган жойларда;

қайноқ ҳолдаги ёниш маҳсулотлари, қизиган ёки суюқланган металл тегиши эҳтимоли бўлган жойларда.

328. Ҳаво ҳарорати 3 °С дан пасайиши эҳтимоли бўлган хоналардан ўтказиладиган нам газ ўтадиган қувурларда ёнмайдиган материаллардан тайёрланган иссиқлик изоляцияси бўлиши керак.

329. Саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш хоналаридаги газ қувурларида қуйидаги жойларда беркитувчи қурилмалар бўлишини лойиҳалаш лозим:

газ қувурининг хонага кириш жойида;

ҳар қайси агрегатга борадиган шохобчаларда;

ёнғичлар ва ўт олдиргичлар олдида;

ҳаво билан тозалаш қувурларида;

газ қувурларига бириккан жойларда.

Ариқчаларга, бетон полга ёки девор ариқчаларига ётқизилган газ қувурларига арматура ўрнатишга йўл қўйилмайди.

330. Турар-жой биноларида газ қувурларини одамлар турмайдиган хоналардан ўтказиш керак.

Мавжуд ва таъмирланадиган турар-жой биноларида паст босимли газ қувурларини одамлар турадиган хоналардан тўғри ўтказиб юборишга йўл қўйилади.

Бунда, одамлар турадиган хоналардан тўғри ўтказиб юбориладиган газ қувурларида резьбали бирикмалар ва арматура бўлмаслиги керак.

Турар-жой хоналарида, санузелларда газ қувурининг устунларини қўйишга йўл қўйилмайди.

331. Турар-жой ва жамоат биноларидан (умумий овқатланиш ҳамда ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган маиший хизмат кўрсатиш корхоналари бундан мустасно) ўтказилган газ қувурларининг қуйидаги жойларида беркитувчи қурилмалар ўрнатилиши керак:

беш ва ундан кўп қаватга хизмат қиладиган устунларда;

ҳисоблагичлар олдидан (агар ҳисоблагичларни узиб қўйиш учун газ кириш жойидаги беркитувчи қурилмадан фойдаланиб бўлмаса);

ҳар қандай газ асбоби, печка ёки қурилма олдидан;

иситиш печкалари ёки асбобларга газ келадиган шохобчаларда.

332. Овқат пиширилади ган қозонлар, иситиш печкалари ва шунга ўхшаш ускуналарга келадиган газ қувурларида кетма-кет иккита беркитувчи қурилма ўрнатилиши лозим:

умумий ускунани ўчириш учун;

ёнғичларни ўчириш учун.

333. Қурилмада ёнғичлар олдидан беркитувчи қурилма қўйилган газ асбобларига (газ плиталари, сув иситгичлар, печка горелкалари ва бошқаларга) келадиган газ қувурларида битта беркитувчи қурилма ўрнатиш лозим.

334. Устунларни (стоякларни) узиб қўйиш учун мўлжалланган қурилмаларни бинонинг ташқарисига ўрнатиш зарур.

335. Газ қувурлари ҳаво алмаштириш панжараларини, дераза ва эшик ўринларини кесиб ўтмайдиган бўлиши лозим.

336. Ишлаб чиқариш хоналарида шиша блокли ёруғлик тушадиган жойларни қувур кесиб ўтишига, шунингдек газ қувурларини очилмайдиган деразалар кесакиси бўйлаб ўтказишга йўл қўйилади.

337. Газ қувурлари билан хона ичида жойлашган электр таъминоти муҳандислик коммуникациялари орасидаги масофани улар бир-бирига яқинлашадиган ва кесишадиган жойларда Электр қурилмаларини ўрнатиш қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

338. Одамлар ўтадиган жойларда газ қувурларини ердан қувурнинг тагигача, иссиқликни муҳофаза қилиш қопламаси бўлганда қопламанинг тагигача камида 2,2 m бўладиган баландликда ўтказиш лозим.

339. Очиқ ўтказиладиган газ қувурларини биноларнинг деворларига, устунларга ва бино ичидаги қаватлараро ёпмаларга, қозонлар, бошқа ишлаб чиқариш агрегатларининг синчларига кронштейнлар, қисқичлар, қайрилма қозиқлар ёки илмоқлар ёрдамида ва газ қувурини ҳамда унга ўрнатилган арматурани кўздан кечириш ва таъмирлашга имкон берадиган масофада маҳкамланиши зарур.

Шунингдек, бурилиш, тармоқланиш ва арматуралаш жойларида газ қувурларини маҳкамланиши керак.

340. Нам газ ўтадиган газ қувурларини (паст босимли СУГ буғ фазасидан ташқари) камида 3 фоиз қия қилиб ўтказиш лозим.

341. Қурилиш қурилмалари кесишадиган жойларда тик газ қувурларини ғилоф кийдириб ётқизиш, ғилоф учларининг камида 10 cm жойини смола шимдирилган лоск ёки бошқа эластик материаллар билан зич қилиб беркитиш керак.

342. Ғилофнинг учи полдан камида 5 cm чиқиб туриши, бунда ғилоф учининг диаметри газ қувури билан ғилоф орасидаги доиравий тирқиш белгиланган диаметри 32 mm дан кам бўлган газ қувурлари учи камида 5 mm ва катта диаметрли газ қувурлари учун 10 mm бўладиган қилиб танланиши керак.

343. Ички, хандақларга ётқизиладиган газ қувурларини бўяш лозим. Бўяш учун сув таъсирига чидамли лок-бўёқ материаллар бўлиши керак.

344. Газ асбоблари ва газ ёнувчи қурилмаларини газ қувурларига маҳкам қилиб бириктириш лозим.

345. Газ қувурларига газ асбоблари, тажрибахона горелкалари, саноат корхоналарининг цехларида ўрнатиладиган кўчма газ ёнғичли қурилмалар ҳамда агрегатларни беркитувчи жўмракдан кейин резина аралашган газламадан тайёрланган енглар ёрдамида улашни лойиҳалаштиришга йўл қўйилади.

346. Маиший газ асбоблари ва тажрибахона горелкаларини газ қувурига улайдиган резина-газламали енгларда уланган жойлар бўлмаслиги керак.

347. Саноат корхоналари (қозонхоналар), ишлаб чиқариш хусусиятли маиший хизмат кўрсатиш корхоналаридаги газ қувурларида газ кирган жойдан энг узоқ жойлашган қисмларида, шунингдек ҳар қайси агрегатга борадиган шохобчаларда газнинг йўли бўйлаб энг охирги беркитувчи қурилмадан олдин ҳаво билан тозалаш қувурлари бўлиши керак.

348. Газ босими бир хил бўлган газ қувурларидаги ҳаво билан тозалаш қувурларини бирлаштиришга йўл қўйилади (зичлиги ҳавонинг зичлигидан катта бўлган газлар учун мўлжалланган ҳаво билан тозалаш қувурлари бундан мустасно).

Ҳаво билан тозалаш қувурининг диаметри камида 20 mm бўлиши керак.

349. Намуна олиш учун ўт олдиргич уланадиган штуцердан фойдаланишнинг иложи бўлмаса, беркитувчи қурилмадан кейин ҳаво билан тозалаш қувурида намуна олиш учун жўмракли штуцер ўрнатиш керак.

Алоҳида ҳолларда (кесиш ва пайвандлаш жойлари, кичикроқ саноат печкалари учун) диаметри 32 mm дан катта бўлмаган газ қувурида ҳаво билан тозалаш қувурлари ўрнига яхлит қопқоқли беркитиш қурилмаси ўрнатиш лозим.

350. Ҳаво билан тозалаш қувурларининг учларидан оқова ҳаво алмаштирувчининг беркитувчи қурилмасигача бўлган масофа камида 3 m бўлиши керак.

3-§. Турар-жой биноларининг газ таъминоти

351. Турар-жой биноларига газ плиталарнинг баландлигини камида 2,2 m бўлган ошхоналарга жойлаштирилиши, бунда ошхонада дарчали (фрамугали) дераза, ҳаво алмаштириш йўли (мўри) ҳамда табиий ёритилиш мавжуд бўлиши зарур.

Газ плитаси ўрнатиладиган ошхонанинг ички ҳажми қуйидагича бўлиши лозим:

2 та ёнғичли газ плитаси ўрнатилганда.....8 m^3;

3 та ёнғичли газ плитаси ўрнатилганда.....12 m^3;

4 та ёнғичли газ плитаси ўрнатилганда .....15 m^3.

352. Мавжуд турар-жой биноларида газ плиталарини қуйидаги ҳолларда ўрнатишга йўл қўйилади:

баландлиги камида 2,2 m ва ҳажми мазкур ШНҚнинг 533-бандида келтирилганидан кам бўлмаган ошхоналарда, уларда ҳаво алмаштириш йўли бўлмаса ва мўридан шундай йўл сифатида фойдаланишнинг иложи бўлмаса ҳам деразасининг юқори қисмида дарчали (форточка) ёки фрамугали кўзи бўлганда;

деразаси бор шахсий фойдаланиладиган йўлакларда, бунда плита билан қарама-қарши девор орасида эни камида 1,0 m ўтадиган жой ва турар-жой хоналари эса йўлакдан зич тўсиқлар ва эшик билан ажратилган бўлганда.

Ўрта қисмининг баландлиги камида 2,0 m бўлган қия шипли хоналарда газ ускуналарини ошхонанинг баландлиги камида 2,2 m бўлган томонига ўрнатилиши лозим.

353. Турар-жой биносидан ташқарида жойлашган биноларга газ асбобларини (газ плиталари, иситиш асбоблари ва бошқалар) ўрнатиш мумкин бўлган хоналар асбоблар жойлаштиришга мўлжалланган турар жой биноларига қўйиладиган талабларга мос бўлиши керак.

354. Кўп қаватли турар-жой биноларида газ плиталари ва газли сув иситиш ускуналарини жойлаштиришга 16 қаватгача (16-қават ҳам) йўл қўйилади.

Функционал ёнғин хавфи бўйича F1.3 синфга кирувчи газлаштирилган бинолар автоматик ёнғин ҳақида хабар бериш тизимлари билан жиҳозланиши лозим.

355. Қаттиқ ёки суюқ ёқилғига мўлжалланган, заводда тайёрланган кичик ўлчамли иситиш қозонларини газ ёқилғига ўтказишга йўл қўйилади.

Газ ёқилғига ўтказиладиган иситиш қурилмалари мазкур ШНҚнинг 23-бобида белгиланган талабларга мувофиқ хавфсизлик автоматикаси бор газ-ёнғич қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

356. Газ асбобларини мўриларга бирлаштиришда ҚМҚ 2.04.05-97 талабларга мувофиқ бўлиши, газ асбобларидан чиқиб кетаётган газларнинг ҳарорати 500° С дан юқори бўлмаганида мўриларни асбоцемент қувурлардан тайёрлашга йўл қўйилади.

357. Умумий иссиқлик қуввати 30 kW гача бўлган сув иситгичлар, иситиш қозонлари ва иситиш асбобларини ошхоналарга ҳамда мазкур ШНҚнинг 368, 369-бандларидаги талабларга жавоб берадиган хоналарга ўрнатилиши, бунда мазкур асбобларни ваннахоналарга ўрнатишга йўл қўйилмайди.

358. Мавжуд турар-жой биноларида умумий иссиқлик қуввати 30 kW гача бўлган иситиш газ асбоблари мазкур ШНҚнинг 368 ва 369-бандларидаги талабларга мувофиқ шахсий фойдаланиш йўлакларига ўрнатишни мўлжаллашга йўл қўйилади.

359. Газ горелкалари ёки арматуранинг чиқиб турган қисмларидан қарама-қарши деворгача бўлган масофа камида 1,0 m бўлиши керак.

360. Турар-жой биноларида газ қозонлари (сув иситгичлар), уларнинг иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун умумий иссиқлик қуввати 30 kW дан 150 kW гача бўлганда, қуйидаги талабларга мувофиқ алоҳида хоналарга жойлаштириш лозим:

баландлиги 2.2 m дан кам бўлмаган;

ҳажми ва юзаси қурилмаларни жойлаштириш ва ишлатиш учун қулай бўлган ва ҳажми 15 m^3 дан кам бўлмаган;

табиий ёруғлик мавжуд бўлган хона ҳажмининг ҳар бир 1 m^3 га 0.03 m^3 ойнали дераза ҳисобидан;

газнинг ёқилиши учун қозонларнинг (сув иситгичларнинг) 1 kW умумий қувватига нисбатан 0.005 m^2 бўлган тирик кесимнинг умумий юзаси ҳисобидан ойнали деразада ёки ташқи деворда ёпилмайдиган туйнук ёки панжарали туйнук бўлиши лозим.

Газ қувурининг тўғридан-тўғри ўтхонага кириши таъминланиши керак.

361. Хоналарнинг қурилиш конструкциялари билан маиший газ плиталари ва иситиш ускуналари орасидаги масофа бу ускуналарнинг паспорти ёки йўриқномалари бўйича ҳисобланиши зарур.

362. Маиший газ плиталарини ўрнатиш уларнинг паспорти ёки йўриқномаларида алоҳида кўрсатмалар мавжуд бўлмаган ҳолда қуйидагича бўлиши лозим:

газ плитасини ёнғинга чидамли материалли девордан (ён томондаги девордан) 6,0 cm узоқликда;

ёнувчи материаллар ишлатилган деворларнинг плитани ўрнатиш қисмлари ёнмайдиган материаллар билан изоляция қилиниши (гипс, қалинлиги камида 3 mm бўлган том ёпиш туникаси);

девор изоляцияси полдан бошланиб плита ўлчамларидан ҳар томондан 10 cm ва юқори қисмидан камида 80 cm катта бўлиши.

363. Иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун деворга ўрнатиладиган газ ускунасини ўрнатиш уларнинг паспорти ёки йўриқномаларида алоҳида кўрсатмалар мавжуд бўлмаган ҳолда қуйидагича бўлиши лозим:

ёнғинга чидамли материалли девордан (ён томондаги девордан) 2,0 cm узоқликда;

ёнмайдиган материаллар билан изоляция қилинган (гипс, қалинлиги камида 3 mm бўлган том ёпиш туникаси) қийин ёнувчи ва ёнувчи материалли девордан камида 3,0 cm узоқликда;

изоляция газ ускунасининг корпус ўлчамларидан 10 cm га ва юқоридан 70 cm га чиқиб туриши.

364. Хонадонларни иситиш учун полда ўрнатиладиган газ ускунаси билан ёнғинга чидамли материалли девор орасидаги масофа камида 10 cm, изоляция қилинмаган қийин ёнувчан ва ёнувчан материаллардан ясалган деворлардан 25 cm дан ортиқ масофада ўрнатишга йўл қўйилади.

365. Оқава сув иситгич билан газ плитанинг чиқиб турган қисмлари орасидаги горизонтал масофани камида 10 cm бўлиши лозим.

366. Ошхонага газ плитаси ва оқава сув иситгич ўрнатишда ошхонанинг ҳажмини ушбу ШНҚнинг 351-бандига мувофиқ бўлиши керак.

367. Ошхонага газ плитаси ва сиғимли сув иситгич, газ плитаси билан иситиш қозони ёки иситиш аппарати (хонани иситиш ва сув иситувчи) ўрнатишда ошхонанинг ҳажми ушбу ШНҚнинг 365-бандида келтирилган ҳажмдан 6,0 m^3 катта бўлиши зарур.

368. Ёниш маҳсулотларини мўрига чиқариб юбориш мўлжалланган газ билан сув иситгич, шунингдек иситиш қозони ёки иситиш асбоби жойлаштириладиган хонанинг баландлиги камида 2,0 m, ҳажми битта асбоб жойлаштирилганда камида 7,5 m^3, иккита иситиш асбоби жойлаштирилганда эса камида 13,5 m^3 бўлиши керак.

369. Қозонлар, асбоблар ва газ билан сув иситгичлар ўрнатиладиган ошхона ёки хонада ҳаво алмаштириш йўли бўлиши, ҳаво келиб туриши учун қўшни хонага чиқиладиган эшик ёки деворнинг пастки қисмида эшик билан пол орасида кесими камида 0,02 m^2 бўлган панжара ўрнатилиши ёки тирқиш қолдирилиши лозим.

370. Газ асбобларини бинонинг ертўла хоналарида, СУГ газ таъминотида эса ҳар қандай бинонинг ярим ертўла хоналарида ва сокол қаватларида жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

371. Турар-жой биноларидаги ертўлаларга иситиш газ ускуналари жойлаштиришга йўл қўйилади. Бунда, қуйидагилар бажарилиши лозим:

хонага тўғридан-тўғри газ қувурларини киритилиши;

хона табиий ёритилган бўлиши;

хонада бошқа хоналар билан боғловчи эшик, дераза ва бошқалар бўлмаслиги;

ташқарига очиладиган эшик орқали кўчага (ҳовлига) чиқадиган алоҳида йўл бўлиши;

газ таъминоти эса табиий газдан амалга оширилиши.

372. Иситиш ва иситиш-пишириш печкаларини газ ёқилғига ўтказишга қуйидагилар бажарилганда йўл қўйилади:

печкалар, мўри ҳамда ҳаво алмаштириш йўллари газ ёқилғига ўтказиладиган иситиш печкалари тузилиши ҚМҚ 2.04.05-97 талабларига мувофиқ бўлганда;

иситиш ва иситиш-пишириш печкаларининг ўтхоналарига ўрнатилган газ горелкалари ГОСТ 16569-86 талабларига мувофиқ ҳолда хавфсизлик автоматикаси билан жиҳозланганда.

373. Газлаштириладиган печкаларнинг ўтхоналари йўлак ёки одамлар яшамайдиган хона томонида бўлиши лозим.

374. Газлаштирилган иситиш ва иситиш-пишириш печкаларининг ўтхоналари чиқарилган томондаги хоналарда сўрма ҳаво алмаштириш йўли ёки дарчали дераза ёхуд одамлар яшамайдиган хонага ёки йўлакка чиқиладиган эшик бўлиши лозим.

Печка олдида эни камида 1,0 m келадиган йўлак бўлиши лозим.

Газлаштирилган печкали иситиш хоналарида сунъий ишлайдиган ташқарига тортувчи вентиляция қурилмаларини ўрнатишга йўл қўйилмайди.

375. Иситиш печкаларининг ёқилғиси газ ёқилғисига ўтказилганда печкаларни ўтхоналарини юқори ҳароратда эримайдиган, оловга бардошли ғишт билан ғилофлаш керак.

376. Турар-жой биноларида буғли иситиш тизими қўллашга йўл қўйилмайди.

377. Кўп квартирали уйларни қайта лойиҳалаш, қайта тиклаш ва қайта ускуналашда қўшимча равишда шахсий иситиш қозонларини ва газ ёнилғисида ишлайдиган иссиқ сув таъминоти ускуналарини ўрнатишга йўл қўйилмайди.

378. Ушбу ШНҚнинг 18-боби 3-параграфида келтирилмаган маиший газ асбобларини жойлаштириш шартлари ва ишлатиш мумкинлигини аниқлаш асбобларнинг вазифаси, уларнинг иссиқлик юкламаси, ёниш маҳсулотларини чиқариб юбориш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

4-§. Жамоат биноларининг газ таъминоти

379. Газ ускуналари ва СУГ балонларини ётоқхоналар, мактабгача таълим ташкилотининг хоналари, кафеларнинг овқатланиш ва савдо қилиш заллари, ошхоналар, ресторанлар, касалхона палаталари, аудиториялар, ўқув юртларининг синфлари, фойелар, маданий-маърифий ва томоша муассасаларининг томоша заллари ва одамлар оммавий йиғиладиган бошқа хоналар тагига ўрнатишга йўл қўйилмайди.

380. Мактабларда, мактабгача таълим ташкилотларида овқат пишириш, иситиш ва иссиқ сув тайёрлаш учун газ асбобларини ўрнатиш асосий бинодан мазкур ШНҚнинг 351, 355, 368, 369 ва ҚМҚ 2.04.05-97 талаблари бажариладиган узоқликда жойлашган алоҳида турган биноларда йўл қўйилади.

381. Ётоқхоналарда, қариялар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг уйларида электр плиталар ўрнатиши лозим.

382. Газ ускунасини ўрнатиш назарда тутилган хонада табиий ёруғлик тушиб турадиган ва доимий ишлайдиган оқава-сўрма ҳаво алмаштиргич бўлиши лозим.

383. Умумий овқатланиш корхоналарида бир-бирига бевосита яқин ўрнатилган газ асбоблари гуруҳидан ёниш маҳсулотларини битта соябон остига йўналтириш, шунингдек сўрма ҳаво алмаштиргич билан жиҳозланган йиғма мўрига улашга йўл қўйилади.

384. Маиший газ плиталари ҳамда бошқа газ асбобларни ўрнатилишда мазкур ШНҚнинг 351, 355, 361 — 364, 366, 368 ва 371-бандлардаги талаблар бажарилиши лозим.

385. Қаттиқ ёки суюқ ёқилғида ишлашга мўлжалланган овқат пишириш қозонлари ва плиталари, қайнатгичлар ва бошқаларни газ ёқилғига ўтказишга йўл қўйилади.

Бунда газ ёнғич қурилмалари мазкур ШНҚнинг 23-бобда назарда тутилган талабларга мос келиши керак.

5-§. Ишлаб чиқариш қурилмалари ва қозонларнинг газ таъминоти

386. Якка қозон агрегатининг қуввати 420 GJ/h дан катта (100 Gcal/h дан катта) бўлган ишлаб чиқариш қозонларини ва иситиш қозонхоналарининг газ ускуналарини лойиҳалашда мазкур ШНҚнинг 19-бобидаги талабларга амал қилиш лозим.

387. Мавжуд қозонларни қаттиқ ёки суюқ ёқилғидан газ ёқилғига ўтказишда иссиқлик оқимининг ҳажмий зичлиги, мўрилар кесимининг етарлилиги, тутун-сўрғичлар ва

пуфлаш ҳаво алмаштиргичларининг иш унумдорлиги ҳамда босимини ҳисоблаш йўли билан бажариш керак.

388. Электр энергияси ва иссиқликни аралаш ҳолда ишлаб чиқарувчи газдан фойдаланиш ускунаси тўсиқ деворларининг ҳимояловчи конструкциялари мавжуд бўлган, шунингдек оловбардошлик даражаси II даражадан паст бўлмаган, оловбардошлик даражасининг энг кам чегараси 45 дақиқага ва оловнинг конструкциялар бўйича тарқалиши чегараси нолга тенг бўлган масофадаги алоҳида ажратилган хонада жойлаштирилиши лозим.

389. Электр энергияси ва иссиқликни аралаш ҳолда ишлаб чиқарувчи газдан фойдаланиш ускунаси ўрнатилган хона қуйидагилар билан жиҳозланиши лозим:

шовқинни ютувчи ускуналар;

хонага кириш жойида ўрнатилган автоматик беркитиш органи билан блокланган, хавфлилик сигнали диспетчерлик пультига узатиладиган газ кўпайиб кетишини назорат қилиш ва ёнғин сигнализацияси тизимлари.

390. Электр энергияси ва иссиқликни аралаш ҳолда ишлаб чиқарувчи газдан фойдаланиш ускунаси билан таъминлашда двигателларни улаш (обвязка) ГОСТ 21204-97га мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Газ қувурларида пуфлаш қувурлари тизими бўлиши керак.

391. Саноат қурилмалари, газ ёқилғидан фойдаланадиган буғ ва сув иситиш қозонларининг газ ёнғич қурилмалари ушбу ШНҚнинг 23-бобида келтирилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

392. Газни ишлатиш ускуналарининг газ горелкалари ва ишлаб чиқариш биноларининг қозонлари ва қозонхоналар олдида газ босимини таъминлаш учун газ тармоқларида регулятор-стабилизаторларни ўрнатишга йўл қўйилади.

393. Газ горелкалари ёки арматуранинг чиқиб турадиган қисмидан бинонинг деворлари ва бошқа қисмларигача, шунингдек иншоот ва ускуналаргача бўлган масофа текислик бўйлаб камида 1,0 m бўлиши лозим.

394. Газ горелкаларини ўт олдириш ва уларнинг ишлашини кузатиш учун қопқоқли тешиклар қўйилиши керак.

395. Тайёр газ-ҳаво аралашмаси бериладиган ёнғичлардан олдин, шунингдек металлни қирқиш ва пайвандлаш горелкаларига кислород келтиришда газ келаётган қувурга аланга киришининг олдини олиш учун олов тўсқичлари ўрнатиш керак.

396. Газ ёқилғида ишлайдиган қозон қурилмаларида ва уларнинг мўриларида портлаш тўсқичлари бўлиши керак.

397. Тутун газлари ғишт билан ўралган мўридан тўғри чиқиб кетадиган, тик цилиндрсимон, локомобиллар ва паровоз туридаги қозонлар учун, шунингдек тутун сўрғичлар олдидаги дудбуронларда портлашдан сақлаш клапанлари ўрнатмасликка йўл қўйилади.

398. Саноат печкаларида ва уларнинг мўриларида портлаш тўсқичлари ўрнатиш зарурлигини ҳамда портлаш клапанлари ўрнатиладиган жойни ва уларнинг сонини технологик лойиҳалаш нормалари асосида аниқлаш лозим.

399. Битта портлаш тўсқичининг юзасини камида 0,05 m^2 бўлиши керак.

400. Портлашдан сақлаш тўсқичларини ўтхонанинг ва мўрининг юқори қисмларида ва газ тўпланиши эҳтимоли бўлган бошқа жойларда ўрнатиш лозим.

401. Портлаш тўсқичларини хизмат кўрсатувчи ходимлар учун хавфсиз бўлган жойларга ўрнатишнинг имкони бўлмаганида, тўсқич тасодифан ишлаб кетган тақдирда муҳофаза қиладиган қурилмалар бўлиши лозим.

402. Саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳамда ишлаб чиқариш хусусиятига эга маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг қозонхона цехларида газлаштирилган хоналарга ҳавонинг алмашиб туришига доир қўшимча талаблар қўйилмайди.

403. Саноат корхоналарига одорантланмаган газ берилганда газлаштирилган, газ қувури ётқизилиши мўлжалланган хоналар ҳавосида газ кўпайтириб кетганлигини билдирувчи сигнализация қўйиш лозим.

404. Газлаштириладиган қозонлар НЎА, хавфсизлик автоматикаси ва автоматик ростлаш қурилмаси билан жиҳозланиши лозим.

405. Газлаштириладиган ишлаб чиқариш агрегатлари қуйидагилар билан жиҳозланиши лозим:

газнинг йўли бўйича охирги беркитиш қурилмасидан кейинги ёнғичда ёки ёнғичлар гуруҳида ва агрегатда газ босимини;

охирги шибер ёки дроселли тўсқичдан кейинги ёнғичлардаги ва ҳаво алмаштиргичлардаги ҳавонинг босимини;

ўтхонадаги ва дудбуроннинг шибергача бўлган жойидаги ҳавонинг сийракланишини ўлчаш учун НЎА.

406. НЎАни ўлчанадиган параметр (кўрсатгич) ростланадиган жойга ёки асбоблар ўрантиладиган махсус шитга жойлаштириш лозим.

407. Асбоблар шитига (тахтаси) асбобларни ўрнатишда бир неча нуқталардаги параметрларни ўлчаш учун узиб-улагичли битта асбобдан фойдаланишга йўл қўйилади.

408. Газлаштириладиган ишлаб чиқариш агрегатлари қуйидаги ҳолларда газ берилишини тўхтатувчи хавфсизлик автоматикаси билан жиҳозланган бўлиши лозим:

газнинг босими белгиланган даражадан ошиб кетганида;

ишчи ёнғичларда ёки блок қилиб бирлаштирилган ёнғичлар гуруҳида аланга ўчиб қолганида;

ўтхонада сийракланиш камайганида (тутун сўрғичлар ёки инжекцион ёнғичлар билан жиҳозланган агрегатлар учун);

ҳаво босими пасайганида (ҳаво босим остида бериладиган ёнғичлар билан жиҳозланган агрегатлар учун).

409. Номинал иссиқлик қуввати 5,6 kW дан кам бўлган ишлаб чиқариш агрегатлари, алоҳида ёнғичлар ёки блок қилиб бирлаштирилган ёнғичлар гуруҳи учун хавфсизлик автоматикасининг бўлиши талаб қилинмайди.

410. Газ узлуксиз бериб турилиши зарур бўлган ишлаб чиқариш агрегатлари учун хавфсизлик автоматикаси тизимидаги газ берилишини тўхтатувчи мослама ўрнига назорат қилинадиган параметрлар (кўрсаткич) ўзгарганлиги ҳақида хабар берувчи сигнализациядан фойдаланиш лозим.

411. НЎА ва автоматика асбобларини газнинг босими 0,1 MPa (1,0 kgf/cm^2) дан катта бўлган газ қувурларига пўлат қувурлар ёрдамида улаш керак.

412. НЎАга борадиган шохобчаларда беркитувчи мосламалар ўрнатиш лозим.

Газнинг босими 0,1 MPa (1,0 kgf/cm^2) гача бўлганида НЎАни узунлиги 1,0 m гача бўлган резина ёки резина-газламали енглар, шунингдек ушбу ШНҚнинг 311 — 314-бандларидаги резина найлар ёрдамида улаш лозим.

6-§. Инфрақизил нурланиш горелкалари

413. Инфрақизил нурланиш горелкалари ушбу ШНҚнинг 23-бобида келтирилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Инфрақизил нурланиш горелкалари мустаҳкам ўрнатилган қурилмаларда ҳам кўчма қурилмаларда ҳам ишлатишга йўл қўйилади.

414. Инфрақизил нурланиш горелкаларидан паспорт талаблари ва ишлаб чиқарувчи заводлар йўриқномаларига мувофиқ фойдаланиш қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

ишлаб чиқариш иншоотлари иш жойлари ва зоналарини иситишда;

очиқ майдонлардаги иш жойлари ва зоналарини (перронлар, спорт иншоотлари) иситишда;

бино ва иншоотлар конструкцияларини, хоналарини ҳамда бино ва иншоотларни қуриш жараёнида грунтни иситишда;

чорвачилик бинолари ва хоналарини иситишда;

таркибида осон ёнувчан ва портловчан моддалар бўлганларидан ташқари материаллар ва ускуналарни технологик иситишда;

очиқ ва ярим очиқ майдонлардаги қор эриши тизимларида, бинолар ва иншоотлар томларини иситишда.

415. Хизмат кўрсатувчи ходимлар доимий бўлиши зарур бўлмаган ҳолларда иситишга мўлжалланган инфрақизил нурланиш горелкалари иситиш тизимларини ёнғичнинг алангаси ўчиб қолганида газ берилишини тўхтатадиган автоматика билан жиҳозланиши лозим.

416. Хоналардан ташқарида ўрнатиладиган инфрақизил нурланиш горелкаларини автоматика билан жиҳозлаш зарурлигини ёнғичларни жойлаштириш ва ишлатишнинг муайян шароитларга (Инфрақизил нурланиш горелкаларининг технологик вазифаси 2,2 m дан юқори баландликка ўрнатилган ёнғичларни ўт олдириш, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг мавжудлиги) асосланиб лойиҳалаш жараёнида аниқланиши лозим.

417. Портлаш ва ёнғин хавфи жиҳатдан А, В, V тоифаларга кирадиган ишлаб чиқариш хоналарида, омборхоналарда ва енгил металл қурилмаларидан ишланиб, деворининг орасига ёнувчан ва қийин ёнадиган иситгич тўлдирилган хоналарда, усти сомон ва қамиш билан ёпилган хоналарда, шунингдек ертўла хоналарида инфрақизил нурланиш горелкалари ўрнатишга йўл қўйилмайди.

418. Инфрақизил нурланиш горелкаларидан хоналарнинг ёнувчан ва қийин ёнадиган ашёлардан қурилган қурилмаларигача (шифт, дераза, эшик кесакилари) бўлган масофа нурлантириш юзасининг ҳарорати 900° С ва ундан кам бўлганда камида 1,25 m бўлиши керак.

419. Ёнғич тепасидаги ёнувчан материалдан қурилган шифт ёки бошқа қурилмани ёнмайдиган материал (асбест устига қопланган темир тунка, асбоцемент лист) билан қоплаб ҳимоялаш лозим.

420. Очиқ электр сими инфрақизил нурланиш горелкалари ва хизмат кўрсатиш зонасидан камида 1,0 m масофада бўлиши керак.

421. Инфрақизил нурланиш горелкалари ўрнатилиши мўлжалланган хонадаги ҳаво алмашувини иш зонасидаги SO_2, NO_2 ларнинг йўл қўйиладиган концентрацияси шартидан келиб чиқиб ҳисоблаш лозим.

422. Ҳавони сўриш қурилмаларини нурлантиргичлардан (ёнғичлардан) юқорида, оқава ҳаво алмашиш қурилмаларини ёнғичлар нурланадиган хонадан ташқарида жойлаштиришни мўлжаллаш лозим.

423. Инфрақизил нурланиш горелкали иситиш тизими маҳаллий вентиляция тизими билан туташтирилган бўлиши бунда вентиляция тизими ишламаётган ҳолатда иситиш тизимини ишга тушириш ва ишлашига имконият яратилмаслиги керак.

7-§. Газ ҳисоблагичларни ўрнатиш

424. Газ таъминоти объектларида газ сарфининг ҳисоби юритилиши лозим.

Газ билан таъминланадиган турар-жойларда, шунингдек иссиқхоналар, ҳаммомлар ва томорқа участкаларида иншоотларни газлаштиришда газ қувурига газ сарфи ҳисобини юритиш ускунаси ўрнатган ҳолда ҳар бир абонент томонидан газ сарфининг ҳисоби юритилиши керак.

425. Газ сарфининг ҳисобини юритиш жиҳозлари қуйидаги жойларда жойлаштирилиши лозим:

ГТПда;

газлаштирилаётган хонада;

газлаштирилаётган турар-жойнинг табиий вентиляцияга эга нотурар-жой хонасида;

газлаштирилаётган хонага туташ бўлган ва у билан ишлаб чиқариш биносининг очиқ жойи ва қозонхона орқали бирлаштирилган хонада;

бинодан ташқарида.

426. Газ ҳисоблагичларини қуйидаги жойларда ўрнатишга йўл қўйилади:

йўлакларда, оловбардошлик даражасининг II дан паст бўлмаган, табиий оқимли чиқариш вентиляцияга эга ойнаванд верандаларда;

усадба туридаги турар-жойларнинг капитал деворларида.

427. Ҳисоблагичларни хонадан ташқарида ўрнатилишига унинг техник кўрсаткичлари ҳавонинг манфий ҳароратларида фойдаланишга яроқли бўлгандагина йўл қўйилади.

428. Газ ҳисоблагичидан газ ускуналаригача ёнламасига бўлган масофа 1,0 m дан кам бўлмаслиги керак.

429. Бўйламасига полдан (ердан) ҳисоблагичнинг қуйи қисмигача бўлган масофа 1,5 — 1,8 m га тенг бўлиши лозим.

430. Ҳисоблагични хона ичида иссиқлик ва нам ажратиш зонасидан ташқарида (плита, раковина), табиий шамоллатиладиган жойларда ўрнатиш лозим.

431. Ҳисоблагичдан газ ускунасигача бўлган масофа ҳисоблагич паспортида кўрсатмаларига мувофиқ қабул қилиниши, паспортда юқоридаги талаблар кўрсатилмаган ҳолларда одатда иситиш газдан фойдаланиш жиҳозигача (сиғимли ва оқимли сув иситгич, иситиш ва иситиш-қайнатиш печкаси, иссиқлик генератори), ресторан плитаси, пишириш қозонигача 1,0 m (радиуси бўйлаб) масофада ўрнатилиши керак.

432. Кўп қаватли турар-жой бинолари хонадонларида мембранали газ ҳисоблагич ва газ босимини мослаштирувчи ускуналарини балконларда ҳамда лоджия хоналарида ўрнатилишига йўл қўйилади.

433. Кўп қаватли турар жой биноларининг алоҳида иситиш тизими билан жиҳозланган хонадонларда газ ҳисоблагичларни ўрнатишда ҳисоблагичдан полгача бўлган баландлик 0,6 — 1,8 m бўлганда ҳисоблагич ва ёпиқ ёниш камерали қозонлар орасидаги масофани 0,2 m этиб қабул қилишга йўл қўйилади.

434. Ҳисоблагичнинг очиқ ўрнатилишига йўл қўйилади.

435. Ҳисоблагични қуйидаги жойларда ўрнатилиши керак:

тармоқ бўлинган жойда газ таъминлаш ташкилоти ва истеъмолчига тегишли бўлган алоҳида турувчи устунда (баланси бўйича тегишлилигига кўра);

газлаштирилаётган бинонинг деворида ёнламасига кўра эшик ва ойналардан камида 0,5 m узоқликда.

436. Ҳисоблагични жойлаштириш учун шкафнинг тузилиши табиий вентиляцияни таъминлаши, бунда шкафнинг эшиклари ёпилиши лозим.

437. Газ сарфини техник назорат қилиш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналар ва қозонхоналарда цехлар ва агрегатлар учун алоҳида ҳисоблагичларни ўрнатилишига йўл қўйилади.

19-боб. Иссиқлик электр станцияларининг газ таъминоти тизимлари.

1-§. Умумий талаблар

438. Электр станцияларнинг газ таъминоти тизимларини лойиҳалаштиришда ушбу боб талабларига амал қилиш лозим.

439. Газнинг босими 1,2 MPa (12 kgf/cm^2) дан юқори бўлган газ қувурлари ўтказишни лойиҳалаштиришни махсус техник шартларга ҳисобга олинган ҳолда газ-компрессор (газ босимини кўтариб берувчи қурилма) ўрнатиш орқали амалга ошириш лозим.

2-§. Ташқи газ қувурлари ва қурилмалар

440. Электр станцияларининг майдончадан ташқи газ қувурларини ер остидан ўтказиш лозим.

441. Майдончадан ташқаридаги газ қувурида беркитувчи мослама ўрнатилиши керак.

Беркитувчи мосламанинг электр юритмаси электр станция ҳудудидан ташқарида унинг деворидан камида 5,0 м масофада бўлиши зарур.

442. Электр станция ҳудудидан газ қувурларини мавжуд ёки лойиҳалаштирилган эстакадалар ёхуд бошқа қувурларнинг таянчларидан энг кўп фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда ер устидан ўтказилиши керак.

443. Газ қувурларини очиқ подстанция, ёқилғи омбори ҳудудидан ўтказишни лойиҳалаштиришга йўл қўйилмайди.

3-§. Газ босимини тартибга солиш пунктлари

444. Газ қувурини электр станция ҳудудида жойлашган ГТПга киритишда ГТП биносидан камида 10 m масофада электр юритмали беркитувчи мослама қўйиши лозим.

Бевосита беркитувчи мосламадан кейин қуввати 800 MW ва ундан катта битта блок учун ГТП қуришда ГТПдан олдин тез ишга тушадиган узиб қўювчи тўсқич лойиҳалаш лозим.

445. Қуввати 800 MW ва ундан катта блоклар учун газ босими ва сарфини камайтириш тугунларини блокли ГТПда бирлаштиришга, қозонга газ келишида газ сарфи ростлагичи ўрнатишни лойиҳалаштирмасликка йўл қўйилади.

446. ГТПда ҳар қайси тартиблагич йўлида ўрнатиладиган босим тартиблагичларнинг газ ўтказиш қобилиятини танлашда қозон агрегатлари ишга тушиши билан газ сарфининг ортиб боришини, шунингдек ёзда газнинг сарфланиши ҳисобга олиниши лозим.

447. Газнинг кириш босими 0,6 MPa (6,0 kgf/cm^2) дан юқори бўлган ГТПда камида иккита тартиблагич йўли бўлиши керак.

ГТПда ростлаш мосламаси сифатида тартиблагич тўсиқлардан фойдаланишга йўл қўйилади.

448. ГТПда камида иккита (биттаси захира) СЧТнинг бўлиши зарур.

Ҳар қайси СЧТ олдидан беркитувчи қурилма бўлиши лозим.

449. ГТП ишлаб чиқариш биноларининг ҳаво тортувчи шахталари ёнига жойлаштирилганда ва газнинг ҳисобий сарфи 100 000 m^3/s ва ундан кўп бўлганида СЧТ ўрнатмасликка йўл қўйилади.

450. ГТПда иккиламчи НЎА шитларини, автоматик тартиблагич, бошқариш ва сигнализация аппаратларини, тартибловчи клапанларнинг ижрочи механизмларини жойлаштириш учун бошқариш шит-тахта хонаси бўлиши керак.

451. СЧТдан газ чиқариш қувурларини ГТП биносининг ҳаво алмаштириш тизимининг ҳаво олиш қурилмасига қарама-қарши томонида жойлаштириш лозим.

452. Газ чиқариш қувурларининг чеккасидан оқова алмаштириш учун ҳаво олинадиган жойгача бўлган масофа горизонтал бўйича камида 10 m, вертикал бўйича 6,0 m бўлиши керак.

Агар текислик бўйича СЧТнинг газ чиқариш қувурларидан энг баланд қўшни бинонинг енгил аэрация чироғигача бўлган масофа 200 m дан кам бўлса, у ҳолда газ чиқариш қувурлари шу бино чироғидан 2,0 m юқорида чиқарилиши керак.

453. Ҳаво билан тозалаш газ қувурларини ГТП дефлекторларидан камида 1,0 m юқоридан, бироқ ер сатҳидан камида 5,0 m юқоридан чиқариш керак.

454. ГТПнинг ҳар қайси ростлаш линияси газнинг йўли бўйлаб биринчи беркитиш мосламасидан кейин ва охирги беркитиш мосламасидан олдин сурма қопқоқлар ўрнатилиши керак.

455. Ижрочи механизмлар ричаглари билан тартибловчи воситаларни бирлаштирувчи ҳамда тартиблаш залининг девори орқали ўтадиган мўриларни деворларга бетонлаб маҳкамланган ғилофлар ичидан ўтказиш лозим.

456. Ғилофнинг иккала томонидан сальникларга (мустаҳкамловчи ҳалқа) асбест шнурини тўлдириш керак.

457. ГТПнинг босим ростлагичларидан кейинги газ қувурларида, ГТПдан камида 20 m масофадаги ташқи ер усти газ қувурларида товушни ютадиган қоплама бўлиши лозим.

458. ГТПнинг ростловчи ва беркитувчи арматураларини асосий корпуснинг шитидан бошқарилиши зарур.

Арматуранинг ҳолатини кўрсатувчи мослама ГТП даги шитда ва асосий корпуснинг шитида ҳам бўлиши керак.

459. Блокли ГТПнинг ростловчи ва беркитувчи арматурасини бошқаришни энергоблокнинг блокли бошқариш шитидан амалга оширишни лойиҳалаштириш ва зарур бўлганда ГТПнинг ўзидаги шитдан бошқарилишини ҳам сақлаб қолиш лозим.

4-§. Ички газ ускуналари

460. Қозонхонанинг ажратувчи коллекторига иккита ёки ундан кўп ГТПдан газ беришда коллекторда беркитувчи мослама бўлишини мўлжаллаш керак.

461. Газ қувурининг ҳар қайси қозон агрегатига келадиган шохобчаси кўпи билан 3 s ичида ёнғичларга газ келишини тўхтатувчи тез ҳаракатга келадиган беркитиш (узиб қўйиш) клапанини ўрнатиш лозим.

462. Тез ишга тушадиган узиб қўювчи клапанларнинг электр симларига токни электр станция аккумулятор батареясининг шиналаридан ёки ўзгарувчан токнинг захира манбаи ҳам автоматик ишга тушадиган иккита алоҳида мустақил манбадан ёки олдиндан зарядланган конденсаторлар батареясидан берилиши лозим.

463. Қозонга бериладиган газнинг сарфини тартиблагич мослама (тўсқич, клапан-тўсқич ва бошқалар) узоқдан туриб ва қўл билан бошқариладиган бўлиши керак.

464. Ҳар қайси ёнғичдан олдин кетма-кет беркитувчи мослама ўрнатилиши лозим.

Газ йўли бўйича биринчи беркитувчи мослама электр юритмали, иккинчиси электр ёки дастаки юритмали бўлиши лозим.

Бу беркитувчи мосламалар орасида ҳаво билан тозалаш қувури (хавфсизлик қувури) бўлиб, унга электр юритмали беркитиш мосламасини ўрнатилиши керак.

465. Қозон агрегатларига газ берилишини асосий тартибловчи клапан-тўсқичи билан бирга олов ёқиш учун газ берилишини ростлаш мосламаси ўрнатишга ҳам йўл қўйилади.

466. Қозонхонанинг ичидаги газ қувурида газдан намуна олиш учун штуцер ўрнатишни мўлжаллаш керак.

467. Қозонхона ичидаги газ қувурига тажрибахона эҳтиёжлари учун ва металл қирқиш жойлари учун қўшимча газ қувурлари улаб, газ истеъмол қилинадиган жойга ГТҚ ўрнатишга йўл қўйилади.

5-§. Қувурлар ва назорат ўлчов автоматикаси (НЎА)

468. Электр станцияларнинг газ қувурлари учун ушбу ШНҚнинг 717-банди талабларга мувофиқ пўлат қувурлардан фойдаланиш лозим.

469. Электр станциялар ҳудудида ўрнатиладиган қувурларнинг деталлари, блоклари, йиғма бирликлари, таянчлари ва илмоқлари учун босимни кўпи билан 4,0 MPa (40 kgf/cm^2), иссиқлик электр станцияларида ҳароратни кўпи бидан 425°C қабул қилиш керак.

Фасон қисмлар ва деталларни мўътадил пўлатдан тайёрлаш лозим.

470. Темир йўл ва автомобиль йўлларидан, табиий ҳамда сунъий тўсиқлардан кесиб ўтиш жойларида, шунингдек ташқи ҳавонинг ҳисобий ҳарорати минус 30 $^\circ$C дан паст бўлмайдиган ҳудудларда ётқизиладиган деворининг қалинлиги 5,0 mm дан катта бўлган газ қувурлари учун қувур ҳамда пайванд бирикмалар металлининг қурилиш кетаётган ҳудуд ҳавосининг ҳароратидаги зарбий қовушқоқлик катталиги 29 J/cm^2 дан (3 kgf/cm^2) дан кам бўлмаслиги лозим.

471. Иссиқлик электр станцияларининг газ таъминоти тизимида ўлчашлар, сигнализация ва автоматик тартиблаш ҳажмини ушбу ШНҚнинг 10-иловасига мувофиқ қабул қилишга йўл қўйилади.

472. ГТПда газ келадиган умумий қувурда газ сарфини ўлчаш асбоби ўрнатилиши керак.

20-боб. Газ тўлдириш шохобчалари, газ тўлдириш пунктлари, баллонларнинг оралиқ омборлари

1-§. Умумий талаблар

473. СУГни газсизлантириш қурилмаларини (станцияларини) лойиҳалашда газ сақланадиган идишларининг умумий сиғимига тенг бўлган ГТШни лойиҳалашнинг ушбу ШНҚда келтирилган талабларга мувофиқ бўлиши лозим.

474. ГТШ, ГТП ва БООларни алоҳида табиий ва иқлим шароитига эга бўлган ҳудудларда қуришни лойиҳалаштирганда ушбу ШНҚнинг 22-23-бобларда келтирилган талабларни ҳисобга олиш керак.

2-§. Суюлтирилган газларнинг газ тўлдириш шохобчалари

475. Суюлтирилган газларнинг бирлашма базаларини лойиҳалашга қўйиладиган талаблар ГТШни лойиҳалашнинг ушбу ШНҚда келтирилганларга мувофиқ бўлиши лозим.

476. ГТШни аҳоли яшайдиган ҳудудлардан ташқарида, турар-жой ҳудудларидан шамолга тескари томонда жойлаштириш керак.

477. ГТШ қуриш учун майдонча танлашда ГТШга тааллуқли бўлмаган бино ва иншоотларгача бўлган энг кам масофани қуйидаги 11-жадвалга, йўлларгача бўлган масофа эса мазкур ШНҚнинг 12-жадвалига мувофиқ бўлиши лозим.

11-жадвал

Сиғимларнинг умумий ўлчами* (m^3)	**Битта сиғимнинг ўлчами (m^3)**	**Сиғимлардан бинолар (турур-жой, жамоат, саноат бинолари ва ГТШга тааллуқли бўлмаган иншоотларгача бўлган масофа (m)**	
		ер устидаги	**ер остидаги**
1	2	3	4
50 ÷ 200	25	80	40
Бу ҳам	50	150	75
- " -	100	200	100
200 ÷ 500	50	150	75
Бу ҳам	100	200	100
- " -	100 ÷ 200	300	150
500 ÷ 2000	100	200	100
Бу ҳам	100 ÷ 600	300	150
2000 ÷ 8000	бу ҳам	300	150

* ички ҳажм

12-жадвал

ГТШ ҳудудидан ташқаридаги йўллар	**Сиғимларнинг умумий ўлчами қуйидагича бўлганда ГТШ сиғимларидан йўлларгача бўлган масофа (m)**			
	200 m^3 гача		200 m^3 дан катта	
	ер устидаги	ер остидаги	ер устидаги	ер остидаги
Умумий тармоқдаги темир йўллар (кўтарманинг этагигача ёки чуқурнинг сиғим томонидаги қирғоғигача)	75	50	100	75
Саноат корхоналари темир йўлларининг ер ости қисмлари, трамвай йўллари (йўлнинг ўқигача) ёки автомобиль йўллари (йўлнинг четигача)	30	20	40	25

478. ГТШ қуриладиган майдонча атрофида ёнғинга қарши эни 10 m келадиган бўш жойлар қолдирилиши ва ташқарисидан тўсиқ билан ўрашни ва игнабаргли ўрмончаларга камида 50 m, япроқли ўрмончаларга 20 m масофа бўлиши лозим.

479. Темир йўл шохобчаси бошқа корхоналар ҳудудидан ўтмайдиган бўлиши лозим.

480. ГТШга фақат битта корхона ҳудудининг темир йўл шохобчасидан кесиб ўтиб, корхонанинг мавжуд темир йўл тармоғига ГТШ шохобчаси йўлини туташтиришга йўл қўйилади.

3-§. ГТШнинг асосий бино ва иншоотлари

481. ГТШ ҳудуди ишлаб чиқариш ва ёрдамчи минтақага бўлинади, уларда технологик жараён, газни ташиш, сақлаш ҳамда истеъмолчиларга етказиб берилишига қараб қуйидаги асосий бино ва иншоотларни жойлаштиришни мўлжаллаш керак:

эстакадали темир йўл шохобчаси ва СУГни темир йўл цистерналаридан сақлаш омборининг идишларига қўйиш қурилмасида;

СУГ сиғимларини сақлаш базасида;

насос-компрессор (дам бергич) бўлимида;

тўлдириш цехида;

баллонларни техник жиҳатдан текшириш бўлимида;

баллонларни бўяш бўлимида.

482. Ёрдамчи минтақада, ишлаб чиқариш минтақасида қуйидагилар бўлиши лозим:

ҳаво компрессори (дам берувчи) хонаси;

темир йўл ва автомобиль тарозилари ёки улар ўрнини босадиган тароз қурилмалари.

483. Насос-компрессор (дам бергич) бўлимида ГТШнинг хусусий эҳтиёжлари учун газни тартиблагич қурилмаси ўрнатилишига йўл қўйилади.

484. ГТШ бино ва иншоотларининг рўйхатига қўйилган техник шартларга мувофиқ бўлиши лозим.

485. Гаражни ГТШ ҳудуди ташқарисида жойлаштирилишига йўл қўйилади.

486. Газ хўжалигидан фойдаланиш хизматини ГТШ ҳудудининг ёрдамчи минтақа томонига бирлаштириб (тақаб) жойлаштиришга йўл қўйилади.

4-§. ГТШ бино ва иншоотларининг жойлашуви

487. ГТШда жойлашган СУГ сақлаш идишларидан ГТШга тааллуқли бўлмаган бино ва иншоотларгача бўлган энг кам масофани ушбу ШНҚнинг 11-жадвалига, йўлларгача бўлган масофа эса 12-жадвалга мувофиқ бўлиши керак.

488. ГТШнинг ер устидаги сиғимларидан бир вақтнинг ўзида 800 тадан кўп одам тўпланиши эҳтимоли бўлган жойларгача (стадионлар, бозорлар, истироҳат боғлари ва бошқа жойлар) бўлган энг кам масофа мазкур ШНҚнинг 11-жадвалида келтирилганига нисбатан 2-марта кўп бўлиши зарур.

489. Ўлчами турлича бўлган сиғимлар сақланадиган омборгача бўлган масофа сиғими энг катта бўлган ўлчамдан бошлаб ҳисоблаш лозим.

490. ГТШда ўлчами 200 m^3 дан катта бўлган шарсимон сиғимларни жойлаштиришда мазкур сиғимлардан бино ва иншоотларгача бўлган масофа, шунингдек сиғимлар орасидаги масофани камида ушбу бобда келтирилганларга мувофиқ бўлиши керак.

491. ГТШнинг темир йўлдаги қуйиш эстакадасидан бино ва иншоотларгача бўлган масофа қуйидагича бўлиши лозим:

ГТШга тааллуқли бўлмаган бино ва иншоотларгача ушбу ШНҚнинг 11-жадвалига мувофиқ, шунингдек умумий ўлчами ГТШ ҳудудида бўшатилаётган темир йўл цистерналарининг ўлчамига тенг бўлган ер усти сиғимларигача бўлган масофа мазкур ШНҚнинг 12-жадвалига мувофиқ;

ГТШ ҳудудидаги бино ва иншоотларгача ушбу ШНҚнинг 11-иловасига мувофиқ;

ГТШнинг сақлаш базасидаги ер усти сиғимларигача камида 20 m.

492. Сиғимларининг умумий ўлчами 100 m^3 дан катта бўлган ГТШдан енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар, қаттиқ ва газсимон ёнувчи материаллар бўладиган корхоналаргача (нефт базалари, нефтни қайта ишлаш заводлари ацетилен станциялари) бўлган масофа ушбу ШНҚнинг 10-жадвалига мувофиқ бўлиши керак.

493. Саноат корхоналари ҳудудида жойлаштирилган ГТШ сиғимларидан шу корхоналарнинг бино ва иншоотларигача бўлган масофани қуйидаги 13 ва 14-жадвалларга мувофиқ бўлиши лозим.

13-жадвал

Саноат корхоналари ҳудудида жойлашган ГТШ сиғимларининг умумий ўлчами (m^3)	**Битта сиғимнинг ўлчами (m^3)**	**Сиғимлардан корхонанинг бино ва иншоотларигача бўлган масофа (m)**	
		ер устидан	ер остидан
50 гача	10	30	15

50 ÷ 100	25	50	25
100 ÷ 200	50	70	35
200 ÷300	50	90	45
300 ÷ 500	50	110	55

14-жадвал

Саноат корхонасидаги йўллар	**Корхона ҳудудида жойлашган ГТШ сиғимларнинг умумий ўлчами (m)**	**Сиғимлардан йўлларгача бўлган масофа (m)**	
		Ер остидаги	**Ер устидаги**
Темир йўллар (йўлнинг ўқигача)	100 гача	20	10
Автомобиль йўллари (йўл четигача)	100 дан катта	30	15

494. Темир йўлларнинг қуйиш эстакадасидан корхоналарнинг биноларигача бўлган масофа камида 40 m бўлиши лозим.

495. Саноат корхоналарининг ҳудудида жойлаштирилган ГТШнинг умумий сиғими 500 m^3 ва ундан кам бўлган СУГ сиғимларидан корхонанинг G тоифадаги агрегат ва қурилмалари жойлашган биноларгача бўлган масофа 13-жадвалда келтирилганидан 30 фоиз ортиқ қилиб лойиҳалаш лозим.

496. ГТШ ҳудудида жойлашган бино ва иншоотлар орасидаги масофа ушбу ШНҚнинг 11-иловасига мувофиқ бўлиши керак.

497. ГТШ ҳудудида жойлашган биноларда турар-жой хоналари ва ГТШга тааллуқли бўлмаган ишлаб чиқаришлар бўлишига йўл қўйилмайди.

5-§. Ҳудудларни, йўлакларни режалаштириш, бино ва иншоотларга қўйиладиган талаблар

498. ГТШ ҳудуди ёнмайдиган материаллардан тайёрланиши ҳамда шамол ўтиб турадиган тўсиқ билан ўралган бўлиши лозим.

499. Ишлаб чиқариш зонаси билан ёрдамчи зонани ва автохўжалик жойлашган ерларни ёнмайдиган енгил материалдан тайёрланган конструкциялар билан бир-биридан ажратиш ёки улар орасига 1 m баландликдан ошмайдиган бута ўтказиш керак.

500. ГТШ ҳудудини режалаштиришда унда суюлтирилган газлар тўпланиб қоладиган жойлар бўлмаслигини ва сув оқиб кетиш тизими билан бирга эриган сувлар ҳамда жала сувлари ҳудудга ташқаридан кирмайдиган бўлиши лозим.

501. Темир йўлнинг туташув жойидан бошлаб ГТШ ҳудудини ҳам V тоифадаги йўл, ГТШга автомобиль келадиган йўлни эса IV тоифадаги йўл қаторига киритиш керак.

502. ГТШдаги газ қуйиладиган жойлардаги темир йўлларни текис ёки кўпи билан 2,5 фоиз қия бўлиши зарур.

503. Вагонларни узиб қўйиш учун узунлиги камида 20 m бўлган боши берк қўшимча тўғри йўл бўлиши лозим.

504. ГТШ ҳудуди умумий автомобиль йўли билан IV тоифадаги йўл орқали туташган бўлиши керак.

505. Ўлчами 500 m^3 дан катта сиғимлари бор ГТШ учун алоҳида-алоҳида чиқиш йўли бўлиши, йўлларнинг бири асосий йўл, иккинчиси эса авария вақтида автомобилларни чиқариб юбориш учун захира йўл ҳисобланади.

506. Захира йўлнинг ГТШга келадиган автомобиль йўлига туташиш жойи асосий чиқиш жойидан камида 40 м масофада бўлиши керак.

507. Ёнғин содир бўлганда ёнғин ўчириш автомобиллари ҳаракатланиши учун автомобиль йўлларини лойиҳалаштиришда йўлнинг қатнов қисми икки йўналишли бўлиши лозим.

508. ГТШ ҳудудидаги ҳаракат икки қатор бўладиган автомобиль йўлларининг кенглиги 6 m, ҳаракат бир қатор бўладиган йўлнинг кенглиги 4,5 m бўлиши керак.

509. ГТШ ҳудудига киришдан олдин автомобилларнинг айланиши ва тўхтаб туриши учун майдонча бўлиши лозим.

510. Автоцистерналарга ва газ баллонли автомобилларга газ тўлдириш учун колонкалар орасида эни камида 6 м бўлган йўлак қолдириш керак.

511. ГТШ ва саноат корхоналари ҳудудида жойлашган СУГни қайта газга айлантириш қурилмалари учун ГТШ ҳудудига кирадиган битта йўл бўлишини мўлжаллашга йўл қўйилади.

512. ГТШнинг майдонча ичидаги йўлларига ўрнатиладиган транспорт иншоотларини ёнмайдиган материаллардан қуриш керак.

513. Насос-компрессор бўлимини алоҳида турган бинога жойлаштирилиши, бунда бинода буғлатиш (иссиқ алмаштириш) қурилмасини жойлаштиришга йўл қўйилади.

514. Тўлдириш цехида қуйидагилар бўлиши керак:

тўлдириш бўлими, унда қуйиш, тўлдириш, баллонларнинг герметиклигини ва тўлиш даражасини назорат қилиш қурилмалари;

баллонларни газсизлантириш бўлими.

515. Баллонларнинг техник ҳолатини текшириш бўлими ва баллонларни бўяш бўлимини тўлдириш цехининг биносида ёки алоҳида бинода бўладиган қилиб лойиҳалаштириш керак.

516. Баллонларнинг техник ҳолатини текшириш бўлимида текширишга юборилган баллонларни ортиш тушириш майдончаси бўлиши лозим.

517. Майдончаларнинг ўлчамларини транспорт воситаларининг ўтиши ва бемалол кириб чиқишини ҳамда одамлар ўтишини ҳисобга олган ҳолда тўлдириш бўлимининг бир кеча-кундузлик иш унумига икки марта кўп баллонлар сиғадиган қилиб лойиҳалаш лозим.

518. Баллонларни бўяш бўлими баллонларнинг техник ҳолатини текшириш бўлими билан ёнма-ён бўлиши зарур.

519. ГТШни қайта қуришда баллонларни бўяш бўлимини алоҳида бинода жойлаштиришни мўлжаллашга йўл қўйилади.

520. Бино ва иншоотларнинг қайси тоифага кириши лойиҳада кўрсатилган бўлиши лозим.

521. ГТШнинг ишлаб чиқариш бинолари, қурилмалар ва иншоотларини электр асбоблари ишлатилганда хавфлилик даражаси жиҳатдан қуйидаги синфларга киритиш керак:

V-1a синфга — насос-компрессор бўлимининг, баллонларни тўлдириш ва бўшатиш, баллонларни газсизлантириш, бўяш, буғлатиш бўлимларининг хоналарини, шунингдек шу хоналардаги вентиляция бўлимини;

V-1g синфга — сиғимлар, қуйиш эстакадалари, суюлтирилган газларни тўкиш ва қуйиш колонкаларини, газ баллонли автомобилларга газ тўлдириш колонкаларини, автоцистерналар очиқ турадиган майдончаларни, ортиш-тушириш майдончаларини, очиқ майдончаларда жойлаштирилган буғлатиш (иссиқ алмаштириш) қурилмаларини.

522. Очиқ жойлардаги V-1g зонасининг ўлчамларини Электр қурилмаларини ўрнатиш қоидаларига мувофиқ аниқлаш лозим.

523. Насос-компрессор бўлими ва тўлдириш бўлимининг хоналарида кукунли ўт ўчиргичлар бўлишини лозим, бунда хонанинг юзаси 200 m^2 гача бўлганда камида 100 kg кукун, хонанинг юзаси 500 m^2 гача бўлганда камида 250 kg кукун бўлишини ҳисобга олиш керак.

524. Тўлдирилган ва бўш баллонларни ортиш-тушириш майдончаси тўлдириш бўлимига бевосита бирлашган (тақалган) бўлиши лозим.

525. Ортиш-тушириш майдончаларининг атрофига ёнмайдиган материалдан ясалган тўсиқ ўрнатиш керак.

526. Майдончанинг полида учқун чиқармайдиган, ёнмайдиган материалдан қоплама бўлиши лозим.

6-§. Қуйиш қурилмалари

527. Темир йўл эстакадасида қуйиш қурилмалари сонини ГТШдан бир кеча-кундузда кўпи билан қанча газ берилишига асосланиб ва темир йўл цистерналарида газ бир меъёрда келмаслигини (бир меъёрда келмаслик коэффициентини 2 га тенг деб олиш керак) ҳисобга олган ҳолда аниқлаш лозим.

528. Қуйиш қурилмаларига хизмат кўрсатиш учун ёнмайдиган материаллардан эстакадалар ва қуйиш қурилмаларини цистерналарга улаш учун майдончалар бўлиши керак.

529. Эстакаданинг охирида қиялиги кўпи билан 45° С ва кенглиги камида 0,7 m бўлган зинапоя бўлиши лозим.

530. Зинапоя, майдонча ва эстакадаларда баландлиги 1,0 m ли тўсиқ панжара бўлиши, унинг пастидан камида 90 mm баландликда яхлит қоплама билан ўралган бўлиши керак.

531. Темир йўл цистерналаридан газ қуйиб олинадиган қувурларда ГТШ қўзғалмас қувурларининг транспорт воситаларидаги қуйиш қурилмаларига туташган жойининг яқинида қуйидагилар бўлиши лозим:

суюқ фаза қувурларида — тескари клапан (тўсқич);

буғ фаза қувурларида — тез ишга тушадиган клапан (тўсқич);

беркитиш мосламасидан олдин — газ қолдиқларини қувурлар тизимига ёки ҳаво билан тозалаш найига юборадиган беркитиш мосламаси бор штуцер.

532. Автоцистерналарда келадиган газни қуйиб олиш учун ГТШга қуйиш колонкалари ўрнатилиши керак.

Уларнинг жипслаштириш (обвязка) қурилмалари буғ ва суюқ фаза қувурларига ўрнатилган беркитиш-сақлаш арматураси орқали автоцистерна сиғимидан газни қуйилишини амалга оширилиши лозим.

533. Автомобиллар газ баллонларини тўлдириш учун колонкаларни беркитиш-сақлаш арматураси ва газ сарфини ўлчаш учун қурилма билан жиҳозлаш лозим.

7-§. СУГ учун сиғимлар

534. ГТШда СУГни қабул қилиб олиш ва сақлашга мўлжалланган сиғимлар ушбу ШНҚнинг 23-боб талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

535. Сиғимларнинг жипслаштириш қурилмаларини лойиҳалаштиришда ГОСТ 20448-2018да белгиланган турли маркалардаги газларни алоҳида-алоҳида қабул қилиб олиш ва сақлаш имконияти бўлишини ҳисобга олиш керак.

536. Сақлаш базасининг сиғимини ГТШнинг бир суткадаги иш унумдорлиги, сиғимларнинг тўлдириш даражаси ҳамда газ тақсимлаш шохобчасида СУГни сақлаш учун захира идишларнинг сонига қараб аниқлаш керак.

537. СУГ сақлаш учун захира идишлар сонини газ келмаганда ГТШнинг ҳисобий ишлаш вақтига қараб аниқлаш, бунда вақт сутка ҳисобида қуйидаги формула орқали аниқлаши керак:

$$t = \frac{L}{V} + t_1 + t_2$$

Бу ерда:

L — суюлтирилган газлар билан таъминлайдиган заводдан ГТШгача бўлган масофа, km;

V — АЙВ вагонлаб жўнатганида юкларнинг бир суткадаги ҳаракат тезлиги, km/d (330 km/d);

t_1 — юкнинг жўнатилиши ва келиши билан боғлиқ операцияларга сарфланадиган вақт (1 сутка деб қабул қилинади);

t_2 — ГТШда суюлтирилган газларнинг захираси ишлатишга етадиган вақт (маҳаллий шароитларга боғлиқ ҳолда 3 — 5 d деб қабул қилинади).

538. Техник-иқтисодий асосланганда (транспорт алоқасининг ишончлилиги) t_2 ни кўпайтиришга йўл қўйилади, бироқ у 10 d дан ортиб кетмаслиги керак.

539. ГТШ суюлтирилган газлар ишлаб чиқарадиган корхонага яқин жойлашган ва улар ГТШга автоцистерналарда ёки қувурлар орқали келтириладиган, шунингдек ГТШдан суюлтирилган газлар оладиган АГҚС учун *t* ни 2 d гача камайтиришга йўл қўйилади.

540. Саноат корхонасининг ҳудудида жойлашган ГТШда суюлтирилган газлар захирасини шу саноат корхонаси эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш лозим.

541. ГТШда суюлтирилган газлар учун сиғимлар ер устида ва ер остида ўрнатилишига йўл қўйилади.

542. Ост қисми атроф ҳудуднинг режа белгиси билан бир сатҳда ёки ундан юқорида жойлашган сиғимлар ер устидаги сиғимлар ҳисобланиши лозим.

543. Тепаси ернинг режа белгисидан камида 0,2 m пастда жойлашган сиғимларни ер остидаги сиғимлар деб ҳисоблаш керак.

544. Ер устидаги сиғимларнинг жойлаштирилишида сиғимнинг тепа қисмидан камида 0,2 m баландда, эни сиғим деворидан тўкма четигача камида 6,0 m да грунт билан кўмилганда ёки ёнғин таъсиридан ҳимоя қилувчи иссиқлик изоляцияси билан қопланганда улар ер ости сиғимларига тенглаштирилади.

Хоналарга сиғимлар жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Ер усти ва ер ости сиғимларининг деворидан 6,0 m масофадаги ҳудуд сиғим атрофидаги ҳудуд ҳисобланиши керак.

545. Сиғимлар қуйиш жўмраги томонига 2-3 фоиз қия қилиб ўрнатилиши керак.

546. Ер усти сиғимларини ёнмайдиган материаллардан (оловбардошлик чегараси камида 120 min) ясалган таянчларга ўрнатиш ва ёнига зинапояли кўчмас металл майдончалар бўлиши керак.

547. Майдончалар арматура, асбоб ва туйнукларнинг иккала томонида бўлиши зарур.

Ҳаво алмаштириш штуцерига бир томондан майдонча бўлиши лозим.

Майдонча ва зинапоялар ушбу ШНҚнинг 527-бандда кўрсатилган талабларга мувофиқ қурилиши керак.

Бир неча сиғим учун битта майдонча қуришда зинапоялар майдонча чеккаларида бўлиши зарур.

Майдончанинг ўрта қисмидаги узунлиги 60 m дан катта бўлганда қўшимча зинапоя бўлишини лойиҳалаштириш лозим.

Зинапоялар майдонча деворидан ташқарида бўлиши керак.

548. Ер устидаги сиғимлар қуёш нурларининг қиздиришидан муҳофазаланган (масалан, сиғимлар оқ ранг ёки кумушсимон рангга бўялган, ушбу ШНҚнинг 599-банддаги кўрсатмаларга биноан сув билан совитиладиган) бўлиши лозим.

549. Ер усти сиғимларини ГТШ майдончасидаги пастроқ жойларга гуруҳ-гуруҳ қилиб жойлаштириш лозим.

550. Гуруҳдаги ер усти сиғимларининг максимал умумий сиғимини қуйидаги 15-жадвалга мувофиқ бўлиши керак.

15-жадвал

ГТШ сиғимларининг умумий ўлчами (m^3)	**Гуруҳдаги сиғимларнинг умумий сиғими (m^3)**
2000 гача	1000
2000 дан 8000 гача	2000

551. Сиғим гуруҳлари орасидаги текис максимал масофа қуйидаги 16-жадвалга мувофиқ бўлиши лозим.

16-жадвал

Гуруҳдаги сиғимларнинг умумий ўлчами (m^3)	**Ер устида жойлашган гуруҳнинг четидаги сиғимларнинг чекка сирти орасидаги текис масофа (m)**
200 гача	5

200 дан 700 гача	10
700 дан 2000 гача	20

552. Ер устида жойлашган сиғимлар гуруҳи ичида улар орасидаги текис масофа ёнма-ён турган сиғимлардан энг каттасининг диаметридан кам бўлмаслиги, шунингдек уларнинг диаметри 2,0 m гача бўлганда эса камида 2,0 m бўлиши керак.

Икки ёки ундан кўп қатор қилиб жойлаштирилган ер усти сиғимларнинг қаторлари орасидаги масофани энг катта сиғимнинг узунлигига тенг бўлиши, бироқ камида 10 m қилиб олиш лозим.

553. Ер устидаги ҳар қайси сиғимлар гуруҳи учун периметри бўйлаб атрофини туташтириб ўраб чиқишни ёки ёнмайдиган материаллардан (масалан, ғишт, харсангтош, бетон, ва бошқалар) баландлиги камида 1,0 m бўлган гуруҳдаги сиғимларнинг 85 фоиз сиғишига мўлжалланган тўсиқ девор қурилиши, бунда грунт девор тепасининг кенглиги камида 0,5 m бўлиши керак.

Сиғимлардан ўрам ёки тўсиқ девор тагигача бўлган масофа энг яқин сиғим диаметрининг ярмига тенг, бироқ камида 1,0 m бўлиши зарур.

Сиғим корхона жойлашган ҳудудга кириш учун ўрам ёки тўсиқ деворнинг иккала томонидан зинапоялар кенглиги 0,7 m бўлган ўтиш жойлари, шунингдек ўрамнинг турли чеккаларида жойлашган ҳар қайси гуруҳ учун камида иккита зинапоя бўлиши лозим.

554. Ер остида жойлаштириш учун фақат цилиндрсимон сиғимлар бўлишини мўлжаллашга йўл қўйилади.

Ер остида жойлашган алоҳида-алоҳида сиғимлар орасидаги текис масофа қўшни сиғимлардан каттасининг диаметрини ярмига тенг, бироқ камида 1,0 m бўлиши керак.

555. Атрофи грунт билан тўлдирилган ер ости ва ер усти сиғимлари бевосита ерга ўрнатилиши зарур.

556. Грунт шароити ноқулай бўлганда (хандақ қазилган чуқурдан ер ости сувлари чиққанида ёки грунтнинг юк кўтариш қобилияти 0,1 MPa (1,0 kgf/cm^2) дан кам) сиғимлар учун пойдеворлар лойиҳалаш лозим.

557. Сиғимлар остидаги пойдеворларни ёнмайдиган материаллардан (тош, бетон, темирбетон ва бошқалардан) лойиҳалаш керак.

558. Сиғимлар атрофига грунт тўлдиришда таркибида органик қўшимчалар бўлмайдиган қумли ёки гилли грунтдан фойдаланиш лозим.

559. Ер ости сиғимлари ер ости сувлари юқори бўлган (сиғим тагидан тепароққача чиқадиган) жойларда жойлаштирилганда сиғимларнинг қалқиб чиқишининг олдини олишга доир чора-тадбирлар амалга оширилиши керак.

560. Сиғимларни коррозияланишдан қуйидагича муҳофаза қилиш лозим:

ер ости сиғимларини — ГОСТ 9.602-2016 талабларига мувофиқ;

ер усти сиғимларини — икки қават бўёқ ва қурилиш бораётган жойнинг ҳарорати ҳисобга олинган ташқаридаги ишлар учун мўлжалланган икки қават бўёқ, лок ёки эмал (сир) билан қоплаш орқали.

8-§. ГТШнинг технологик ускуналари

561. СУГнинг суюқ ва буғ фазалари қувурлар бўйлаб ҳаракатланиши учун насослар, дам бергичлар ёки буғлатиш (иссиқ алмаштириш) қурилмалари бўлиши керак.

562. Дам бергичларни хоналарга ёки шийпонларга жойлаштиришга йўл қўйилади.

Насос ва дам бергичлар ўрнатилган хонанинг поли атрофдаги ҳудуднинг режа белгиларидан камида 0,15 m юқори бўлиши керак.

563. Насос ва дам бергичларни пойдеворларга ўрнатилиши, улар бошқа ускунанинг пойдевори ва бино деворлари билан боғланмаган бўлиши керак.

564. Иккита ва ундан кўп насос ҳамда дам бергичлар битта қаторга жойлаштирилганда масофа камида қуйидагича бўлиши лозим:

хизмат кўрсатиладиган асосий йўлакнинг кенглиги — 1,5 m;

насослар орасидаги масофа — 0,8 m;

дам бергичлар орасидаги масофа — 1,5 m;

насослар билан дам бергичлар орасидаги масофа — 1,0 m;

насос ва дам бергичлардан хона деворигача бўлган масофа — 1,0 m.

565. Насос ва дам бергичларнинг сўрувчи қувурларида беркитувчи мослама, босимли қувурларида эса, беркитувчи мослама ва тескари тўсқичлар ўрнатилиши керак.

Насослар олдидан фильтрли ҳаво билан тозалаш қувурлари, насослардан кейинги босимли қувурларда эса, ҳаво билан тозалаш қувурлари ўрнатиш лозим.

Бу қувурларни фильтрли ҳаво билан тозалаш қувурлари билан бирлаштиришга йўл қўйилади.

566. Насосларнинг босимли коллекторларида насоснинг сўриш қувури билан туташтирилган газ чиқариш мосламаси бўлиши лозим.

Газ чиқариш мосламасида беркитувчи арматура ўрнатишга йўл қўйилмайди.

Конденсат йиғгичлар сатҳ сигнализаторлари ва дренаж мосламалари билан таъминланган бўлиши керак.

567. Сатҳ сигнализаторларида конденсат йиғгичда газ сатҳи максимал бўлганда дам бергични тўхтатишга имкон берадиган блокировка бўлиши керак.

568. Дам бергичлар ва насослар қуйидаги ҳолларда электр моторни ўчирадиган автоматика билан жиҳозланган бўлиши лозим:

хонада газ кўпайиб кетганида ушбу ШНҚнинг 591 ва 592-бандларидаги талабларига мувофиқ;

насос ва дам бергичларнинг босимли (ҳайдаш) қувурларида босим 1,6 MPa (16 kgf/cm^2) дан ортиб кетганда;

тўлдирилаётган сиғимда газ энг юқори сатҳга етгандан кейин (сиғимларни тўлдиришга мўлжалланган агрегатлар учун).

569. Буғлатгичлар (иссиқ алмаштиргичлар) ушбу ШНҚнинг 645-бандида келтирилган ҳолларда, шунингдек сиғимлар буғлатгичлар (иссиқ алмаштиргичлар) ёрдамида тўлдириладиган бўлганда сиғимларда газнинг сатҳи энг юқори даражага етганида буғлатгични ўчириб қўядиган автоматика билан жиҳозланиши керак.

570. Электр моторларни насос ва дам бергичлар билан диэлектрик қистирмали ва шайбали муфта воситасида бирлаштириш лозим.

571. Баллонларни тўлдириш усулидан, тарозида тортиш усулида ёки барча баллонларнинг тўлдирилиш даражаси (100 фоиз) ни аниқ билишга имкон бермайдиган бошқа усулда тўлдирилишидан қатъи назар баллонларнинг тўлдирилиш даражаси назорат қилиниши лозим.

572. Баллонларнинг герметиклигини назорат қилиш учун йилнинг совуқ фаслларида газни иситиш қурилмаси ўрнатишга йўл қўйилади.

573. Тўлиб тошган баллонлардан газни қуйиб олиш ва буғланмаган газни қуйиб олиш учун қуйидаги жойларда жойлаштириладиган сиғимлар бўлиши керак:

сақлаш базасининг ичида — сиғимларнинг умумий ўлчами 10 m^3 дан катта бўлганда;

тўлдириш цехининг биносидан камида 3 m масофада (транспорт юрмайдиган жойда) — сиғимларнинг умумий сиғими 10 m^3 гача бўлганда.

574. Автоцистерналарга СУГ тўлдириш ва газ хўжалиги корхоналарига тегишли газ баллонли автомобилларга газ бериш учун тўлдириш ва газ бериш колонкалари ўрнатиш ҳамда уларни умумий майдончага жойлаштириш керак.

575. Газ бериш колонкаларини ГТШ ҳудудидан ташқарида, ГТШ деворидан камида 20 m масофада жойлаштиришни мўлжаллаш лозим.

576. Буғ ва суюқ фаза қувурларида, қўзғалмас қувурлар тўлдириш ва автомобилларга газ бериш мосламаси бор колонкаларга бириктирилган жойнинг яқинида махсус клапанлар ўрнатиш лозим.

Бу клапанлар тўлдириш ва газ бериш мосламаларининг герметиклиги бузилганда газнинг атмосферага чиқишининг олдини олиши керак.

Газни резина қувурсиз қуйиш усулида конструкция ишончли бўлса юқорида айтилган клапанларни ўрнатмасликка йўл қўйилади.

577. Автоцистерналарнинг тўлганлик даражасини назорат қилиш учун автотарозилар бўлиши керак.

Иситилган газдан фойдаланишда унинг ҳароратини назорат қилиш лозим, у 45° С дан ортиб кетмаслиги керак.

578. Колонкаларга борадиган суюқ ва буғ фаза қувурларида колонкалардан камида 10 m масофада беркитувчи мосламалар ўрнатиш лозим.

579. Хоналардан ташқарида бўладиган СУГ иситиш буғлатгичлари ва иссиқлик алмаштиргичларни (бундан буён матнда буғлатиш қурилмалари дейилади) СУГ сақланадиган сиғимлардан камида 10 m ва насос-дам бергич бўлими ёки тўлдириш цехининг биносидан камида 1 m масофада жойлаштириш лозим.

580. Хоналарга жойлаштириладиган буғлатиш қурилмаларини тўлдириш цехининг биносига ёки газ истеъмол қилувчи қурилмалар бор бинонинг алоҳида хонасига ёки А тоифадаги бинолар учун алоҳида бинога ўрнатилиши, бунда ГТШнинг хизмат кўрсатувчи ходимлар доимий ўтирмайдиган хоналарига ўрнатилган буғлатиш қурилмаларида технологик жараённи назорат қиладиган қўшимча қурилмалар бўлиши, ушбу қурилмалар ГТШнинг хизмат кўрсатувчи ходимлар бўладиган хоналарига ўрнатилиши керак.

581. Иш унумдорлиги 200 kg/h гача бўлган буғлатиш қурилмаларини насос-дам бергич бўлимида ёки ер ости ва ер устидаги сиғимларнинг бўғизидаги қопқоғида (штуцерларда), шунингдек сақлаш базасининг ичида сиғимлардан камида 1 m масофада жойлаштиришга йўл қўйилади.

582. Буғлатгичлар орасидаги масофани буғлатгич диаметридан катта, бироқ барча ҳолларда камида 1 м бўлиши лозим.

583. ГТШда очиқ оловдан фойдаланадиган буғлатиш қурилмалари ўрнатишни мўлжаллашга йўл қўйилмайди.

9-§. Газ қурилмалари, арматура ва НЎА

584. ГТШ газ қувурларини ГОСТ 20448-2018 талабларига мувофиқ турли хил маркадаги газларни алоҳида-алоҳида қабул қилиш, сақлаш ҳамда беришни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштириш лозим.

Газ қувурларининг насос-дам бергич ва тўлдириш қурилмаларига кириш жойида бинонинг ташқарисида камида 5 m ва кўпи билан 30 m масофада электр юритмали беркитувчи мослама бўлиши зарур.

585. Иш босими 1,6 MPa (16 kgf/cm^3) гача бўлган суюқ ва буғ фаза газ қувурларини ушбу ШНҚнинг 23-бобига мувофиқ пўлат қувурлардан ўтказиш керак.

ГТШнинг қуйиш, тўлдириш, газ бериш мосламаларини улаш учун резинали ва резина аралашган тўқимали енглардан фойдаланишни мўлжаллаш керак.

Енгларнинг материали берилган босим ва ҳароратда ўтказилаётган газ таъсирига чидамли бўлиши керак.

586. ГТШнинг ишлаб чиқариш зонасида газ қувурларни ер устидан ёнмайдиган материаллардан тайёрланган таянчларда ҳамда ер сатҳидан камида 0,5 m баландликда ўтказишни мўлжаллаш керак.

Газ қувурларини ГТШ асосий ишлаб чиқариш биноларининг ташқи деворларидан (панеллардан қурилган металл қопламали ва полимер иситгичли деворлардан ташқари) дераза ўрнидан 0,5 m юқори ёки пастдан ва эшик ўрнидан 0,5 m юқоридан ўтказишга йўл қўйилади.

Бунда, дераза ва эшик ўрниларининг тепасидан ва пастидан арматура, фланецли ва резьбали бирикмалар жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Газ қувурларини ташқи деворлар орқали ўтказиш ушбу ШНҚнинг 127-бандига мувофиқ бажарилиши лозим.

587. Газ қувурларни V-1а синфига оид портлаш хавфи бор хоналарни портлаш хавфи бўлмаган хоналардан ажратиб турадиган деворлар орқали ўтказишда портлаш хавфи бор хона томондан салникли ғилофларда зичлагичлар қўйиб кетиш лозим.

588. Суюлтирилган газ қувурларининг гидравлик ҳисобини ушбу ШНҚнинг 3-бобига мувофиқ бажариш керак.

589. Ер устидан ўтказилган суюқ фаза газ қувурларининг беркитиш мосламалари билан чегараланган қисмларида қуёш нурларининг иситиши натижасида қувурда босим ортиб кетишининг олдини олиш мақсадида беркитиш мосламаси билан бирга тескари клапан ўрнатишни ҳам мўлжаллаш зарур.

У газни сақлаш базасининг сиғимларига ўтказиб юборади, бунда ўрнига сақлаш клапани ўрнатса ҳам бўлади.

Бунда, босим ошганида газ най (свеча) орқали ер сатҳидан камида 3 m баландликда чиқариб юборилиши керак.

590. Насос-компрессор, тўлдириш ва қуйиш, баллонларни газсизлантириш, бўяш бўлимларининг хоналарида, шунингдек А тоифага кирадиган бошқа хоналарда хона ҳавосида газнинг хавфли даражада кўпайиб кетганлигини билдирувчи газ анализаторлари ўрнатиш лозим.

591. СУГнинг ер ости ва ер усти сиғимлари учун НЎА ва сиғим арматураси бўлиши керак.

592. Ер усти сиғимлари учун унинг клапанларининг ўтказиш қобилияти (сақлаш клапани орқали ўтказиладиган газ) миқдорини ёнғин чиққанда сиғим билан атрофидаги ҳавонинг ҳарорати 600 °С ҳисобидан иссиқлик алмашинувига асосланиб белгилаш зарур.

Ер ости сиғимлари учун сақлаш клапанларининг ўтказиш қобилияти ер устидаги сиғимлар учун аниқланган ҳисобий қийматнинг 30 фоиз миқдорида қабул қилиш керак.

593. Сиғимларнинг сақлаш клапанларидан газни ҳаво билан тозалаш (чиқариб юбориш) қувурлари орқали чиқариш керак.

Ҳаво билан тозалаш қувурлари ер усти сиғимларига хизмат кўрсатиладиган майдончадан ёки ер ости сиғимларининг тўкма сиртидан камида 3,0 m баландликка чиқарилган бўлиши лозим.

Сақлаш клапанларидан бир нечтасини битта ҳаво билан тозалаш қувурига улашга йўл қўйилади.

Сақлаш клапанларидан газ чиқариб юбориладиган қувурларга беркитувчи мосламалар ўрнатишга йўл қўйилмайди.

594. Ер ости сиғимларида НЎА, ростлаш, сақлаш ва беркитиш арматураларини тўкманинг тепасига ўрнатилиши керак.

10-§. Муҳандислик коммуникациялари

595. ГТШда ташқи ёнғинга қарши сув таъминоти тизими бўлиши керак.

Сув таъминоти тизимига ёнғинни ўчиришга мўлжалланган сув манбалари, ёнғин ўчириш насос станцияси ҳамда гидрантлари бор юқори босимли ҳалқасимон туташтирилган сув қувури киради.

596. Сақлаш базасидаги сиғимларнинг умумий сиғими 200 m^3 ва ундан кам бўлганда ёнғинни ўчириш учун паст босимли сув қувури тизимини ёки ёнғинни сув ҳавзаларидаги сув билан ўчирилиши керак.

597. ГТШда ташқи ёнғин ўчиришга сув сарфини 17-жадвалга мувофиқ қабул қилиш лозим.

17-жадвал

Сақлаш базасидаги суюлтирилган газлар сиғимлари ўлчами (m^3)	**Сиғимлардан сувнинг сарфланиши (L/s)**	
	ер устидаги	**ер остидаги**
200 гача	15	15
1000 гача	20	15

2000 гача	40	20
2000 дан кўп, лекин 8000 гача	80	40

598. Ер усти сиғимлари бор ГТШдаги ёнғинга қарши насос станциясини ишлаш ишончлилиги жиҳатдан I тоифага киритиш керак.

ГТШ битта таъминлаш манбаидан электр билан таъминлаганида ички ёнув двигателлари бор ёнғинга қарши захира насослар ўрнатиш керак.

599. СУГ сақланадиган ер усти сиғимлари мавжуд ГТШда сиғимларнинг умумий ўлчами 200 m^3 дан катта бўлганда уларда сув билан совитадиган қўзғалмас автоматик тизим бўлиши лозим.

Бу тизим сиғимларнинг барча ён ва олд томонларини 75 min давомида ва арматурали олд томонларини 0,1 L/(cm^2) ҳамда 0,5 L/(cm^2) тезликда тўхтовсиз совитишни таъминлаш керак.

Сув қувуридан суғориш сиғими тизимига тушадиган сувни ўчирадиган қурилма сиғимдан камида 25 м масофадаги жойда ўрнатилиши лозим.

Ташқаридан ёнғинни ўчиришга ва сиғимларни сув сепиб совитишга умумий сув сарфини аниқлашда сувни гидрантлардан ушбу ШНҚнинг 17-жадвалида келтирилган миқдорлардан 25 фоиз сарф бўлишини ҳисобга олиш лозим.

600. Тўкиш эстакадасига ёнғин тушганда уни ГТШ учун қабул қилинган ёнғинга қарши сув таъминоти тизимидаги кўчма воситалар билан ўчириш керак.

601. Портлаш-ёнғин чиқиш, хавфи жиҳатдан А тоифага кирадиган бинолардан, шунингдек ГРШнинг V-1g синфга кирадиган портлаш хавфи мавжуд зонали ташқи қурилмалари ва иншоотларидан 50 м радиусда жойлашган сув қувурлари қудуқларида иккитадан қопқоқ бўлиши лозим.

602. ГТШда ишлаб чиқариш ва маиший канализацияси бўлиши керак.

603. ГТШ канализациясини лойиҳалаштиришда ишлаб чиқариш канализацияси билан маиший канализация сувларини битта қувурга тушириб юборишни ва ишлаб чиқаришдаги ифлосланмаган оқава сувлардан қайта фойдаланиш лозим.

604. Сиғимлар, автоцистерналар ва баллонларни буғлатишдан (ювиш) тушган оқова сувларни тиндиргичдан ўтказилиши, ишлаб чиқариш канализациясига тушириш керак.

605. Тиндиргичнинг қурилмаси таркиби жиҳатдан нефт маҳсулотларига ўхшаш бўлган сув юзасидаги ифлосликларни тутиб қолишга имкон берадиган бўлиши керак.

606. Ер юзасидаги сувларни ҳамда сиғимларни гидравлик синашдан тушган сувларни сақлаш базасининг ўралган ҳудудидан чиқариб юборишни базанинг ҳудудини режалаштириш вақтида назарда тутиш ва сувни гидрозатворли сув йиғгич орқали чиқариб юбориш лозим.

607. Ишлаб чиқариш канализациясининг портлаш-ёнғин чиқиш хавфи жиҳатдан А тоифага кирадиган хоналардан чиқиш жойига гидрозатворли қудуқлар ўрнатиш лозим.

ГТШнинг V-1g синфга кирадиган портлаш хавфи бор минтақа ташқи қурилма ва иншоотларидан 50 m радиусли зонада жойлашган канализация қудуқларида иккита қопқоқ бўлиши зарур.

Қопқоқлар орасидаги бўшлиққа камида 0,15 m қалинликда қум тўкиш ёки газ сизиб чиққанда унинг қудуққа тушишининг олдини оладиган бошқа материал билан зичлаштириш керак.

608. ГТШ ҳудудидаги иссиқлик тармоқлари қувурларини ер устидан ўтказишни мўлжаллаш лозим.

Ер устидан ўтказиш имконияти бўлмаган айрим жойларда қувурларни ер остидан ўтказишга йўл қўйилади.

609. Иситиш тизимининг қувурларини А тоифага кирувчи ишлаб чиқариш хоналари ичидан очиқ ҳолда ўтказиш керак.

610. А тоифадаги ёпиқ хоналар учун сунъий оқова-сўрма ҳаво алмаштириш тизими бўлиши лозим.

Хоналарнинг тепа қисмида ҳисобий ҳаво алмашинувни таъминлаш учун дефлекторлар ўрнатган ҳолда табиий ҳаво алмаштиришга йўл қўйилади.

611. Насос-компрессор, буғлатиш-тўлдириш, баллонларни газсизлантириш ва бўяш бўлимларида иш вақтида ҳавонинг 1 h да камида ўн марта ҳамда ишдан ташқари вақтда 1 h да уч марта алмаштирилиши зарур.

612. А тоифага кирувчи ишлаб чиқариш хоналарида суюлтирилган газлар сўрилиб чиқиб кетадиган мўриларни хонанинг пастки ва тепа қисмларида жойлаштириш лозим.

Бунда, пастки қисмидан умумий чиқиб кетадиган ҳаво ҳажмининг камида 2/3 қисмини сўриб олиш (маҳаллий сўримлардан чиқиб кетадиган ҳаво миқдори ҳам ҳисобга олинади) керак.

Ҳаво алмаштирувчи сўрма дарчасини полдан 0,3 m тепада жойлаштириш керак.

613. Авария ҳаво алмаштириш тизими ишчи минтақа ҳавосида зарарли моддалар тўпланмаси ПДК (РЕКК) дан ортиб кетганда хона ҳавосида газ кўпайганлигини билдирувчи сигнализация ишга тушиши билан автоматик равишда ишлаб кетиши лозим.

Газ-ҳаво аралашмасининг алангаси тарқалишининг пастки тўпланма чегарасининг 10 фоиздан ортиб кетганда ҳам авария ҳаво алмаштиргичи автоматик равишда ишга тушадиган бўлиши керак.

Бунда, ҳавони хонанинг пастки қисмидан чиқиб кетишни ҳисобга олиш лозим.

Авария сўрма ҳаво алмаштиргич ишга тушиши билан технологик насос ва дам бергичларнинг электр юритмалари автоматик равишда ўчадиган бўлиши лозим.

614. А тоифадаги ишлаб чиқариш хоналарига ўрнатиладиган насослар, дам бергичлар ва бошқа ускуналарнинг электр юритмаларини сўрма ҳаво алмаштириш тизимлари билан блокировка қилиниши, бунда ҳаво алмаштиргич тўхтаганида электр юритмалар ҳам тўхташи лозим.

615. ГТШнинг иситилмайдиган, хизмат кўрсатувчи ходимлар 2 h дан кам бўладиган ишлаб чиқариш хоналарида ташқи деворларнинг пастки қисмида жойлаштириладиган жалюзи панжаралар орқали табиий ҳаво алмаштиргич бўлиши лозим.

616. Қурилмасида маҳаллий сўрилмалар бўладиган ускунадан ҳавони алоҳида ҳаво сўрғич тизимлари орқали чиқарилиши керак.

617. Тортадиган вентиляция ускунаси жойлашган хоналарда (вентиляция камералари) 1 h да камида бир марта ҳаво алмаштирилиши зарур.

11-§. Суюлтирилган газ тўлдириш пунктлари

618. СГТП асосан автомобиль транспорти билан келадиган СУГни қабул қилиш, сақлаш ва истеъмолчиларга баллонларда бериш учун мўлжалланиши керак.

619. СГТП бинолари, иншоот ва қурилмаларини ГТШнинг ушбу ШНҚнинг 487 — 493-бандлари ҳамда мазкур параграфда келтирилган талабларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштириш зарур.

620. СГТПнинг СУГ сақлаш базасининг сиғимини ушбу ШНҚнинг 537 — 539-бандларидаги белгиланган талабларга мувофиқ ҳолда аниқлаш лозим.

621. СГТПни одамлар яшайдиган жойлар ҳудуди ичида, кўпроқ бўладиган шамолга тескари томонда жойлаштириш керак.

622. СГТП қуриш учун майдонча танлашда СГТП атрофини тўсиқ билан ўраш имкониятини, атрофида камида 10 m кенгликда қурилиш бўлмайдиган минтақа борлиги ҳисобга олиниши лозим (кенгайтирилаётган ва қайта қурилаётган СГТПга бундан мустасно).

623. СГТП ҳудуди ишлаб чиқариш минтақаси билан ёрдамчи минтақаларга бўлинади. Уларда СУГ қабул қилиш, ташиш, сақлаш ва истеъмолчиларга тарқатишнинг технологик жараёнига боғлиқ равишда қуйидаги асосий бино ва иншоотлар бўлиши керак:

а) ишлаб чиқариш минтақасида:

газ қуйиш учун колонкалар;

СУГ сақланадиган сиғимлари сақлаш базаси;

тўлдирилган ва бўш баллонларни жойлаштириш учун ортиш-тушириш майдончаси мавжуд тўлдириш цехи;

насос-дам бергич ва ҳаво-дам бергич бўлимлари;

буғлатиш (иссиқ алмаштириш) қурилмаси;

буғланмаган газни баллонлардан қуйиб олиш учун сиғимлар;

СУГнинг буғ ва суюқ фазасини СГТПнинг технологик чизмасига мувофиқ бир жойдан бошқа жойга олиб бориш учун майдонча;

б) ёрдамчи минтақада:

ишлаб чиқариш-ёрдамчи бино, унда механик устахона, насос бўлими, маъмурий-хўжалик бўлими ва бошқа хоналар;

трансформаторлар кичик станцияси;

қозонхона (мавжуд иссиқлик таъминоти манбаларига улашнинг иложи бўлмаганида);

автомобиллар турадиган очиқ майдонча;

ёнғинга қарши сув захираси турадиган сиғимлар;

омборхона ва бошқа хоналар.

Газ хўжалигидан фойдаланиш хизматини СГТП ҳудудига бирлаштириб (тақаб) жойлаштиришга йўл қўйилади.

624. СГТПда жойлаштирилган СУГ сақлаш сиғимларидан СГТПга тааллуқли бўлмаган бино ва иншоотларгача бўлган энг кам масофа қуйидаги 18-жадвалга ҳамда йўлларгача бўлган масофа эса 19-жадвалга мувофиқ бўлиши керак.

18-жадвал

Сиғимларнинг умумий ўлчами (m^3)	**Битта сиғимнинг энг кўп ўлчами (m^3)**	**Сиғимлардан СГТПга тааллуқли бўлмаган биноларгача (турар-жой, жамоат, ишлаб чиқариш бинолари бўлган масофа (m)**	
		Ер устидан	Ер остидан
50 дан 100 гача	25	80	40
50 дан 100 гача	50	100	50
100 дан 200 гача	50	150	75

19-жадвал

СГТП ҳудудидан ташқаридаги йўллар	**СГТПдаги сиғимларнинг умумий ўлчами қуйидагича бўлганда суюлтирилган газ сиғимларидан йўлгача бўлган масофа (m)**			
	100 m^3 гача		**100 m^3 дан катта**	
	ер устидаги	**ер остидаги**	**ер устидаги**	**ер остидаги**
Умумий тармоқдаги темир йўллар (тўкманинг этагигача ёки чуқурнинг сиғим томонидаги қирғоғигача)	50	30	75	50
Саноат корхоналарига келадиган темир йўл шохобчалари, трамвай йўллари (йўл ўқигача, автомобиль йўллари (йўл четигача)	20	15	30	20

625. СГТП ҳудудида жойлашган бино ва иншоотлар орасидаги энг кам масофа ГТШ каби ушбу ШНҚнинг 11-иловасига мувофиқ бўлиши керак.

СГТПда суюлтирилган газни сақлаш учун умумий сиғими 50 m^3 дан кам бўлган сиғимлар жойлаштирилганда масофа ушбу ШНҚнинг 12-иловасига мувофиқ бўлиши лозим.

ГСТП ҳудудидаги биноларда СГТПга тааллуқли бўлмаган ишлаб чиқаришлар ҳамда турар-жой хоналари бўлишига йўл қўйилмайди.

12-§. Баллонларнинг оралиқ омборлари

626. Жавонлардан бино ва иншоотларгача бўлган минимал масофа мазкур ШНҚнинг 20 ва 21-жадвалларига мувофиқ танланиши лозим.

627. Ёнмайдиган материаллардан ясалган жавонларда кўпи билан 10 та баллонни сақлашга йўл қўйилади.

20-жадвал

Иншоотлар	Баллонлар гуруҳи қурилмасининг жавонидан текислик бўйича масофа (m)
Канализация (чиқиндилар қувури), иссиқлик трассаси	3,5
Сув қувури ва бошқа каналсиз коммуникациялар	2,0
Ер ости коммуникацияларининг қудуқлари, чиқинди ўралари	5,0
Электр кабеллар ва электр узатиш ҳаво йўллари	Электр қурилмаларини ўрнатиш қоидаларига мувофиқ

21-жадвал

Бинолар	Бинолар гуруҳи қурилмасидан биногача масофа (m)
Турар-жой, саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш бинолари, ишлаб чиқариш хусусиятли маиший хизмат корхоналарининг бинолари ва оловбардошлик даражаси қуйидагича бўлган бошқа бинолар:	
I ва II	8
III	10
IV ва V	12
Жамоат бинолари, оловбардошлик даражасидан қатъи назар	25
Аҳолида жойлашган хўжалик	8

628. Баллонлар сақланадиган бино Босим остида ишлайдиган идишларни ўрнатиш ва улардан хавфсиз фойдаланиш қоидаларининг талабларига жавоб берадиган бўлиши лозим.

629. БООни аҳоли яшайдиган жойлар ҳудудига турар-жой биноларига нисбатан шамолга тескари томонда, автомобиль йўллари яқинида жойлаштириш керак.

630. БОО омбори ва ортиш-тушириш майдончаларидан турли мақсадларга мўлжалланган бино ва иншоотларгача бўлган масофа ушбу ШНҚнинг 12-иловасида келтирилган қийматлардан кам бўлмаслиги лозим.

Бунда, БОО камида 150 та баллон жойлаштириладиган бўлганда, БООдан боғ ва дала ҳовлиларнинг бир қаватли биноларигача бўлган масофа мазкур ШНҚнинг 12-иловасидаги жадвалнинг 2-позициясида келтирилгандан кўпи билан 2-марта камайтиришга йўл қўйилади.

13-§. Баллонларнинг оралиқ омборлари электр таъминоти, электр ускуналар, яшиндан ҳимоя ва алоқа воситалари

631. Хоналардаги портлаш хавфи мавжуд зоналар ва ташқи қурилмаларнинг синфини ушбу ШНҚнинг 521-банди талабларига мувофиқ бўлиши керак.

ГТШ, СГТП ва БООлар учун электр ускуналар қабул қилинган синфга мувофиқ ҳолда танланиши лозим.

632. ГТШ, СГТП ва БООдаги электр истеъмолчиларни электр таъминотининг ишончлилигини таъминлаш жиҳатдан III тоифага киритиш керак.

Ёнғинга қарши насос станциясидаги электр истеъмолчиларни 1-тоифага киритиш лозим.

633. Ёнғинни ўчиришда ишлатиладиган насосларни электр таъминотининг иккита мустақил манбадан таъминлашнинг иложи бўлмаганида дизел юритмали захира насос ўрнатиш лозим.

634. Насос-дам бергич, тўлдириш ва буғлатиш бўлимларининг хоналарида иш вақтидаги ёритилишдан ташқари авария вақтида қўшимча ёритилиш бўлиши керак.

635. Электр таъминоти чизмасида ёнғин пайдо бўлганда, портлаш хавфи мавжуд зонали хоналар ҳавосида газнинг тўпланиши хавфли даражада кўпайиб кетганида технологик ускуналарнинг автоматик узилиши ва ҳаво алмаштириш қурилмаларининг марказий пультдан ўчирилиши керак.

636. ГТШ ҳудудида ташқи ва муҳофаза ёритилиши, СГТП ва БООда — ташқи ёритилиш қурилмалари бўлиши лозим.

Ташқи ва муҳофаза ёритилишни ходимлар доим бўлиб турадиган жойдан (масалан, ҳудудга кириш хонасидан) бошқариш лозим.

637. ГТШ ва СГТП сақлаш базалари ҳудуди устидан ҳаводан электр узатиш симлари ўтказишга йўл қўйилмайди.

Сақлаш базаси ҳудудида жойлашган НЎА ва электр ускуналар портлашдан муҳофазаланган бўлиши керак.

638. Портлаш хавфи бор минтақалар қайси синфга киришга қараб ташқи технологик қурилмалар ва коммуникацияларнинг бино ва иншоотлари учун чақмоқдан ҳимоя қилиш РД 153-34.21.122-2003 талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

639. ГТШ бинолари учун ички алоқа бўлишига йўл қўйилади.

БОО учун ташқи телефон тармоғига чиқиши керак.

640. Ҳар қандай синфдаги портлаш хавфи бор минтақаларда портлашдан ҳимоялаш даражаси ёки ҳимоялаш даражасининг жилди ГОСТ 17494-87га мувофиқ электрик машиналар ишлатилиши лозим.

641. Ҳар қандай синфдаги портлаш мавжуд минтақаларда нолга тенглаштирилган (ерга уланган) корпуслар шкафлари ва пультлари ичида ўрнатилган электр қурилмаларидан бошқа ўзгарувчан ҳамда доимий токли электр қурилмасини нолга тенглаштириш (ерга улаш) лозим.

21-боб. Сиғимли ва баллонли қурилмалардан суюлтирилган газлар билан таъминлаш

1-§. Умумий талаблар

642. Алоҳида табиий ва иқлим шароитларига эга бўлган туманлар учун СУГ таъминоти тизимларини лойиҳалашда ушбу ШНҚнинг 22-23-бобларида келтирилган талабларни инобатга олиш керак.

643. Хоналар ичидан газ қувурларини ўтказиш, газ асбобларини жойлаштириш ва ишлаб чиқариш қурилмаларини газ билан таъминлашни лойиҳалаштириш ишларини ушбу ШНҚнинг 18-бобида келтирилган талабларга мувофиқ амалга ошириш лозим.

2-§. Сиғим қурилмалари

644. СУГ таркибига ва иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда сиғим қурилмаси таркибига буғлатгичлар ва буғлатиш қурилмалари бўлиши лозим.

Босим тартиблагичида ПСК ўрнатилган ҳолларда тартиблагичдан сўнг қўшимча чиқариб юбориш тўсқичини ўрнатмасликка йўл қўйилади.

Газ босими икки босқичда тартибланадиган бўлганда ПСКни 1-босқичдаги босим тартиблагичидан олдин ўрнатиш ва II босим тартиблагичдан кейин импульсли най улаш керак.

645. Қурилмадаги сиғимлар сонини ҳисоблаш йўли билан топиш лозим ва улар иккитадан кам бўлмаслиги керак.

Иккитадан кўп сиғим бўлса, қурилма гуруҳларга ажратилиши лозим.

Ҳар бир гуруҳдаги сиғимлар суюқ ва буғ фазалари бўйича бир-бири билан қувурлар ёрдамида уланиши зарур.

Алоҳида гуруҳларнинг биргаликда ишлаши учун уларни ўчирадиган қурилмалар билан буғ фазаси қувурлари уланиши керак.

Ер усти қурилмаси учун СУГ билан тўлдирилган ГТШда ёки СГТПда ҳам стационар, ҳам транспортабел (автомобилга ўрнатилган) сиғимлари бўлишига йўл қўйилади.

646. Сиғимли қурилмаларнинг НЎА, тартиблаш, сиғим ва беркитиш арматуралари ушбу ШНҚнинг 23-боби талабларига жавоб берадиган бўлиши керак.

647. Сиғимли қурилмаларнинг арматура ва асбобларини атмосфера ёғингарчилик ва шикастланишлардан ғилоф билан муҳофаза қилиш лозим.

648. Сиғимли қурилмаларда ёнмайдиган материалдан ясалган баландлиги камида 1,6 m бўлган тўсиқ бўлиши, улардан тўсиққача масофа камида 1 m бўлиши керак.

Ер устидаги сиғимларда соябон бўлиши лозим.

649. Табиий буғланишда сиғимларнинг иш унумдорлиги қуйидагича аниқлаш керак:

ер остида жойлаштирилганда — номограмма асосида;

ер устида жойлаштирилганда — атроф-муҳит билан иссиқлик алмашиниш шароитлари асосида.

Ёнма-ён жойлашган ер ости сиғимларининг иссиқлик таъсирини ҳисобга олиш учун номограммадан топилган иш унумдорлигини қурилмадаги сиғимларнинг сонига боғлиқ бўлган иссиқлик таъсири коэффитсиент м га кўпайтириш керак:

Қурилмадаги сиғимлар сони	**Иссиқлик таъсири коэффициентининг қиймати**
2	0.93
3	0.84
4	0.74
6	0.67
8	0.64

Сиғимлар сони 8 тадан кўп бўлганда м коэффициентининг қиймати экстраполяция йўли билан аниқланиши лозим.

650. Ер устида жойлашган ўлчами 600 L, 1000 L, 1600 L бўлган сиғимларнинг иш унумдорлиги ҳаво билан иссиқлик алмашинув шароитидан келиб чиқиб, иссиқлик техникаси ҳисобидан ёки ушбу ШНҚнинг 13-иловасига мувофиқ аниқланиши керак.

Турар-жой биноларини газ билан таъминлашда суюлтирилган газларнинг 1h лик ҳисобий сарфи Q^h_d ни ушбу формула орқали аниқлаш керак, kg/h:

$$Q^h_d = \frac{nK^n_d \cdot Q_y}{Q^e_l \cdot 365} K^n_h$$

Бу ерда:

n — газдан фойдаланадиган аҳоли сони, киши. Бунда, маълумот бўлмаганида унинг қиймати газлаштириладиган хонадонлар сонига ва газлаштириладиган тумандаги оилалилик коэффициентига қараб қабул қилинади;

K^d_n — йил давомида газдан бир кунлик нотекис фойдаланиш коэффициенти (хонадонларда газ плиталари бўлганида — 1,4, плиталар ҳамда сув иситгичлар бўлганида — 2,0);

Q_y — бир кишига тўғри келадиган йиллик газ сарфи иссиқлик бирликларида kJ/-yil/-kcal/yil;

K^n_h — кунлик сарфнинг соатлик энг кўп кўрсаткичи — 0,12;

Q^e_l — газнинг ёниш иссиқлиги, kJ/kg/cal/kg.

651. Истеъмолчилар тоифасига боғлиқ равишда қурилмадаги сиғимларнинг энг кўп умумий ўлчамини қуйидаги 22-жадвал ҳамда битта сиғимнинг энг кўп ҳажмини 23-жадвалдан қабул қилиш керак.

22-жадвал

Сиғим қурилмасининг вазифаси	**Сиғимларнинг умумий ўлчами (m^3)**	
	Ер устидаги	Ер остидаги
Турар-жой, жамоат бинолари ва иншоотларининг газ таъминоти	5	300

Саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ишлаб чиқариш хусусиятли маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини газ билан таъминлаш	20	300

23-жадвал

Сиғим қурилмасининг умумий ўлчами (m^3)	**Битта сиғимнинг энг кўп ҳажми* (m^3)**	
	ер устидаги	ер остидаги
Стационар сиғимларда:		
20 гача	5	5
20 дан 50 гача	-	10
50 дан 100 гача	-	25
100 дан 300 гача	-	50
Олиб қўйиладиган сиғимларда, 5 гача	1,6	-

** сиғимлар сони уларнинг жойлашиши ва зарурий ҳажми бўйича ҳар бир конкрет ҳолат бўйича аниқланади.*

652. Чекка сиғимдан ҳисоблаганда қуйидагиларга мувофиқ қабул қилиш лозим:

турли мақсадларга мўлжалланган бино ва иншоотларгача масофани камида — 22-жадвалга;

ер ости иншоотларигача масофани баллонли қурилмалар гуруҳидаги каби камида — 23-жадвалга;

электр узатиш линияларигача масофа — Электр қурилмаларини ўрнатиш қоидаларига.

Турар-жой ва жамоат биноларини газ билан таъминлашга мўлжалланган сиғим қурилмаларидан трансформатор кичик станцияларигача ва тақсимлаш қурилмаларигача масофа қуйидаги 24-жадвалга мувофиқ қабул қилиш керак.

Ер ости сиғимларидан камида 15 m ва ер усти сиғимларидан 20 m бўлиши лозим.

24-жадвал

Бино ва иншоотлар	**Сиғим қурилмасидаги сиғимларнинг умумий ўлчами (m^3) қуйидагича бўлганда**								
	ер устида				**ер остида**				
	сиғимлардан бино ва иншоотларгача бўлган масофа (m^3)								
	5 гача	5 ÷ 10	10 ÷20	10 гача	10 ÷20	20÷50	50 ÷100	100 ÷200	200 ÷300
Жамоат бинолари ва иншоотлар	40	-	-	15	20	30	40	45	75
Турар-жой бинолари:									
қурилма томонидаги деворида ўйиқлар бўлганда	20	-	-	10	15	20	40	40	75
қурилма томонидаги деворида ўйиқлар бўлмаганда	15	-	-	8	10	15	40	40	75
Саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг, ишлаб чиқариш хусусиятли маиший хизмат корхоналарининг	15	20	25	8	10	15	25	35	45

бино ва иншоотлари									

Изоҳ: Агар турар-жой биносида жамоат корхоналари жойлашган бўлса, масофани турар-жой биносига қадар қабул қилингани каби олиш керак.

Қўшни сиғим қурилмалари орасидаги масофани 3-позиция бўйича қабул қилиш лозим.

653. Сиғим қурилмалари учун текис жойлаштириладиган цилиндр шаклидаги пайвандланган пўлат сиғимлар ишлатиш керак. Ер ости сиғимларини ушбу ШНҚнинг 20-бобига мувофиқ ўрнатиш лозим.

Ер остига ўрнатиш учун мўлжалланган сиғимларни ер устига ўрнатишга йўл қўйилмайди.

654. Ер ости сиғимларини емирилишдан муҳофаза қилиш ГОСТ 9.602-2016 ва ушбу ШНҚнинг 15-боби талабларига мос бўлиши лозим.

Ер устидаги сиғимларни оч рангга бўяш керак.

655. Ер ости сиғимларини ўрнатишда қиш фаслида грунт музлайдиган ҳудудларда ер сиртидан сиғимнинг тепасигача бўлган масофа камида 0,6 m ва грунт музламайдиган ҳудудларда 0,2 m бўлиши лозим.

Сувга тўйинган грунтларда сиғимларни ўрнатишда ер ости сувларининг сатҳи қуйидагича бўлганда сиғимларнинг қалқиб чиқишининг олдини оладиган чора-тадбирлар амалга оширилиши керак:

ўлчами кўпи билан 5 m^3 бўлган сиғимлар учун унинг диаметрал уфқий текислигидан юқори бўлганда;

ўлчами 5 m^3 дан катта сиғимлар учун унинг тубидан юқори бўлганда.

Ер ости сиғимлари орасидаги текис масофа камида 1 m, ер устидаги сиғимлар орасидаги масофа эса ёнма-ён турган сиғимларнинг каттаси диаметрига тенг, бироқ камида 1 m бўлиши керак.

656. Ер ости сиғимларини туташтирадиган ер ости суюқ фаза газ қувури тепасида назорат найи бўлиши лозим.

657. Сиғимларни туташтирувчи буғ фаза газ қувурида сиғимлар гуруҳлари орасида ердан камида 0,5 m баландликда беркитувчи мослама ўрнатилиши керак.

658. Сақлаш тўсқичларини ҳар қайси сиғимга, сиғимлар гуруҳга бирлаштирилганда (суюқ ва буғ фазаларники) эса ҳар қайси гуруҳдаги битта сиғимга ўрнатилиши лозим.

3-§. Буғлатиш қурилмалари

659. Қуйидаги ҳолларда сунъий буғлатишли буғлатиш қурилмалари ўрнатилиши керак:

табиий ва грунт таъсирида буғланадиган сиғим қурилмаларини газга бўлган ҳисобий эҳтиёжни таъминламаганда;

ўзгармас таркибли газ (ёниш иссиқлиги ўзгармас, зичлиги ўзгармайдиган) билан таъминлаш зарур бўлганда;

сиғимлар ўрнатилган чуқурликда грунт ҳарорати 0° С дан паст бўладиган жойларда таркибида бутан миқдори кўп (30 фоиздан ортиқ) бўладиган газ етказиб беришда.

660. СУГ буғ фазасини беришда битта сиғим қурилмасидан таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлган хонадонлар сонини қуйидаги 25-жадвал бўйича қабул қилишга йўл қўйилади.

25-жадвал

Бинодаги қаватлар сони	**Газ истеъмолининг энг мувофиқ зичлиги kg/(одамга)**	**Газ буғлатгичи турига қараб хонадонлар сони**			
		Электр буғлатгич		**Сувли ва буғли буғлатгич**	
		Энг мувофиқ	**Йўл қўйиладиган**	**Энг мувофиқ**	**Йўл қўйиладиган**
Газ плиталари ўрнатилганда					
2	1,65	735	513-1100	975	688-1563
3	2,15	1071	725-1700	1553	1068-2500

4	2,30	1189	775-2013	1765	1188-2813
5	2,60	1444	913-2475	2243	1563-3850
9	3,45	2138	1325-3825	3639	2238-5750
Оқиб турувчи сув иситиш ва газ плиталари ўрнатилганда					
2	2,95	803	488-1338	956	588-1575
3	3,80	1355	788-2525	1580	975-2675
4	4,20	1570	900-2938	1818	1163-3200
5	4,60	2051	1075-4200	2349	1400-4225

661. Оқова ва сиғимли буғлатиш қурилмаларини ер ости сиғимлари билан ўрнатишга йўл қўйилади.

Буғлатиш қурилмаларини сиғимлар билан ер устида ўрнатиш уларнинг устки юзасига мос иссиқлик изоляциясини қоплагандагина йўл қўйилади.

662. Электр иситиш қурилмаларидан фойдаланилганда бошқариш тизими электр энергия узатишда вақтинчалик узилишлардан сўнг электр иситгичларнинг автоматик ўчишини таъминлаши керак.

663. Буғлатиш қурилмалари НЎА, шунингдек суюқ фазанинг буғлатиш қурилмасидан буғ фазасининг газ қувурига тушишининг олдини оладиган ҳамда буғ ва суюқ фаза босимларининг йўл қўйиладиган даражадан ортиб кетишининг олдини оладиган ростлаш ва сақлаш арматураси билан таъминланган бўлиши керак.

Иссиқлик ташувчи сифатида қизиган суюқлик ёки буғдан фойдаланиш мўлжалланган буғлатиш қурилмалари иссиқлик ташувчининг ҳарорати жуда пасайиб кетганлиги ҳақида хабар берувчи сигнализация билан жиҳозланган бўлиши лозим.

664. Буғлатиш қурилмаларини ердан баландроқ кўтарилган очиқ майдончаларда ёки хоналарда жойлаштиришга йўл қўйилади.

Иш унумдорлиги 100 m^3/h (200 kg/h) гача бўлган буғлатгичларни бевосита сиғимлар бўғизидаги қопқоқларда ёки сиғим қурилмаси атрофида ер ости ва ер усти сиғимларидан камида 1 m масофада, шунингдек агрегатлар алоҳида хоналарда ёки очиқ майдончаларда жойлаштирилганда бевосита газ истеъмол қилувчи агрегатлар ёнида жойлаштиришга йўл қўйилади.

Иш унумдорлиги 100 m^3/h (200 kg/h) дан катта бўлган буғлатгичларни сиғим қурилмасидан ташқарида, камида қуйидагича масофада жойлаштириш керак:

бино ва иншоотлардан 20 ва 21-жадвалларида келтирилгани каби;

сиғим қурилмасининг тўсиғидан — 10 m.

665. Хонадан ташқарида жойлаштириладиган буғлатгичларда иссиқликни сақлайдиган қопламаси бўлиши лозим.

666. Буғлатгичлар гуруҳ-гуруҳ қилиб жойлаштирилганда улар орасидаги масофа камида 1 m бўлиши керак.

4-§. Баллонлар гуруҳи қурилмалари

667. Баллонлар гуруҳи қурилмаси таркибида СУГ учун баллонлар, юқори босим коллектори, газ босими тартиблагичи ёки автоматик тартиблагич, умумий беркитувчи қурилма, манометр (кўрсатувчи), СЧК (чиқариб юборадиган) ва қувурлар бўлиши керак.

СЧКга босим тартиблагичи ўрнатилган бўлса қўшимча тўсқич ўрнатиш талаб этилмайди.

668. Битта гуруҳ қурилмасидаги баллонлар сонини газнинг соатлик сарфи ва битта баллоннинг атрофидаги ҳаво ҳарорати, газнинг белгисига ҳамда газ олиш давомийлигига боғлиқ ҳолдаги иш унумдорлиги асосида ҳисоблаб топиш керак.

669. Баллонлар гуруҳи қурилмасидаги баллонларнинг умумий энг кўп сиғимини 26-жадвалга мувофиқ қабул қилиш лозим.

26-жадвал

Баллонлар гуруҳи қурилмасининг вазифаси	**Баллонлар гуруҳи қурилмаси қуйидагича жойлаштирилганда**

	қурилмадаги барча баллонларнинг сиғими (L)	
	бинолар девори ёнида	**бинолардан маълум масофада**
Турар-жой биноларини ва ишлаб чиқариш хусусиятли бўлмаган жамоат биноларини газ билан таъминлаш	600	1000
Саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини ҳамда ишлаб чиқариш хусусиятли маиший хизмат корхоналарини газ билан таъминлаш	1000	1500

670. Баллонлар гуруҳи қурилмаларини ёнмайдиган материалдан ясалган жавонларда ёки муҳофаза ғилофлари ичида жойлаштириш керак.

Баллонлар гуруҳи қурилмаларини бевосита бинолар ёнида ёки бинолардан камида ушбу ШНҚнинг 20-жадвалида келтирилган масофада, иншоотлардан камида 21-жадвалида келтирилган масофада жойлаштириш керак.

671. Биноларнинг баллонлар гуруҳи қурилмалари бирлаштириб (тақаб) жойлаштирилган деворларининг оловбардошлик даражаси III бўлган, ичида ёнадиган материалдан иситгич бўлмаган, дераза ва эшик ўринлари камида ушбу ШНҚнинг 8-иловасидаги жалвалда келтирилган масофада бўлиши керак.

Жамоат бинолари ёки ишлаб чиқариш бинолари яқинида биттадан ортиқ баллонлар гуруҳи қурилмасини жойлаштиришни мўлжаллашга йўл қўйилмайди.

Турар-жой биноси ёнида баллонлар гуруҳи қурилмасидан кўпи билан учтасини жойлаштирилиши, бунда улар орасидаги масофа камида 15 m бўлиши керак.

672. Жавон ва баллонларни пойдеворга ўрнатилиши, унинг атрофида жавон олдида эни камида 1 m ва бошқа томонларида 0,5 m жой бўлиши лозим.

Баллонлар гуруҳи қурилмасини автотранспорт қулай келадиган жойда жойлаштириш керак.

Муҳофаза ғилофлари ичида жойлаштириладиган баллонлар гуруҳи қурилмасида ёнмайдиган материалдан ишланган тўсиқ бўлиши керак.

Баллонлар гуруҳи қурилмаси устига ёнмайдиган материалдан соябон ўрнатилиши зарур.

673. СУГ бир меъёрда буғланишини таъминлаш зарур бўлганда ва сиғим қурилмаларидан фойдаланишнинг иложи бўлмаганида баллонлар гуруҳи қурилмасини махсус бинога ёки газлаштириладиган ишлаб чиқариш биносининг яхлит деворига бирлаштириб (тақаб) қурилган хонага жойлаштиришга йўл қўйилади. Бунда, хоналар алоҳида жойлашган ёки СГТПга тақаб қурилган хоналарга доир ушбу ШНҚнинг 17-боби талабларига жавоб бериши лозим.

Ҳаво алмаштиргични ҳавонинг 2/3 қисми хонанинг пастки қисмидан чиқиб кетадиган 1 h ҳаво беш марта алмашинадиган қилиб лойиҳалаштириш керак.

674. Кичик сиғимли баллонларни аҳолига сотадиган дўконлар биноси ушбу ШНҚнинг 503-банди талаблар асосида лойиҳаланиши, улардаги баллонларнинг максимал сиғими ва дўкондан бино ҳамда иншоотларгача масофани саноат корхоналари учун мазкур ШНҚнинг 20 ва 21-жадвалларида келтирилган қийматларга мувофиқ қабул қилиш лозим.

5-§. Баллонлар гуруҳи ва сиғим қурилмаларининг қувурлари

675. Сиғимлар, баллонлар ва босим тартиблагичлари атрофидаги қувурларни сиғимлар ёки баллонлар учун қабул қилинган босимга мос бўлиши керак.

676. Баллонлар гуруҳидан ва сиғим қурилмаларидан кетадиган ташқи газ қувурларини ушбу ШНҚнинг 23-боби талабларига жавоб берадиган пўлат қувурлардан бўлиши лозим.

677. Баллонлар гуруҳи ва газ сунъий буғлатиладиган сиғим қурилмаларидан кетадиган ер ости газ қувурларини энг кам ҳарорати газнинг конденсатланиш ҳароратидан юқори бўладиган чуқурликда ётқизиш керак.

Сиғимли буғлатгичлардан кетадиган газ қувурларини грунт музлайдиган чуқурликдан пастроқдан ўтказиш лозим.

Мазкур талабларни бажаришнинг имкони бўлмаган ҳолларда, газ қувурларини ёки конденсат йиғгичларни иситиш лозим.

678. Иситиладиган хоналарда жойлаштирилган баллонлар гуруҳи қурилмасидан ва ер ости сиғим қурилмаларидан кетадиган газ қувурларини иссиқликни сақлаш қопламаси бўлишини ва иситилишини таъминлаш керак.

Иссиқлик изоляциясини ёнмайдиган материаллардан ясалиши лозим.

679. Газ қувурларининг нишаби ер ости газ қувурлари учун конденсат йиғгичлар томонига ва ер усти газ қувурлари учун газ билан таъминлаш қурилмаси томонига камида 5 фоиз бўлишини таъминлаш лозим.

Конденсат йиғгичларнинг сиғимини газнинг соатлик ҳисобий сарфининг 1 m^3 га камида 4 L ҳисобидан қабул қилиш керак.

680. Баллонлар гуруҳи ва сиғим қурилмаларидан келадиган паст босимли газ қувурларида ушбу ШНҚнинг 16-боби талабларига мувофиқ беркитувчи қурилмалар ўрнатиш лозим.

Битта сиғим қурилмасидан 400 дан ортиқ хонадон газ билан таъминланадиган бўлса сиғим қурилмадан келадиган ер ости газ қувурида чуқурлиги кўпи билан 1 m қудуқда ёки ер устида ҳимоя ғилофида (тўсиқда) қўшимча беркитиш қурилмаси ўрнатиш керак.

6-§. Шахсий баллон қурилмалари

681. Таркибига кўпи билан иккита баллон кирадиган СУГ таъминоти қурилмасини шахсий баллон қурилмаси деб ҳисобланади.

682. Шахсий баллон қурилмаларини турар-жой биноларининг ички томонида ҳамда ташқарисида жойлаштирилишига йўл қўйилади.

СУГ таъминотида бино ичига битта баллонни жойлаштиришга йўл қўйилади. Кўп қаватли бинолар ичида баллонларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Фуқаролар икки қаватли биноларининг фақат биринчи қаватларида баллонларни жойлаштиришга йўл қўйилади.

683. Газ асбоблари ва газли баллонларни жойлаштириш мўлжалланган хоналар ушбу ШНҚнинг 18-боби талабларга жавоб бериши керак.

684. Қуйидаги жойларда газли баллонлар ўрнатишга йўл қўйилмайди:

одамлар яшайдиган хоналарда;

ертўла ва погреблар устидаги ошхоналарда;

умумий овқатланиш корхоналарининг овқатланиш хоналари ва савдо заллари, таълим хоналари ва ўқув синфлари, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларининг заллари, касалхона палаталари остида жойлашган хоналарда;

бекат-тўхташ майдонларида, хиёбонлар ҳудудида ва бозорларда;

табиий ёруғлик тушмайдиган хоналарда;

авария ҳолатидаги чиқиш жойларида;

бинонинг бош тарзи томонида.

685. Пастки қаватларда ва ертўлаларда жойлаштирилган СУГ агрегатларини қурилмалар ва турли ёнғичларни газ билан таъминлашга йўл қўйилмайди.

686. Ишлаб чиқариш хоналарида СУГ баллонларини цех ичидаги транспорт, металл қириндилар зарар етказилмайдиган ва корзион-фаол суюқлик ҳамда газлар таъсиридан муҳофазаланган, шунингдек 45° С дан ортиқ қизимайдиган жойларга ўрнатиш лозим.

Агар агрегатнинг қурилмасида назарда тутилган бўлса, у ҳолда баллонларни бевосита газ истеъмол қилувчи агрегатлар ёнида ўрнатишга йўл қўйилади.

687. Чорвачилик ва паррандачилик хоналарини газ билан таъминлашга мўлжалланган шахсий баллон қурилмаларини бинодан ташқарида жойлаштириш керак.

Гулхона ва иссиқхоналарда баллонларни биноларнинг ичига жойлаштиришга йўл қўйилади.

22-боб. Алоҳида табиий шароитларда газ таъминоти тизимларига қўйиладиган қўшимча талаблар

1-§. Ишлов бериладиган ҳудудлар

688. Фойдали қазилма конлари (кенг тарқалган фойдали қазилмаларнинг конлари бундан мустасно) жойлашган майдонларда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини жойлаштиришга, ер қаъридан фойдали қазилмаларни чиқариб олиш имкониятлари таъминланишини ҳисобга олинган ҳолда йўл қўйилади.

689. Ишлов бериладиган ҳудудларда газ қувурини ётқизиш лойиҳаси таркибида геологик хулоса бўлиши лозим.

690. Фойдали қазилма конлари устида жойлаштириладиган иншоотларнинг газ таъминоти лойиҳасини тузишда яқин 10 йил ичида кон қазиш ишларининг ривожланиш дастурини эътиборга олиш керак.

691. Газ қувурини асосан ер юзасини суриш жараёни тугаган ёки ишлов анча кейинга мўлжалланган майдонлардан, шунингдек ер сиртининг ўзгариш эҳтимоли энг кам бўладиган майдонлардан ўтказиш зарур.

692. Тақсимлаш газ қувурлари трассасини қатламларнинг ётиш йўналишига нисбатан қандай ўтказишни мўлжаллашда техник-иқтисодий ҳисобларга асосланиш керак.

Газ қувури трассасини майдоннинг йўл қисмидан ташқаридан ўтказиш ва кон қазиш ишлари вақтида ер сиртининг ўзгарадиган даврида хандақларни беркитиб қўйиш лозим.

693. Ишлов бериладиган ҳудудларда ётқизиш лойиҳалаштирилаётган ер ости газ қувурларини қуйидагилар ҳисобига мустаҳкам ва барқарор бўлишини таъминлаш керак:

газ қувурининг юк кўтариш қобилиятини ошириш;

газ қувурининг грунтдаги силжувчанлигини ошириш;

ўзгарадиган грунтнинг газ қувурига таъсирини камайтириш.

694. Газ қувурлари муҳофаза минтақасининг узунлиги силжиш мулдасининг 50 m га оширилган узунлиги билан аниқланади.

695. Лойиҳалаштирилаётган ва ишлатилаётган газ қувурларини муҳофаза қилишнинг зарурлиги ва шунга оид қурилиш ишларининг ҳажмини газ қувурларини мустаҳкамликка ҳисоблаш натижаларига кўра ва уларни муҳофаза қилиш турларини техник-иқтисодий жиҳатдан асосланишини эътиборга олган ҳолда аниқлаш керак.

696. Технологик сабабларга кўра газ берилишида узилиш бўлишига йўл қўйиб бўлмайдиган истеъмолчиларни газ билан таъминлашда бу истеъмолчиларга газни қазиш турли вақтларда бошланадиган майдонлардан ўтказиладиган иккита газ қувуридан беришни мўлжаллаш ва газ қувурларини ҳалқа тарзида бирлаштириш лозим.

697. Газ қувурларини дарёлар, жарликлар ва чуқурликдаги темир йўллар орқали ўтказишда ер устидан ўтказишни мўлжаллаш керак.

698. Ишлов бериладиган ҳудудлардаги ер ости газ қувурларида назорат найлари ўрнатиш зарур.

Назорат найларини бурилишларнинг бурчакларига, қувур тармоқланадиган жойларга, қудуқсиз жойлаштиришда компенсатерлар ёнига ўрнатиш керак.

Аҳоли яшайдиган жойларда назорат найларини газ қувурининг тўғри қисмларида ҳам ўрнатиш, улар орасидаги масофа кўпи билан 50 m бўлиши лозим.

699. Ер ости газ қувурларининг грунтда силжувчанлигини таъминлаш ва ўзгараётган грунтнинг газ қувурига таъсирини камайтириш учун хандақларга қувурлар ётқизилгандан ёки компенсаторлар ўрнатилгандан кейин хандақларни кам сиқадиган материал билан тўлдириш лозим.

700. Газ қувури хандағини тўлдиришда кам сиқадиган материал сифатида қум, қумли грунт ёки зарралари бир-бирига қовушиб қолмайдиган бошқа материалдан фойдаланиш керак.

701. Компенсаторларни қудуқларда ёки кузатиш имконияти бўлган чуқурликларда ўрнатилиши керак, бунда қудуқсиз компенсаторлар ўрнатишга йўл қўйилади.

702. Ер ости газ қувурлари бошқа ер ости коммуникациялари билан кесишадиган жойларда зичлаштирувчи мосламалар (гил-грунтли тўсиқлар қилиш, газ қувурига ғилоф кийдириш) ҳамда назорат найлари ўрнатиш керак.

703. Ер усти газ қувурларини маҳкамлаш тузилмаси қувурнинг тик бўйича силжишига имкон берадиган бўлиши лозим.

2-§. Сейсмик ҳудудлар

704. Сейсмиклиги 7, 8 ва 9 балл бўлган ҳудудларда газ таъминоти тизимини лойиҳалаштиришда ушбу ШНҚдаги талабларни ҳисобга олиниши керак.

705. СГТП, ГТШ, БОО қуриладиган майдончаларнинг ва газ қувури трассасининг сейсмиклигини сейсмик микрорайонлаштириш асосида аниқлаш керак.

706. Ички газ ускуналарини ушбу ШНҚнинг 18-бобидаги талабларга мувофиқ лойиҳалаш лозим.

707. Аҳолиси 1 млн кишидан ортиқ бўлган шаҳарларнинг газ таъминотини жойининг сейсмиклиги 7 балл ва ундан катта бўлганда, шунингдек аҳолиси 100 мингдан ортиқ ва жойнинг сейсмиклиги 8 ҳамда 9 балл бўлган шаҳарларнинг газ таъминотини лойиҳалашда камида иккита ГТШ бўлишини ва уларни шаҳарнинг қарама-қарши томонида жойлаштириш лозим.

Технологик жараёнлари узлуксиз давом этадиган корхоналар учун газни иккита шаҳар газ қувуридан берилишини таъминлаш керак.

708. Кириш босими 0,6 MPa (6 kgf/cm^2) дан юқори бўлган ГТП учун ва бетўхтов технологик жараёнда ишлайдиган корхоналарнинг ГТПлари учун ташқи айланма газ қувурлари (байпаслар) бўлишини ва ГТП ағдарилиши эҳтимоли бўлган минтақанинг ташқарисида беркитувчи қурилмалар ўрнатиш лозим.

709. Аҳоли яшайдиган жойлар ва ушбу ШНҚнинг 707-бандида келтилган иншоотларни газ билан таъминлашга мўлжалланган юқори ва ўрта босимли газ қувурларини ҳалқа тарзида бирлашадиган ва беркитувчи мосламалар ёрдамида секцияларга ажраладиган қилиб лойиҳалаштириш керак.

710. Ер ости газ қувурларининг қуйидаги ерларида назорат найчаларини ўрнатиш лозим:

газ қувурлари уланиш ерларида;

газ қувурлари буриладиган бурчакларда;

ер ости каналларига ётқизилган муҳандислик тармоқлари билан кесишув ерларида;

биноларга кириш жойларида.

711. Беркитувчи арматурани (узиб қўювчи мосламаларни) ушбу ШНҚнинг 13-бобидаги талабларга мувофиқ жойлаштириш керак.

712. Газ қувурларининг бино ва қудуқ деворларидан ўтадиган ерларига қўйилган ғилоф (футляр) билан қувур оралиғи сув ўтказмайдиган эластик материал ёрдамида беркитилиши, бунда эластик материал қувур ҳаракатига қаршилик кўрсатмаслиги керак.

713. Сейсмиклиги 8 ва 9 балл бўлган ҳудудларда ўтказиладиган ер ости газ қувурлари мустақил компенсацияга эга бўлмаса табиий ва сунъий тўсиқлар билан кесишув ерларида, газ қувурларининг пойдеворларига ўрнатилган ускуналар суюлтирилган углеводород газ қурилмалари (СУГ сиғимлари, компрессорлар, насослар ва бошқалар) билан туташув ерларига ва биноларга киравериш да компенсация қилувчи мосламалар ўрнатиш лозим.

714. Хавфлилик омили III-IV тоифа объектларнинг газ таъминотини лойиҳалашда зилзила пайтида автомат блоклаш тизимларини лойиҳалаш керак.

3-§. Ўта чўкувчан ва кўпчийдиган грунтли ҳудудлар

715. Ўта чўкувчан ва кўпчийдиган грунтли ҳудудларда газ таъминоти тизимларини лойиҳалашда ушбу ШНҚ талабларига амал қилиш лозим.

716. Нам газни ўтказишга мўлжалланган ер ости газ қувурларининг ётқизилиш чуқурлигини мазкур ШНҚнинг 9-боби талабларига мувофиқ ҳолда қабул қилиш керак.

717. Ер ости газ қувурларининг тик қисмларидаги (бинога ва ГТПга кириш, конденсат илгичлар, гидрозатворлар ва бошқалар) емирилишга қарши қопламалари ва ғилофлари полимер материаллардан бўлиши лозим.

718. Ўта чўкувчанлиги жиҳатидан I тургa кирадиган грунтларда газ қувурини мазкур ШНҚнинг 9-боби талабларига мувофиқ ҳолда ётқизиш лозим.

Газ қувурлари кириш жойининг тузилиши ушбу ШНҚнинг 75-бандига мувофиқ бўлиши керак.

23-боб. Материаллар ва техник жиҳозлар

1-§. Умумий талаблар

719. Сейсмиклиги 7 балл ва ундан катта ҳудудларда, ўта чўкувчан грунтлар тарқалган минтақаларда, ишлов бериладиган ҳудудларда ва совуқ иқлимли ҳудудларда газ таъминоти тизимини қуриш учун мўлжалланган материаллар, арматура, ускуналар, асбоблар ва бошқа техник буюмларни танлашда ушбу ШНҚнинг 777 — 780-бандлари талабларни ҳам эътиборга олиш керак.

720. Мазкур бобда келтирилмаган материаллар ҳамда техник жиҳозлар ISO 3183-2015, ISO 2531-2012 ва ISO 11299-1,3 талабларига мувофиқ бўлганда фойдаланишга йўл қўйилади.

721. Босими 0,6 MPa (6 kgf/cm^2) гача бўлган қишлоқлараро газ қувурлари ва қишлоқларда аҳоли яшайдиган жойлардан ўтказиладиган босим 0,3 MPa (3 kgf/cm^2) гача бўлган ер ости газ қувурлари ўтказишда ушбу ШНҚнинг 16-боби талабларига риоя қилиш лозим.

2-§. Пўлат қувурлар

722. Газ таъминоти тизимларини қуриш учун яхши пайвандланадиган, таркибида кўпи билан 0,25 фоиз углерод, 0,056 фоиз олтингугурт ва 0,046 фоиз фосфор бўладиган пўлатдан тайёрланган тўғри чокли, спиралсимон чокли пайвандланадиган ва чоксиз қувурлардан фойдаланиш керак.

Ер ости ва ер усти газ қувурлари учун қувурлар деворининг белгиланган қалинлигини камида 3 mm, ташқи ер усти ва ер ости газ қувурлари учун эса камида 2 mm бўлиши лозим.

723. Ташқи ва ички газ қувурлари ётқизиш учун пўлат қувурлар V ҳамда G гуруҳларга тегишли, кам углеродли тинч пўлатдан ГОСТ 380-2005 асосида тайёрланган ва камида иккинчи тоифали (диаметри 530 mm дан катта, деворининг қалинлиги 5 mm дан катта бўлган газ қувурлари учун камида учинчи тоифали) st.2, st.3 маркали, шунингдек таркибидаги углерод миқдори кўпи билан 0,25 фоиз бўлганда st.4 маркали бўлиши керак.

Шунингдек, ГОСТ 1050-2013 бўйича 08, 10, 15, 20 маркали, ГОСТ 19281-2014 бўйича 09G2S, 17GS, 17G1S маркали кам легирланган камида олтинчи тоифага кирадиган пўлатлар, ГОСТ 4543-2016 бўйича 10G2 маркали пўлатларда ҳам фойдаланилиши лозим.

724. Қуйидаги ҳолларда ушбу ШНҚнинг 723-бандида келтирилган бироқ яримтинч ва қайновчан пўлатдан тайёрланган пўлат қувурлар ишлатишга йўл қўйилади:

ташқи ҳавонинг ҳисобий ҳарорати — 30° С гача бўлган ҳудудларда қуриладиган ер ости газ қувурлари учун;

ташқи ҳавонинг ҳисобий ҳарорати — 10° С гача бўлган ҳудудларда қуриладиган ер усти газ қувурлари учун;

яримтинч ва қайновчан пўлатдан ясалган ва ҳарорати — 20° С гача бўлган ҳудудларда яримтинч пўлатдан тайёрланган қувурлар учун;

деворларининг қалинлиги кўпи билан 8 mm бўлган ички газ қувурлари учун қувур деворининг ҳарорати ишлатилиш жараёнида 0° С дан пасаймайдиган бўлса қайновчан пўлатдан тайёрланган қувурлар ва — 10° С дан пасаймайдиган бўлса яримтинч пўлатдан тайёрланган қувурлар учун.

Ташқи газ қувурлари учун юқорида келтирилган ҳолларда яримтинч ва қайновчан пўлатдан тайёрланган қувурлар ишлатиладиган бўлса қуйидаги шартларга риоя қилиш керак:

яримтинч пўлатдан тайёрланган қувурларнинг диаметри 820 mm дан ва қайновчан пўлатдан тайёрланганларники эса 530 mm дан ошмаслиги;

қувурлар деворининг қалинлиги 8 mm дан ортиқ бўлмаслиги.

Ташқи ҳавонинг ҳисобий ҳарорати -40° С гача бўлган ҳудудларда ташқи ер усти ва ер ости газ қувурлари ётқизиш учун яримтинч пўлатдан тайёрланган диаметри кўпи билан 325 mm АВТ ва деворининг қалинлиги 5 mm гача бўлган қувурлар, яримтинч ва қайновчан пўлатдан тайёрланган диаметри кўпи билан 114 mm ва деворининг қалинлиги 4,5 mm гача бўлган қувурлар ишлатишга йўл қўйилади.

Юқори ва ўрта босимли газ қувурлари учун шохобчаларни, бириктирувчи қисмлар ва компенсацияловчи мосламаларни совуқ ҳолда букиш усулида тайёрлашда яримтинч ва қайновчан пўлатдан ясалган қувурлар ишлатишга йўл қўйилмайди.

725. Паст босимли ташқи ва ички газ қувурлари учун, шунингдек уларнинг букилган шохобчалари ва бириктирувчи деталлари учун St.1, St.2, St.3. St.4 маркали 1,2,3 тоифали ГОСТ 3 80-2005 бўйича А, В ҳамда V гуруҳларга кирадиган ва ГОСТ 1050-2013 бўйича 08, 10, 15, 20 маркали тинч, яримтинч ва қайновчан пўлатдан тайёрланган қувурларни ишлатишга йўл қўйилади.

08 маркали пўлатни техник-иқтисодий жиҳатдан асослаб берилганда, St.4 маркали пўлатни таркибидаги углерод кўпи билан 0,25 фоиз бўлганда фойдаланишга йўл қўйилади.

726. Газ қувурларининг тебраниш юки тушадиган (ГТП, ГТҚ да титратиш манбаи билан бевосита бириктирилган, компенсаторли ва бошқалар) қисмлари учун таркибида углерод миқдори кўпи билан 0,24 фоиз бўлган тинч пўлатдан (масалан ГОСТ 380-2005 бўйича камида учинчи тоифага кирадиган St.2, St.3, ГОСТ 1050-2013 бўйича 08, 10, 15) тайёрланган V ва G гуруҳдаги пўлат қувурлар ишлатиш керак.

727. Қувур асосий металлининг зарбий қовушоқлик қиймати газ қувурини ишлатишнинг энг кам ҳарорат камида 30 J/cm^2 (3 kgf/cm^2) қабул қилиниши керак.

728. Ташқи ҳавонинг ҳисобий ҳарорати -40° С гача бўлган ҳудудларда ётқизиладиган қувурлар металлининг зарбий қовушоқлигига талаблар қўйилмайди.

729. Углероднинг эквиваленти қуйидаги формулалардан аниқланиши лозим:

кам ишлов берилган (легирланган) пўлат учун:

$$[C]_э = C + \frac{M_n}{6} + \frac{C_r + M_0 + S(V + T_i + N_b)}{5} = \frac{C_u N_i}{15} + 15B$$

кам углеродли пўлат ёки фақат кремний-марганецли тизимда легирланган 17GS, 17G1S, 09G2S ва бошқа маркали пўлатлар учун

$$[C]_э = C + \frac{M_n}{6}$$

730. C, M_n, C_r, M_0, V, T_i, M_b, C_u, N_i, B — қувур пўлати металли таркибидаги тегишлича углерод, марганец, хром, молибден, ванадий, титан, ниобий, мис, никел, бор миқдори $(C)_3$ катталик 0,46 дан ошиб кетмаслиги керак.

731. Назорат-ўлчов асбобларини ва газлаштириладиган ускунанинг автоматика асбобларини улаш учун мўлжалланган импульсли газ қувурларини ушбу ШНҚнинг 18-бобида келтирилган пўлат қувурлар асосида ўтказилиши ҳамда ГОСТ 617-2006 га мувофиқ мис қувурлар, ушбу ШНҚнинг 6-боби талабларга мувофиқ резина тўқимали ёки резина енглар ишлатишга йўл қўйилади.

3-§. Пўлат қувурларни танлаш

732. Газ босими 1,6 MPa (16 kgf/cm^2) гача бўлган газ таъминоти тизимлари учун пўлат қувурларни қурилиш бўладиган тумандаги ташқи ҳавонинг ҳарорати ва газ қувурининг ер сиртига нисбатан қандай жойлашуви ушбу ШНҚнинг 14-иловасига асосан ташқи ҳавосининг ҳисобий ҳарорати -40° С дан кам бўлмаган ҳудудларда ўтказиладиган ташқи ер усти газ қувурлари, -40° С дан совиб кетадиган ер ости ва ички газ қувурларини қабул қилиш керак.

733. Газ таъминоти тизимлари учун ГОСТ 380-2005 бўйича оддий сифатли углеродли пўлатдан ва ГОСТ 1050-2013 бўйича сифатли пўлатдан тайёрланган қувурлар ишлатиш лозим.

734. СУГ суюқ фазасининг газ қувурлари учун чоксиз қувурлар ишлатиш лозим.

Бундай газ қувурлари учун электр ёрдамида пайвандланган қувурлар ишлатишга йўл қўйилади. Диаметри 50 mm гача бўлган қувурларда пайванд чокни бузмайдиган усуллар билан 100 фоиз назорат қилиш, диаметри 50 mm ва ундан катта бўлган қувурларни эса пайванд чокнинг чўзилишига ҳам синаб кўриш лозим.

735. Паст босимли ташқи ва ички газ қувурлари ётқизиш учун ГОСТ 3262-75 бўйича тайёрланган қувурлар ишлатишга йўл қўйилади.

ГОСТ 3262-75 бўйича тайёрланган, диаметри 32 mm гача бўлган қувурларни босими 1,2 MPa (12 kgf/cm^2) гача бўлган импульсли газ қувурлари ётқизишда ишлатишга йўл қўйилади. Бунда, импульсли газ қувурларининг букилган қисмларида букилиш радиуси камида $2D_e$ бўлиши, ишлатиш вақтида қувур деворининг ҳарорати эса 0° С дан паст бўлмаслиги керак.

736. ГОСТ 20295-85 бўйича спиралсимон чокли ва емирилишга қарши қопламаси мавжуд қувурларни ташқи ҳавосининг ҳисобий ҳарорати -40° С гача бўлган ҳудудларда босими 1,2 MPa (12 kgf/cm^2) гача бўлган табиий газни ўтказувчи қишлоқлараро ер ости газ қувурларида ишлатишга йўл қўйилади.

Бунда, шу қувурларни тик ва ётиқ текисликларда газ қувурининг радиуси қувурнинг — 1500 қувур диаметридан кичик бўлган бурилишларда, аҳоли яшайдиган жойларда газ қувури ётқизишга йўл қуйилмайди.

737. Яримтинч ва қайноқ пўлатдан тайёрланган қувурларни ушбу ШНҚнинг 15-иловасига кўра ишлатиш мумкинлиги ушбу ШНҚнинг 724 ва 725-бандларида келтирилган.

738. ГОСТ 8731-87 бўйича қуймадан тайёрланган қувурларни қувур металлини бузмайдиган услублар билан 100 фоиз назоратдан ўтказмай туриб фойдаланишга йўл қўйилмайди.

4-§. Бириктирувчи қисмлар ва деталлар

739. Газ таъминоти тизимлари учун бириктирувчи қисмлар ва деталларни тинч пўлатдан (қуйма, болғаланувчан, штампланган, эгилган ёки пайванд пўлатдан) ёки ушбу ШНҚнинг 15-иловада келтирилган чўзувчан чўяндан тайёрланган бўлиши керак.

Газ таъминоти тизимларининг бириктирувчи қисм ва деталларини чоксиз ёки тўғри чокли пайвандланадиган пўлат қувурлардан ёки листли прокатдан тайёрлашга йўл қўйилади. Бунда, Уларнинг метали тегишли газ қувури учун ушбу ШНҚнинг 722 — 729-бандлари талабларига мувофиқ бўлиши керак.

740. Газ қувурларига арматура, ускуна ва асбобларни бириктириш учун ишлатиладиган фланецлар ГОСТ 12820-80 ва ГОСТ 12821-80 га мос бўлиши лозим.

741. Фланецли бирикмаларни зичлаштириш учун қуйидаги 27-жадвалда келтирилган материаллардан тайёрланган қистирма (прокладка) ишлатилиши керак.

27-жадвал

Т/р	**Фланецли бирикмалар учун лист (қистирма) материаллари (стандарт, маркаси)**	**Листнинг қалинлиги, (mm)**	**Ишлатилиши**
1.	Паронит ГОСТ 481-80	1-4	Босими 1,6 MPa (16 kgf/cm^2) гача

	(маркаси ПМБ)		бўлган газ қувурларидаги бирикмаларни зичлаш учун
2.	Мой-бензинга чидамли резина ГОСТ 7338-90	3-5	Босими 0,6 МРа (6 kgf/cm^2) гача бўлган газ қувурларида бирикмаларни зичлаш учун
3.	Алюминий ГОСТ 21631-76 ёки ГОСТ 13726-97	1-4	Барча босимдаги, шунингдек сульфидли газ ўтадиган газ қувурларидаги бирикмаларни зичлаш учун
4.	Мис ГОСТ 859-2014 (маркаси М1, М2)	1-4	Сульфидли газ ўтадиган газ қувурларидан бошқа барча босимли газ қувурларидаги бирикмаларни зичлаш учун

Изоҳ. Паронитдан тайёрланган қистирма ГОСТ 15180-86 талабларига мос бўлиши керак.

742. Ушбу ШНҚнинг 25-жадвалида келтирилган материаллардан ташқари яхши герметикликни таъминлайдиган бошқа зичлаш материалидан тайёрланган қистирмалар (прокладкалар) ишлатишга (муҳитни, босим ва ҳароратни ҳисобга олган ҳолда) йўл қўйилади.

5-§. Емирилишга қарши ҳимоя материаллари

743. Ер ости газ қувурлари ва сиғимларни емирилишдан ҳимоя қилиш учун ишлатиладиган материал ва конструкциялар ГОСТ 9.602-2016 талабларига мос бўлиши керак.

744. Катод қурилмаларни анодли ерлантириш учун темир-кремнийли, графитли, графитпластли ва бошқа кам эрийдиган материаллар, емирилишга қарши полиэтилендан газ қувурлари учун махсус тайёрланган қопламаси йўқ чўян қувурларни ишлатиш лозим.

745. Ер усти газ қувурларини ва ер усти СУГ сиғимларини атмосфера таъсирида емирилишдан муҳофаза қилиш учун ташқи ҳаво ҳароратининг ўзгаришига ва ёғингарчилик таъсирига чидамли лок-бўёқ қопламалари (бўёқлар, локлар, эмаллар) ишлатилиши лозим.

746. Газ қувурларини металл ва темир-бетон конструкциялардан изоляция қиладиган қистирмалар ва остқўймаларни ГОСТ 16338-85 га мувофиқ полиэтилендан ёки диэлектрик хоссалари полиэтиленникига тенг бўлган бошқа материаллардан тайёрланиши керак.

6-§. Полиэтилендан тайёрланган қувурлар ва бириктириш деталлари

747. Газ қувуридаги иш босимига қараб қувурлар ва бириктириш деталларини қуйидагича бўлиши керак:

паст ва ўрта босимли газ қувурлари учун S (ўртача) турдаги қувурлар;

II тоифадаги юқори босимли газ қувурлари учун Т (оғир) турдаги қувурлар.

748. Полиэтилен газ қувурлари учун бириктирувчи деталлар (фланецлар остидаги втулкалар, ўтиш деталлари, шохобча деталлари, тройник) қувурларнинг S ёки Т турига мос бўлиши керак.

749. Полиэтилен қувурларни пўлат қувурлар, компенсаторлар ва беркитиш арматурасидан ажратиш бирикмаларини фланецли втулкалар билан ўрнатилиши уларга мос втулкалар бўлмаганида полиэтилен-пўлат ажратиш бирикмаларини лойиҳалаш ташкилоти ишлаб чиққан чизмалар бўйича ясашга йўл қўйилади.

7-§. Беркитиш ва тартиблагич мосламалари, асбоблар ва бошқа техник буюмлар

750. Беркитиш арматурасини танлашда унинг газ босимига ва ҳароратга қараб ишлатилиш шароитлари қуйидаги 28-жадвал талабларига мос бўлишини ҳисобга олиш лозим.

28-жадвал

Беркитиш арматурасининг материали	**Фойдаланиш шароити**	
	Газнинг босими, МРа	**Ҳарорат °С**

	(kgf/cm^2) кўпи билан	
Кулранг чўян	0,6 (6)	Минус 35 дан юқори
Болғаланувчан чўян	1,6 (16)	Минус 35 дан юқори
Углеродли пўлат	Бу ҳам	Минус 40 дан юқори
Легирланган пўлат	Бу ҳам	Минус 40 дан паст
Латун, бронза	-»-	Минус 40 дан паст

751. СУГ сиғимлари учун беркитиш арматурасини танлашда қуйидаги босим шароитларини қабул қилиш керак, MPa (kgf/cm^2):

ер устидагилар учун 1,6 (16);

ер остидагилар учун 1,0 (10).

СУГ газ таъминоти тизимларида кулранг чўяндан тайёрланган беркитиш арматурасини фақат паст босимли буғ фаза ўтадиган газ қувурларидагина ишлатишга йўл қўйилади.

752. Газ таъминоти тизими учун беркитувчи арматура (мослама) сифатидаги вентиллар, жўмраклар, задвижкалар ва бурилма затворларни фақат газ муҳити учун ишлашини мўлжаллаш керак.

Газ таъминоти тизимлари учун умумий ишларга мўлжалланган беркитиш арматурасини ҳам ишлатишга йўл қўйилади, бунда фақат арматура затворини ишқалаб силлиқлаш ва герметиклигини ГОСТ 9544-2015 га мувофиқ 1-синфга тўғри келишини синаб кўриш лозим.

753. Паст босимли газ қувурларида беркитиш мосламалари сифатида гидрозатворлар ишлатишга йўл қўйилади.

Жўмраклар ва бурилма затворларда бурилишини чеклагичлар ҳамда «очиқ — берк» деган кўрсаткичлар, қўзғалмас шпинделли задвижкаларда эса — очилиш даражасини кўрсатувчи белгилар бўлиши керак.

754. Газ таъминоти тизимларида ишлатиладиган газ босими тартиблагичларининг асосий параметрлари қуйидаги 29-жадвал талабларига мос келиши лозим.

29-жадвал

Параметр	Параметрнинг қиймати
Шартли ўтиш кенглиги (mm)	ГОСТ 28338-89 бўйича
Киришдаги босим (иш босими) MPa (kgf/cm^2)	1,2 (12); 1,6 (16)
Чиқишдаги босим MPa (kgf/cm^2)	0,001 (0,01) дан 1,2 (12) гача

755. Газ босими тартиблагичларининг конструкциялари ГОСТ 11881-76 га мос бўлиши ва қуйидаги талабларни инобатга олиниши лозим:

уйғунлашган (комбинацияланган) тартиблагичлар ва баллон қурилмаларининг тартиблагичи учун мутаносиблик минтақаси чиқиш босимининг юқори созлаш чегараси +20 фоиз дан ортиқ бўлмаслиги ва бошқа ҳамма тартиблагичлар учун -10 фоиз бўлиши;

сезилмаслик минтақаси чиқиш босимининг юқори созлаш чегарасининг 2,5 фоиз дан ортиқ бўлмаслиги;

вақт доимийси (газ сарфи ёки кириш босими кескин ўзгарганда ростлаш жараёнига кетадиган вақт) 60 s дан ортиқ бўлмаслиги.

756. Икки эгарли тартиблагичларнинг берк клапанлари орқали газнинг тартиблаб бўлмайдиган нисбий сизиши номинал газ сарфининг 0,1 фоиз гача бўлишига йўл қўйилади.

Бир эгарли клапанлар учун затворларнинг герметиклиги ГОСТ 9544-2015 бўйича 1-синфга мос келиши керак.

Тартиблагич мосламалари сифатида бурилма заслонкалар ишлатилганда газнинг ростлаб бўлмайдиган сизиши заслонкасининг ўтказиш қобилияти 1 фоиздан ортиб кетмаслиги керак.

757. Газнинг назорат қилинадиган босими ҳаддан ташқари ортиб ёки камайиб кетганида истеъмолчиларга газ беришни тўхтатиш учун ГТПда (ГРҚда) ишлатиладиган СБКнинг асосий параметрлари қуйидаги 30-жадвалда келтирилган.

30-жадвал

Параметр	Параметрнинг қиймати
Шартли ўтиш кенглиги (mm)	ГОСТ 28338-89 бўйича
Киришдаги босим (иш босими) MPa (kgf/cm^2)	0,05 (0,5); 0,3 (3); 0,6 (6); 1,2 (12) 1,6 (16)
Босим ошганда ишга тушиш диапазони, MPa (kgf/cm^2)	0,002 (0,02)...0,75 (7,5)
Босим пасайганида ишга тушиш диапазони, MPa (kgf/cm^2)	0,0003 (0,003)...0,03 (0,3)

СБКнинг ишга тушиш аниқлиги ГТПда ўрнатиладиган СБК учун назорат қилинадиган берилган босим қийматининг ±5 фоиз ни, шкафли ГТП, ГТҚдаги ПЕК ва уйғунлашган (комбинацияланган) тартиблагичлар учун ±10 фоизни ташкил этиши керак.

758. ГТП (ГРҚ) да ҳамда СУГ сиғимларида ўрнатиладиган СЧКнинг асосий параметрлари 31-жадвалда келтирилган.

31-жадвал

Параметр	Параметрнинг қиймати
Шартли ўтиш кенглиги (mm)	ГОСТ 28338-89 бўйича
Клапан олдидаги босим (in босими), MPa (kgf/cm^2)	0,001 (0,01); 0,3 (3); 0,6 (6); 1,0 (10); 2,0 (20)
Ишга тушиш диапазони, MPa (kgf/cm^2)	0,001 (0,01) дан 2,0 (20) гача

759. СЧК белгиланган энг кўп иш босими кўпи билан 15 фоиз ортиб кетганида клапаннинг очилишини таъминлайдиган бўлиши керак.

Пружинали СЧКда уларни мажбурий очадиган мослама бўлиши керак.

Паст босимли газ қувурларида мажбурий очадиган мосламасиз СЧК ўрнатишга йўл қўйилади.

760. ГТП (ГТҚ)да тартиблаш ва сақлаш мосламаларини механик аралашмалар билан ифлосланишидан муҳофаза қилиш учун ўрнатиладиган фильтрларнинг асосий параметрлари қуйидаги 32-жадвалдаги талабларга мос келиши лозим.

32-жадвал

Параметр	Параметрнинг қиймати
Шартли ўтиш кенглиги (mm)	ГОСТ 28338-89 бўйича
Киришдаги босим (иш босими) MPa (kgf/cm^2)	0,3(3); 0,6(6); 1,2(12)
Фильтр кассетасида босим пасайишининг йўл қўйиладиган энг кўп қиймати, MPa (kgf/cm2);	
турли фильтрда	500 (500)
виссинли фильтрда	500 (500)
толали фильтрда	1000 (1000)

761. Фильтрларда уларга дифманометрларни ёки фильтрдаги босим пасайишини (кассетанинг ифлосланганлик даражаси) аниқлаш учун мўлжалланган бошқа қурилмаларни улаш учун штуцерлар бўлиши керак.

762. Фильтрловчи материаллар газнинг талаб қилинадиган тозалик даражасини таъминлайдиган, у билан кимёвий бирикмалар ҳосил қилмайдиган ва газнинг доимий таъсиридан емирилмайдиган бўлиши лозим.

763. Букилган ва пайванд компенсаторлар тайёрлаш учун тегишли газ қувури учун қабул қилингани каби қувурлардан фойдаланиш лозим (юқори ва ўрта босимли газ қувурлари учун ушбу ШНҚнинг 554-банддаги талабларни эътиборга олиш керак). Пайванд компенсаторлар тайёрлаш учун ишлатиладиган шохобчаларни ушбу ШНҚнинг 562-банди талабларига мувофиқ қабул қилиш лозим.

764. Газ қувурларида салникли компенсаторлар ишлатишга йўл қўйилмайди.

765. Сув тўсиқлари орқали, ботқоқланган ва сув босган участкаларда ётқизиладиган газ қувурларни махкамлаш (балластлаш) учун оғирлаштирувчи осма ёки халқавий якка юклар, пўстлоқсимон юклар, туташ оғирлаштирувчи қопламалар, грунтдан фойдаланилган ҳолда балластловчи қурилмалар ва зулфин қурилмалар бўлиши лозим.

Оғирлаштирувчи осма якка юкларни бетондан, алоҳида оғир бетондан ва темир бетондан ҳамда зичлиги камида 2200 kg/m^3 бўлган бошқа материаллардан тайёрланган буюмлар тарзида тайёрлаш лозим.

766. СУГ учун идишларнинг (сиғимлар, буғлатгичлар, автомобиль ва темир йўл цистерналари) материали ва конструкцияси ГОСТ 14249-89, ГОСТ 9931-85, ГОСТ 6533-78, талабларига мос бўлиши лозим.

767. СУГ сиғимларини зарбий қовушоқлигининг кафолатланган қиймати камида 30J/cm^2 (3 kgf/cm^2) бўлган пўлатдан тайёрлаш керак.

Ҳарорати -40° С ҳисобигача бўлган ҳудудлар учун -40° С ҳароратда тайёрлаш керак.

768. Маиший газ плиталари ГОСТ ЭН 30-1-2-2017, ГОСТ ЭН 30-1-3-2009, ГОСТ ЭН 30-1-4-2009, ГОСТ ЭН 30-2-2-2006 талабларига жавоб берадиган бўлиши керак.

769. Ёниш маҳсулотлари мўрига чиқариб юбориладиган плиталарда мўри тортмай қолганда плитага газ берилишини тўхтатадиган автоматика бўлиши лозим.

770. Савдо, умумий овқатланиш корхоналари учун ГОСТ 27441-87 бўйича мўлжалланган газ ускуналарини газ берилиши тўхтаганида, аланга ўчиб қолганида ва ҳаво берилиши тўхтаганида (ҳаво мажбуран бериладиган ёнғичли ускуналар учун) асосий (ишчи) ёнғичларни ўчириб қўядиган ГОСТ 31438.1-2011 бўйича хавфсизлик автоматикаси асбоблари билан жиҳозлаш лозим.

Номинал иссиқлик қуввати 5,6 kW дан кам (газ сарфи 0,5 m^3/h dan kam) бўлган ёнғичлар ёки блок қилиб бирлаштирилган ёнғичлар гуруҳи учун хавфсизлик автоматикаси ўрнатиш талаб этилмайди.

771. Маиший шароитда сувни иситиш учун газ билан иситиладиган оқова ҳамда сиғимли сув иситгичлар ишлатилиши, бунда ушбу иситгичлар ГОСТ 20219-93, ГОСТ 11032-97 талабларига жавоб берадиган бўлиши керак.

772. Биноларни, саноат корхоналарининг цехлари хоналарини иситишда ишлатиладиган газли ҳаво калориферлари ва конвекторларини тартиблаш ва хавфсизликни таъминлаш автоматикаси билан қуйидагича комплектлаш лозим:

иситиладиган хонада берилган ҳароратни сақлаб туриш ёки ҳавони берилган ҳароратга қадар иситиш;

газ босими ўзгарганда, дудбурон яхши тортмай қолганда хонага ҳавони калорифер орқали ҳаво билан берадиган ҳаво алмаштиргич тўхтаганида ёки аланга ўчиб қолганида горелкаларга газ берилишини тўхтатадиган бўлиши лозим.

773. Саноат, қишлоқ корхоналарининг, ишлаб чиқариш хусусиятли маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг иссиқлик қурилмалари, шунингдек ёқилғининг бошқа турларини газга айлантирадиган қурилмалар учун мўлжалланган газ горелкалари техник ҳужжатлар асосида тайёрланган бўлиши лозим. Саноатдаги газ горелкалари ГОСТ 21204-97 талабларига мос бўлиши керак.

Инфрақизил нурланиш горелкалари ГОСТ 25696-83, ҳаво иситгичлари ГОСТ 31284-2004 талабларига мос бўлиши лозим.

774. НЎАни танлашда қуйидаги асосий талабларга риоя қилиш лозим:

белгиланган ишлаш тартиботини тўғри олиб бориш учун кузатиб туриш зарур бўлган параметрларни кўрсатувчи асбоблар ёрдамида назорат қилиб туриш;

ўзгарганида ускуналар авария ҳолатига келиши эҳтимоли бўлган параметрларни ёзиб олувчи ва кўрсатувчи асбоблар ёрдамида назорат қилиб туриш;

муҳофаза-назорат қилинадиган параметрлар бўйича сақлаш мосламалари борлигида ёзиб олувчи асбоблар бўлишини назарда тутмаслик;

ускуналарнинг ишлашини узвий равишда таҳлил қилиб бориш ёки хўжалик ҳисоблари учун зарур бўлган параметрларни ёзиб оладиган ёки интеграциялайдиган асбоблар ёрдамида назорат қилиш.

775. ГТП ва ГТҚ учун НЎА танлашда ушбу ШНҚнинг 17-бобига амал қилиш лозим.

776. НЎАнинг аниқлик синфини уларнинг конкрет вазифасига ва ишлатилиш шароитларининг ўзига хос хусусиятларига, иншоотга қараб қабул қилиниши, бироқ у 2.5 синфдан паст бўлмаслиги керак.

8-§. Алоҳида табиий шароитлар учун қўшимча талаблар

777. Ўта чўкувчан ва кўпчийдиган грунтли ҳудудларда, сейсмик ҳудудларда ва ишлов бериладиган майдонларда ер ости газ қувурлари ўтказиш учун қайноқ пўлатдан тайёрланган қувурлар ишлатишга йўл қўйилмайди.

778. Ишлов бериладиган майдонлар учун лойиҳалаштириладиган шартли диаметри 80 мм дан катта бўлган ер ости газ қувурлари учун пўлат арматурани мўлжаллаш керак. Шартли диаметри 80 мм гача бўлган газ қувурлари учун чўзилувчан чўяндан ясалган беркитиш арматураси ишлатишга йўл қўйилади.

Сейсмиклиги 8 ва 9 балл бўлган ҳудудларда ётқизиладиган ер ости газ қувурлари учун пўлатдан ясалган беркитиш арматураси ишлатиш лозим.

779. Сейсмиклиги 7 балл ва ундан катта бўлган ҳудудларда ётқизиладиган ер ости газ қувурлари учун қувурлар деворининг қалинлиги қувурнинг диаметри 80 mm гача бўлганда камида 3 mm, диаметри 100 мм гача бўлган қувурлар учун эса ушбу ШНҚнинг 722-бандига мувофиқ аниқланган ҳисобий қалинликдан 2/3 mm қалин қабул қилиш керак.

780. Сейсмик ҳудудларда ва ишлов бериладиган майдонларда ётқизиладиган ички ва ер усти газ қувурлари учун қувурларга ва техник буюмларга қўйиладиган талаблар одатдаги қурилиш шароитларида барпо этиладиган тегишли газ қувурларига қуйиладиган талаблар сингари бўлади.

24-боб. Атроф-муҳит муҳофазаси

781. Атмосфера ҳавосига технологик салбий таъсирни пасайтириш учун газ ёнилғисини тўлиқ ёнишини таъминлайдиган ёндиргичлар (горелкалар) қўлланилиши лозим.

782. Унумдор грунт қатламини олиб ташлаш, ташиш, сақлаш ва қайта қўллаш унинг сифат кўрсаткичларининг пасайиши ҳамда кўчириш вақтида унинг йўқолишини истисно қиладиган усуллар билан амалга оширилиши керак. Унумдор грунт қатламидан ариқчалар, кўприклар ва лойиҳада кўзда тутилмаган мақсадлар учун бошқа вақтинчалик иншоотларни ўрнатиш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

783. Кўчкили ҳудудларда қувур ўтказгичларни ётқизишда мавжуд табиий шароитнинг бузилмаслиги бўйича лойиҳа ечимлари қабул қилиниши зарур (чуқур қоқилган ёки кўмилган қозиқлар ва бошқалар).

784. Сув ҳавзаларига чиқадиган чиқинди оқава сув (дренаж) таркибидаги моддалар ва микроорганизмларнинг миқдори сув объектлари учун ўрнатилган (кимёвий моддалар ва объектлардаги сув сифатининг бошқа кўрсаткичларининг рухсат этилган максимал концентрация асосида) меъёрларидан ошмаслиги ва сув объектидаги сув сифатига белгиланган меъёрларга мос келиши керак.

ШНҚ 2.04.08-22 «Газ таъминоти. Лойиҳалаш талаблари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
1-ИЛОВА

Газ қувурлари	**Тасниф кўрсаткичлари**
Ташқи (кўчалардан, даҳалар ичидан, ҳовлилардан, цехлараро ўтадиган) ва ички (бино ва хоналар ичида жойлашадиган)	Аҳоли яшайдиган жойларга нисбатан қандай жойлашганлиги
Ер ости (сув ости), ер устидан (сув устидан), ердан ўтказиладиган	Ер сиртига нисбатан қандай жойлашуви
Тақсимлаш, кириш, пуфлаш, чиқариб юбориш, импульсли, шунингдек қишлоқлараро газ қувурлари	Газ таъминоти тизимидаги вазифаси
Юқори босимли 1 тоифага, юқори босимли II тоифага кирадиган ўрта босимли, паст босимли	Газнинг босими
Металл (пўлат, мис) ҳамда нометалл (полиэтилен)	Қувурнинг материали
Табиий газ, йўлдош газ ва СУГ қувури	Ўтадиган газнинг тури

Изоҳ. Газ таъминоти манбаларидан истеъмолчига кириш жойига газ етказиб берадиган ташқи газ қувурларини, шунингдек битта иншоотга газ бериш учун (ГТП, саноат корхоналари, қозонхона мўлжалланган юқори ва ўрта босимли газ қувурларини тақсимлаш газ қувурлари деб ҳисоблаш керак.

ШНҚ 2.04.08-22 «Газ таъминоти. Лойиҳалаш талаблари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
2-ИЛОВА

Ички газ қувурларидаги ва газ ишлатиш қурилмаларига кириш жойидаги газнинг максимал босими

Газ истеъмолчилари	**Газ босими (Мра)**
Газ босимининг кўрсаткичи ишлаб чиқариш талабларидан келиб чиқадиган ишлаб чиқариш бинолари	1,2
Бошқа ишлаб чиқариш бинолари	0,6
Алоҳида турувчи, ишлаб чиқариш биносининг ёнига ва ичига қурилган саноат корхоналарининг маиший бинолари	0,3
Маъмурий бинолар	0,005
Қозонхоналар: ишлаб чиқариш корхоналари ҳудудида алоҳида турувчи; аҳоли яшайдиган ҳудудда алоҳида турувчи; ишлаб чиқариш биноларининг ёнига, ичига ва томига қурилган; жамоат, маъмурий ва маиший биноларнинг ёнига, ичига ва томига қурилган; турар-жой биноларининг ёнига, ичига ва томига қурилган	 1,2 0,6 0,6 0,3 0,005
Жамоат бинолари (бино ертўласида жойлашган қозонхоналардан ташқари) ва омборхоналар	0,005
Турар-жой бинолари	0,003

ШНҚ 2.04.08-22 «Газ таъминоти. Лойиҳалаш талаблари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
3-ИЛОВА

Иссиқлиқ сарфи нормалари

Газ истеъмолчилари	**Газ истеъмоли кўрсаткичлари**	**Иссиқлик сарфи нормалари, MJ (минг kcal)**
1	2	3
1. Турар-жой бинолари		
Хонадонда газ плиталар ва марказлаштирилган иссиқ сув таъминоти бўлганда: табиий газли; СУГ.	1 кишига йилига	 4440 (1060) 4170 (990)
Хонадонда газ плитаси ва газли сув иситгич бўлганда (марказлаштирилган иссиқ сув таъминоти бўлмаганда): табиий газли; СУГ.	 -»- -»-	 6450 (1540) 6060 (1440)
Хонадонда газ плитаси бўлганда ва марказлаштирилган иссиқ сув таъминоти ва газли сув иситгич бўлмаганда: табиий газли; СУГ.	 -»- -»-	 6000 (1430) 5800 (1380)
2. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари		
Кир ювиш фабрикалари: машина билан кир ювиш кирхоналарида;	1 тонна қуруқ кирга	8800 (2100)
қуритиш шкафлари бор машина билан кир ювмайдиган кирхоналарда.	1 тонна қуруқ кирга	12600 (3000)
қуритиш ва дазмоллаш билан биргаликда машина билан кир ювиш кирхоналарида.	-»-	18800 (4500)
Дезкамералар:		
чойшаб ва кийимларни буғ камераларида зарарсизлантириш;	-»-	2240 (535)
чойшаб ва кийимларни иссиқ ҳаволи камераларда зарарсизлантириш		1260 (300)
Ҳаммомлар:		
ванналарсиз ювинишда;	1-марта ювинишга	40 (9,5)
ванналарда ювинишга.	1-марта ювинишга	50 (12)
3. Умумий овқатланиш корхоналари		
Ошхоналар, ресторанлар, қаҳвахоналар:		
тушлик овқатлар тайёрлашга (корхонанинг қанча одамга хизмат кўрсатишидан қатъи назар);	1-марта тушликка	4,2 (1)
нонушта ёки кечки овқат тайёрлашга.	1-марта нонушта ёки кечки овқатга	2,1 (0,5)
4. Соғлиқни сақлаш муассасалари		

Касалхоналар, туғруқхоналар:		
овқат тайёрлашга	1 ўринга йилига	3200 (760)
хўжалик-маиший эҳтиёжлар ва даволаш муолажалари учун (кир ювишдан ташқари) иссиқ сув тайёрлашга.	1 ўринга йилига	9200 (2200)
5. Нон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар		
Нон заводлари, комбинатлар, нонвойхоналар:		
қолипли нон пишириш учун;	1 т. маҳсулотга	2500 (600)
печка тубида пишириладиган нон, батонлар, булкалар, сутли ва ёғли булкалар пиширишга;	1 т. маҳсулотга	5400 (1300)
қандолатчилик маҳсулотлари пиширишга (тортлар, пирожний, печенье, пряник ва б.).	1 т. маҳсулотга	7750 (1850)

Изоҳ:

1. Жадвалда келтирилган турар-жойлар учун иссиқлик сарфи нормаларида уй шароитида кир ювишга иссиқлик сарфланиши ҳам инобатга олинган.

2. Жадвалда келтирилмаган истеъмолчилар учун газ сарфи меъёрларини бошқа ёқилғи турларининг сарфи нормаларига қараб ёки фойдаланилаётган ёқилғининг ҳақиқий сарфига доир маълумотлар асосида, газ ёқилғига ўтилгандаги ФИК ҳисобга олган ҳолда белгилаш лозим.

ШНҚ 2.04.08-22 «Газ таъминоти.
Лойиҳалаш талаблари»
шаҳарсозлик нормалари ва
қоидаларига
4-ИЛОВА

Саноат тармоқлари бўйича газнинг 1 h энг кўп сарфи коэффициентларнинг қийматлари

Саноат тармоғи	Газнинг 1 ҳ энг кўп сарфи коэффициенти		
	корхоналар бўйича	қозонхоналар бўйича	саноат печлари бўйича
Қора металлургия	1/6100	1/5200	1/7500
Резина-асбест	1/5200	1/5200	-
Кимё	1/5900	1/5600	1/7300
Қурилиш материаллари	1/5900	1/5500	1/6200
Радио саноати	1/3600	1/3300	1/5500
Электротехника	1/3800	1/3600	1/5500
Рангли металлургия	1/3800	1/3100	-
Станоксозлик ва асбобсозлик	1/2700	1/2900	1/5400
Машинасозлик	1/2700	1/2600	1/2600
Тўқимачилик	1/4500	1/4500	1/3200
Целлюлоза-қоғоз	1/6100	1/6100	-
Ёғочга ишлов бериш	1/5400	1/5400	-
Озиқ-овқат	1/5700	1/5900	-
Пиво пишириш	1/5400	1/5200	1/4500
Виночилик	1/5700	1/5700	1/6900
Пойафзал	1/3500	1/3500	-
Чинни-фаянс	1/5200	1/3900	-
Кўн-галантерея	1/4800	1/4800	1/6500
Полиграфия	1/4000	1/3900	-
Тикувчилик	1/4900	1/4900	1/4200
Ун тортиш-крупа	1/3500	1/3600	-
Тамаки	1/3850	1/3500	1/3200

ШНҚ 2.04.08-22 «Газ таъминоти.
Лойиҳалаш талаблари»
шаҳарсозлик нормалари ва
қоидаларига
5-ИЛОВА

Турар-жой бинолари учун бир вақтда фойдаланиш коэффициенти K_{sim} қийматлари

Хонадонлар сони	**Турар-жой биноларида қандай газ ускуналар ўрнатилганига қараб бир вақтда K_{sim} фойдаланиш коэффициентининг қийматлари**			
	4 конфоркали плита	2 конфоркали плита	4 конфоркали плита ва газли оқава сув иситгич	2 конфоркали плита ва газли оқава сув иситгич
1	1	1	0,700	0,750
2	0,650	0,840	0,560	0,640
3	0,450	0,730	0,480	0,520
4	0,350	0,590	0,430	0,390
5	0,290	0,480	0,400	0,375
6	0,280	0,410	0,392	0,360
7	0,280	0,360	0,370	0,345
8	0,265	0,320	0,360	0,335
9	0,258	0,289	0,345	0,320
10	0,254	0,263	0,340	0,315
15	0,240	0,242	0,300	0,275
20	0,235	0,230	0,280	0,260
30	0,231	0,218	0,250	0,235
40	0,227	0,213	0,230	0,205
50	0,223	0,210	0,215	0,193
60	0,220	0,207	0,203	0,186
70	0,217	0,205	0,195	0,180
80	0,214	0,204	0,192	0,175
90	0,212	0,203	0,187	0,171
100	0,210	0,202	0,185	0,163
400	0,180	0,170	0,150	0,135

ШНҚ 2.04.08-22 «Газ таъминоти.
Лойиҳалаш талаблари»
шаҳарсозлик нормалари ва
қоидаларига
6-ИЛОВА

Газни тақсимлаш бўйича технологик жараёнларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларини функционал тизимлари

ГТТЖАБТ функционал кичик тизимнинг номланиши	**Вазифалар мажмуаси, вазифалар**	**Ечиш даврийлиги**
Газни тақсимлаш технологик жараёнини назорат қилиш	НП томонидан технологик параметрларни ўлчаш, назорат қилиш ва ишлаб чиқиш. НП технологик параметрларни вақти-вақти билан ўлчаш ва назорат қилиш	Фавқулодда ҳодисалар пайдо бўлганда
Технологик ускуналар ҳолатини оператив суръатда назорат қилиш.	МДПга авария ва одатдан ташқари ҳолатлар бўйича маълумотларни узатиш. НП технологик ускуналари ҳолатини даврий равишда назорат қилиш.	30 с дан кўп бўлмаган вақтда кузатилганда 60 мин бир маротаба

ШНҚ 2.04.08-22 «Газ таъминоти.
Лойиҳалаш талаблари»
шаҳарсозлик нормалари ва
қоидаларига
7-ИЛОВА

ГТТЖАБТ қуйи даражасидаги автоматлаштириш тизимлари комплекси вазифалари

1. ГИ амал қилишининг қуйидаги кўрсаткичларини 5 с дан ортиқ бўлмаган даврийлик билан ўлчаш:

ҳар бир ГИга киришдаги газ босимини (газ сарфини ўлчаш узели газ босимини редукциялаш узелидан кейин ўрнатилган бўлса);

ҳар бир газ сарфини ўлчаш узели олдидаги газ босимини;

газ сарфини ўлчаш узелининг ҳар бир қурилмасида газ босимини ёки газ ҳажмининг пасайишини (газ сарфини ҳисоблагичлари қўлланилганда);

ҳар бир ўлчаш узели бўйича газнинг ҳароратини;

ҳар бир ГИдан чиқишдаги газнинг босимини;

тартибга солувчи қурилманинг ҳолатини;

ГИ амал қилиши параметрларининг ўлчамли қийматларини уларнинг берилган энг юқори ва энг кам қийматлари билан таққослаш, оғишлар қийматларини қайд қилиш ва хотирага киритиш;

ГИ технологик жиҳозлари ҳолатининг 5 с дан ошмайдиган қуйидаги параметрларини назорат қилиш:

ёпиш мосламасининг ҳолати;

фильтрнинг ифлосланганлиги (меъёр/меъёрдан юқори/авария ҳолатида);

сақлаш-ёпиш клапанининг ҳолати («ёпиқ/очиқ»);

хонанинг газланганлиги (меъёр/меъёрдан юқори);

хонадаги ҳаво ҳарорати (меъёр/меъёрдан юқори/меъёрдан паст, чегаралар), ускуна ва жиҳозлар бўйича паспорт маълумотларига мувофиқ ўрнатилади;

технологик ва ускуналар хонасидаги эшикларнинг ҳолати (очиқ/ёпиқ);

хонага йўл қўйиладиган кириш белгиси (ўзиники/бегона);

технологик ускуналар ҳолати кўрсаткичларининг технологик ускунага оид паспорт маълумотларига мувофиқ белгиланган қийматлардан четга чиқишини назорат қилиш, четга чиқишларни қайд этиш ва хотирага киритиш;

ҳар бир ўлчаш узели ГИдан сўнг газ сарфи ва миқдорини ҳисоблагичлардан фойдаланишда кўзда тутилган босимнинг ўзгарувчан фарқи усули асосида ҳисоб-китоб қилиш;

қуйидаги даврлар (вақт) учун ҳар бир ўлчаш узели бўйича газ ҳажмини ҳисоб-китоб қилиш:

5 с (газ сарфининг бир лаҳзадаги қиймати);

1 ҳ;

1 д;

1 ой;

киргизиш ва қуйидаги берилган маълумотларни сақлаш:

жорий вақт;

сана (йил, ой, кун);

ўлчаш узелини коди (рақами), автоматлаштирилган ГИни номи ва коди;

нормал шароитдаги газнинг босими;

ўлчанадиган қувурнинг диаметри;

диафрагма тешигининг диаметри;

босим танлаш қурилмасининг тури;

газ сарфини аниқлайдиган ҳисоблагичнинг тури;

барометрик босим;

босимни ўлчаш датчикларининг диапазонлари;

ҳароратни ўлчаш датчикларининг диапазонлари;

босим фарқини дифманометр билан ўлчаш диапазонлари (торайтирувчи мосламаларни қўллаган ҳолда) ёки газ сарфини ҳисоблагичлар билан ўлчаш диапазони;

босимнинг энг кам ўзгариши катталиги, бунда газ сарфини ўлчашда ошиб кетади (торайтирувчи мосламаларни қўллаган ҳолда);

дифманометрларни ёқиб-ўчириш содир бўлиши зарур бўлган босимнинг максимал фарқи катталиклари (торайтирувчи мосламаларни қўллаган ҳолда);

қуйидаги ноодатий ҳолатларда ГИ амал қилишини автоматик тарзда қайд қилиш ва технологик кўрсаткичларини хотирага киритиш:

газ сарфини ҳисоб-китоб қилиш натижаларига таъсир кўрсатувчи функционал блокка киритилган маълумотларни ўзгартириш;

босим ўзгариши, босим ва ҳарорат датчикларини калибровка режимига навбатма-навбат ўтказиш;

босим ўзгариши, босим ва ҳарорат датчиклари иш режимига ўтказиш;

босим ўзгариши қийматларининг дифманометрлар ишчи диапазони чегарасидан чиқиб кетиши (торайтирувчи мосламаларни қўллаган ҳолда);

технологик ускуна ҳолатини назорат қилиш датчикларининг ишламай қолиши;

босим ўзгариши, босим ва ҳарорат датчиклари, газ сарфи ҳисоблагичларининг ишламай қолиши;

босим ўзгариши, босим ва ҳарорат датчикларини константаларга алмаштириш;

электр озиқланиш кучланишининг йўл қўйиладиган қийматлардан четга чиқиши;

тармоқ электр таъминотининг йўқлиги;

ГИ автоматлаштириш воситалари мажмуаси ГИнинг ҳар бир ўлчаш узели бўйича тизимнинг юқори даражасида ҳисоботларни тузиш учун лозим бўлган маълумотларни (ойлик, кунлик, соатлик, тезкор (чақирув бўйича)) хотирада сақлаши ва МДПга узатиши керак. Ҳар бир турдаги ҳисоботда қуйидаги маълумотлар кўзда тутилган бўлиши:

НП номи (коди);

НП ўлчаш узелини коди (рақами);

ҳисобот тузилган сана ва вақт;

оператор томонидан киритилган барча константқийматлар ва улар киритилган вақт.

Ойлик ҳисоботда охирги отган ойнинг ҳар бир суткасидаги газ оқими параметрларининг қийматлари тақдим этилади.

Ҳисобот қуйидаги маълумотлардан таркиб топиши керак:

сана (кун, ой, йил);

ҳар бир суткадаги нормал шароитларда газнинг ҳажми, m^3;

ҳисобот даврида газнинг нормал шароитдаги умумий ҳажми, m^3;

ўртача суткалик сарф, m^3/h;

босим паст-баландлигининг ўртача суткалик қиймати, МРа (диафрагма учун);

ўлчаш узелининг чиқиш жойида босимнинг ўртача кунлик қиймати, МРа;

атмосфера босимининг ўртача кунлик қиймати;

газ ҳароратининг ўртача кунлик қиймати;

ҳисоб-китоб натижаларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган маълумотларни ўзгартириш ва улар киритилган вақт;

одатдан ташқари ҳолатлар ва улар юзага келган вақт.

2. Кундалик ҳисоботда ўтган куннинг ҳар бир соати учун газ оқими параметрлари кўрсатилиши, бунда ҳисобот қуйидаги маълумотлардан тузилиши лозим:

сана (кун, ой, йил);

вақт (соатлар, минутлар);

нормал шароитда ҳар соатдаги газнинг ҳажми m^3;

суткалик даврда нормал шароитдаги газнинг умумий ҳажми, m^3;

босим ўзгаришининг ўртача соатлик қиймати (торайтирувчи мосламалар учун);

ўлчаш узелининг кириш жойида босимнинг ўртача соатлик қиймати;

газ ҳароратининг ўртача соатлик қиймати;

ҳисоб-китоблар натижаларига ва уларнинг киргизиш вақтига таъсир қилиши мумкин бўлган маълумотларнинг ўзгариши;

штатдан ташқари вазиятлар ва уларнинг пайдо бўлиш вақти.

3. Соатли ҳисобот қуйидагича тузилиши керак:

вақт (вақтнинг бошланиши);

бир соатдаги газнинг ўртача сарфи, m^3/h;

бир соатдаги босимнинг ўртача баланд-пастлиги; (хизмат қиладиган қурилмалар учун);

бир соатда ўлчаш узелига кирадиган ўртача босим;

газнинг бир соатдаги ўртача ҳарорати;

операторнинг аралашуви ва штатдан ташқари вазиятлар ҳақидаги рўйхатлар.

4. Сўров бўйича талаб қилинган охирги ҳисоб-китоблар натижасида олинган тезкор ҳисобот қуйидаги маълумотлардан таркиб топиши керак:

жорий вақт (сўров вақти);

ҳар бир ўлчаш узелидаги газнинг босими МРа;

ҳар бир ўлчаш узелидаги газнинг ҳарорати;

ҳар бир ўлчаш узелидаги газнинг бир лаҳзадаги сарфи, m^3/h;

ҳар бир ўлчаш узелидаги газнинг интеграл сарфи, m^3/h;

ҳисоблаш натижаларига ва уларни киритиш вақтига таъсир қилиши мумкин бўлган маълумотларнинг ўзгариши;

штатдан ташқари ҳодисалар ва уларнинг пайдо бўлиш вақти;

ГИнинг ҳар бир киришидаги газнинг босими МРа;

ГИнинг ҳар бир чиқишидаги газнинг босими (ГТТ, ГТП тармоқлари учун), МРа;

технологик ускуналар ҳақидаги маълумотлар;

фильтрлардаги баланд — паст босим.

ШНҚ 2.04.08-22 «Газ таъминоти.
Лойиҳалаш талаблари»
шаҳарсозлик нормалари ва
қоидаларига
8-ИЛОВА

Ер ости газ қувурларидан бино (ГТПдан ташқари) ва иншоотларгача бўлган минимал масофа

Муҳандислик тармоқлари	**Газ қувурлари, босими, MPa (kgs/cm^2)**			
	Паст, 0,005 (0,05) гача	**Ўрта, 0,005 (0,05) дан ортиқ 0,3 (3) гача**	**Юқори, 0,3 (3) дан ортиқ 0,6 (6) гача**	**Юқори, 0,6 (6) дан 1,2 (12) гача**
Бино ва иншоотлар пойдеворигача	2	4	7	10
Корхона тўсиқлари, эстакадалар, алоқа тармоғи таянчлари пойдеворигача	1	1	1	1
Чекка йўл ўқигача				
Эни 1250 mm темир йўллар, камида тўшама ва ўра тагигача хандақ чуқурлиги	3,75	4,8	7,8	10,8
Эни 750 mm темир йўллар ва трамвай	2,8	2,8	3,8	3,8
Автойўлларгача				
Йўл чети тоши, қатнов қисми чети, йўл четининг мустаҳкамланган чизиғи	1	1,5	2,5	2,5
Ҳандақ ташқи чети ёки тўшама чети	1	1	1	1
Ҳаво линиялари таянч пойдеворигача				
1 kW гача ва ташқи ёритиш, трамвай ва троллейбус алоқа тармоғи	1	1	1	1
1 дан 35 kW гача	5	5	5	5
35 kW дан ортиқ	10	10	10	10

ШНҚ 2.04.08-22 «Газ таъминоти. Лойиҳалаш талаблари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига 9-ИЛОВА

Таянчлар орқали ўтқазилган ер усти газ қувурлари ва ердан ўтқазилган газ қувуридан уфқий йўналиш бўйича бино ва иншоотларгача бўлган масофа

Бино ва иншоотлар	**Ер устида таянчларга ётқизилган ва ердан (атрофини кўрсатмай) ётқизилган газ қувурларидан бино ва иншоотларгача бўлган текис масофа (m)**			
	Паст босимли	**Ўрта босимли**	**II тоифадаги юқори босимли**	**I тоифадаги юқори босимли**
1	2	3	4	5
А ва В тоифали хоналари бор ишлаб чиқариш бинолари ва омборхоналар	5*	5*	5*	10*
V, G ва D тоифали хоналари мавжуд	-	-	-	5
Оловбардошлик даражаси I — III бўлган турар-жой ва жамоат бинолари	-	-	5	10
Оловбардошлик даражаси IV ва V бўлган бинолар	-	5	5	10
Енгил алангаланадиган ва ёнувчан суюқликларнинг очиқ омборлари ва ёнувчи материалларнинг саноат корхонасидан ташқарида жойлашган омборлар	20	20	40	40
Темир йўл ва трамвай йўллари (энг яқин изигача)	3	3	3	3
Ер ости муҳандислик тармоқлари (сув қувурлари, канализация, иситиш тармоқлари, телефон канализацияси, электр кабел блоклари) (газ қувури таянчининг пойдевори четидан).	1	1	1	1
Йўллар (ҳошия тошдан, йўл четининг қирғоғи ёки кўтарма этагидан)	1,5	1,5	1,5	1,5
Очиқ тақсимлаш қурилмасининг ва очиқ ёрдамчи станциясининг тўсиғи	10	10	10	10
Шкафли жамлашган трансформатор подстанцияси (КТП)	1	1	1	1

Изоҳ: «-» ишора масофани нормаланмаслигини билдиради.

** ГТП (кириш ва чиқиш) газ қувурлари учун масофа нормаланмайди.*

ШНҚ 2.04.08-22 «Газ таъминоти. Лойиҳалаш талаблари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
10-ИЛОВА

Иссиқлик электр станцияларнинг газ таъминоти тизимларида ўлчашлар, сигнализация ва автоматик ростлаш ҳажми ўлчанадиган параметр	**Ахборот бериш шакли ва жойи**									
	Асосий бино бошқариш шити				**ГТПда маҳаллий бошқариш шити**				**Жойида**	
	Кўрсатувчи асбоб (зарур бўлганда)	**Сигнализация**	**Ёзиб оладиган асбоб**	**Кўрсатувчи асбоб (бўлиши шарт)**	**Кўрсатувчи асбоб (зарур бўлганда)**	**Сигнализация**	**Ёзиб оладиган асбоб**	**Кўрсатувчи асбоб**	**Автоматик тартиблаш**	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Газнинг ГТП гача босими	+	-	+ кўпайган ёки камайган	-	+	-	-	+	-	-
Газнинг ГТП дан кейинги босими	+	-	+ кўпайган ёки камайган	-	+	-	-	+	-	+
Газнинг умумий сарфи	+	-	-	-	+	-	-	+	-	-
Газнинг расходомердан олдинги ва кейинги ҳарорати	-	-	-	-	+	-	-	+	-	-
Фильтрларда газ босимининг исрофи	-	-	-	-	+	-	-	-	+	-

ГТПда тартиблаш хонаси бошқариш шити хонасида газ миқдори кўпайиб кетганлиги	-	-	+ кўпайган	-	+	-	+ кўпайган	-	-	-
Ҳар қайси қозонга газ сарфи	+	-	-	+	-	-	-	-	-	+
Қозоннинг тартиблаш клапанигача бўлган газ босими	-	+	-	+	-	-	-	-	-	-
Қозоннинг тартиблаш клапанидан кейинги газ босими	-	+	+ кўпайган ёки камайган	-	-	-	-	-	-	-
ГТП тартиблаш арматурасининг ҳолати кўрсатгичи	+	-	-	-	+	-	-	-	-	-
Ҳар қайси ёнғичдан олдинги (беркитувчи мосламадан кейинги газ босими)	-	-	-	-	-	-	-	-	+	-

Изоҳ: Жадвалдаги «+» ишора ана шу параметрлар ҳақида ахборот берилиши зарурлигини билдиради.

ШНҚ 2.04.08-22 «Газ таъминоти. Лойиҳалаш талаблари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
11-ИЛОВА

ГТШ ҳудудида жойлашган бино ва иншоотлар орасидаги масофа

ГТШнинг бино ва иншоотлари		**ГТШнинг бино ва иншоотлари орасидаги масофа (m)**									
		1-гуруҳда келтирилган бино ва иншоотларнинг тартиб рақами									
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.	Сақлаш базасининг ер устидаги сиғимлари ва темир йўлнинг қуйиш эстакадаси	-	10	15	30	40	15	30	10	10	40
2.	Сақлаш базасининг ер остидаги сиғимлари	10	-	10	20	30	10	20	10	5	40
3.	А тоифадаги хоналар ва баллонлар ортиш-тушириш майдончалари	15	10	-	15	40	15	30	5	10	40
4.	Автоцистерналарга СУГ қуйиш ва ёнилғи қуйиш колонкалари	30	20	15	-	30	15	15	10	10	15
5.	Қозонхона, таъмир устахонаси, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш биноси, омборхоналар	40	30	40	30	-	12-иловага мувофиқ	3	8	3	10
6.	Из ёнидаги баллон омбори	15	10	15	15	12-иловага мувофиқ		12-иловага мувофиқ	5	5	40
7.	Очиқ оловдан фойдаланилмайдиган ёрдамчи бинолар	30	20	30	15	3	12-иловага мувофиқ	-	1,5	3	10
8.	Автомобиль йўллари (йўл чеккасигача)	10	10	5	10	8	5	1,5	-	1.5	1,5
9.	Ҳудуд атрофидаги девор	10	5	10	10	3	5	3	1.5	-	0,5
10.	Ёнғинга қарши сув ҳавзалари (гидрантларгача)	40	40	40	15	10	40	10	1,5	0,5	-

ШНҚ 2.04.08-22 «Газ таъминоти. Лойиҳалаш талаблари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
12-ИЛОВА

Баллонларнинг сонига қараб биноларигача ва ортиш-тушириш майдончаларигача бўлган масофа

Т/р	Бино ва иншоотлар	Тўлдирилган 50 литрли баллонларнинг сонига қараб биноларгача ва ортиш-тушириш майдончаларигача бўлган масофа (m)			
		400 гача	400 дан 1200 гача	1200 дан кўп	омборнинг сиғимидан қати назар
1.	ВОО ҳудудига бино ва иншоотлар	20	25	30	-
2.	Турар-жой бинолари	-	-	-	50
3.	Ишлаб чиқариш хусусиятли жамоат бинолари	-	-	-	100
4.	Саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг, шунингдек ишлаб чиқариш хусусиятли маиший хизмат корхоналарининг бинолари, автомобиль йўллари (йўл четигача), темир йўллар (йўл ўқичага)	-	-	-	20

ШНҚ 2.04.08-22 «Газ таъминоти. Лойиҳалаш талаблари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
13-ИЛОВА

Ер устида жойлашган сиғимларнинг иш унумдорлиги

Сиқилган газлардаги пропан миқдори (фоиз)	**600 L**						**1000 L**		
	Ташқи ҳаво ҳарорати, ℃								
	-30	-20	-10	0	10	20	-30	-20	-10
0	-	-	-	-	0,7	2,3	-	-	-
10	-	-	-	-	1,4	3,0	-	-	-
20	-	-	-	0,3	2,0	3,7	-	-	-
30	-	-	-	1,1	2,7	4,3	-	-	-
40	-	-	0,2	1,8	3,4	5,0	-	-	0,3
50	-	-	0,9	2,6	4,0	5,6	-	-	1,4
60	-	-	1,7	3,2	4,8	6,3	-	-	2,8
70	-	0,7	2,4	4,0	5,4	7,0	-	2,5	5,3
80	-	1,5	3,3	4,7	6,1	7,6	-	2,5	5,3
90	0,5	2,2	4,0	5,4	6,8	8,2	0,8	3,6	6,4
100	1,2	2,9	4,7	6,1	7,5	9,0	1,9	4,7	7,5

Сиқилган газлардаги пропан миқдори (фоиз)	**1000 L**			**1600 L**					
	Ташқи ҳаво ҳарорати, ℃								
	0	10	20	-30	-20	-10	0	10	20
0	-	1,1	3,5	-	-	-	-	1,5	4,7
10	-	2,3	4,7	-	-	-	-	3,0	6,4
20	0,5	3,4	5,9	-	-	-	1,0	4,6	8,0
30	1,7	4,6	7,0	-	-	-	2,8	6,3	9,3
40	2,8	5,6	8,2	-	-	0,4	4,3	7,8	11,4
50	4,0	6,8	9,3	-	-	1,9	5,9	9,4	13,2
60	5,0	8,0	10,6	-	-	3,8	7,5	11,1	14,8
70	7,3	10,2	13,0	-	3,5	7,3	10,8	14,3	16,5
80	7,3	10,2	13,2	-	3,5	7,3	10,8	14,3	18,2
90	8,6	11,5	14,2	1,1	5,0	8,9	12,4	15,8	19,8
100	9,6	12,5	15,1	2,7	6,6	10,4	14,0	17,5	21,8

ШНҚ 2.04.08-22 «Газ таъминоти. Лойиҳалаш талаблари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
14-ИЛОВА

Яримтинч ва қайноқ пўлатдан тайёрланган қувурларни ишлатиш

Т/р	**Қувурга доир стандарт ёки техник шартлар**	**Пўлатнинг маркаси, пўлатга доир стандарт**	**Қувурнинг ташқи диаметри (mm)**
1.	Электр ёрдамида пайвандланган тўғри чокли ГОСТ 10705-80 (V гуруҳ) ГОСТ 10704-91 бўйича	VSt2sp, VSt3sp камида 2 тоифали ГОСТ 380-2005, 10, 15, 20, ГОСТ 1050-2013	10-530
2.	Магистраль газ-нефт қувурлари учун электр ёрдамида пайвандланган (тўғри чокли ва спиралсимон чокли) ГОСТ 20295-85	St3sp камида 2-тоифали (K38)-ГОСТ 380-2005; 10(K34), 15(K38). 20 (K42) GOST 1050-2013	ГОСТ 20295-85 бўйича
3.	Электр ёрдамида пайвандланган тўғри чокли ГОСТ 10706-76 (V гуруҳда)	St2sp, VSt3sp камида 2-тоифали ГОСТ 380-2005	630-1220
4.	Электр ёрдамида пайвандланган спиралсимон чокли ГОСТ 8696-74 (V гуруҳ)	St2sp, St3sp камида 2-тоифали ГОСТ 380-2005	159-1220
5.	Иссиқ ҳолда шакли ўзгарадиган чоксиз ГОСТ 8731-87 (V ҳамда G гуруҳ)	10, 20 ГОСТ 1050-2013	45-325
6.	Чоксиз совуқ ҳолда шакли ўзгарадиган, иссиқда шакли ўзгарадиган ГОСТ 8733-74 (V ҳамда G гуруҳ) ва ГОСТ 8734-75	10, 20 ГОСТ 1050-2013	10-45
7.	Иссиқ ҳолда шакли ўзгарадиган чоксиз TU 14-3-190 (фақат иссиқлик электр станциялар учун)	10, 20 ГОСТ 1050-2013	57-426

Изоҳ: 1. 1, 6-позициялар бўйича қувурларни СУГ суюқ фазаси газ қувурлари учун ишлатиш керак.

2. Иссиқлик электр станциялар учун 20 пўлатдан тайёрланган қувурларни ҳисобий ҳарорати -30 °С гача бўлган туманлардагина ишлатиш лозим.

ШНҚ 2.04.08-22 «Газ таъминоти.
Лойиҳалаш талаблари» шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
15-ИЛОВА

Бириктирувчи қисмлар ва деталларни давлат ва тармоқ стандартларига мувофиқлиги

Бириктирувчи детал ва қисмлар	**Стандарт**
1	2
1. Цилиндрик бурама кертик чўзилувчан чўяндан	
Бурчакликлар	ГОСТ 8946-75 ГОСТ 8947-75
Учликлар	ГОСТ 8948-75 ГОСТ 8949-75 ГОСТ 8950-75
Крестлар	ГОСТ 8951-75 ГОСТ 8952-75 ГОСТ 8953-75
Муфталар	ГОСТ 8954-75 ГОСТ 8955-7-755 ГОСТ 8956-75 ГОСТ 8957-75
Бириктириш гайкалари	ГОСТ 8959-75
Тиқинлар	ГОСТ 8963-75
2. Цилиндрсимон бурама кертикли пўлатдан	
Муфталар	ГОСТ 8966-75
Контргайкалар	ГОСТ 8968-75
Сгонлар	ГОСТ 8969-75
3. Пайвандланган пўлатдан	
Шохобчалар	ГОСТ 17375-2001
Ўтиш мосламалари	ГОСТ 17378-2001
Тройниклар	ГОСТ17376-2001
Заглушка (тиқин)лар	ГОСТ 17379-2001

Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва
уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг
2024 йил 15 апрелдаги 01/2-9-сон
буйруғига
2-ИЛОВА

Ўз кучини йўқотган деб топилаётган айрим шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг

РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг 2013 йил 9 апрелдаги 41-сон буйруғи билан тасдиқланган ШНҚ 2.04.08-13 «Газ таъминоти. Лойиҳа меъёрлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари.

2. Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2020 йил 25 сентябрдаги 258-сон буйруғи 1-банди 3-хатбошиси билан тасдиқланган ШНҚ 2.04.08-13 «Газ таъминоти. Лойиҳа меъёрлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига киритилган 1-сон ўзгартириш.

3. Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2021 йил 15 октябрдаги 188-сон «ШНҚ 2.04.08-13 «Газ таъминоти. Лойиҳалаш меъёрлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (ҳисоб рақами 41, 2021 йил 23 октябрь).